29 ИЮЛ 1991

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی 1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

26 ИЮЛЬ, № 30 (3134) ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИК ҚУНДАЛИГИ

МЕҲР РИШТАЛАРИ БОҒЛАНАВЕРСИН

Ганжа ЁҚУБОВ:

Шу йил 10—18 май кунлари Ҳиндистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг бир гуруҳ маданият ва санъат арбоблари, ижодий жамоалар ҳамда халқ усталари иштирок этдилар. Шу муносабат билан делегация раҳбари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ранси Ганжа ЁҚУБОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Биз бу ажойиб ва ғаройиб мамлакатга «Ҳиндистон — Совет» маданий-маърифий ташкилоти таклифига биноан бордик. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, сафаримиз кутилгандан ҳам сермазмун ва зиёда ўтди. Ўзбекистон маданияти кунларининг очилиши «Совет — Ҳиндистон» дўстлик уйида бўлиб ўтган учрашув билан бошланди. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Ўзбекистоннинг бугунги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида, жумҳуриятимиз президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот ҳақида гапириб бердик. Чунки бизнинг дардларимиз, муаммоларимиз Ҳиндистон халқига ҳам яқин. У ерда ҳам мамлакат жиддий иқтисодий тангликни бошидан кечиряпти. Шу боис айрим ўхшаш муаммоларни биргаликда ҳал қилсак, ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлади. Маданият масалаларига доир айрим саволларга ҳам жавоб қайтардик. Шу куни Деҳлидаги йирик боғлардан бирида очилган ўзбек халқ усталари асарлари кўргазмасини минглаб ҳиндистонликлар келиб томоша қилдилар. Улар ўзбек усталарининг ишларини ҳайрат ва завқ билан кўриб, юксак баҳоладилар.

Бу ерда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган шеърият кечаси ҳам бўлиб ўтди. Ҳиндистонликлар Навоий ижодига катта меҳр-муҳаббат билан қарар ва ардоқлар эканлар. Уч ярим соат давом этган қизғин мушоирада мутафаккир ғазаллари билан бирга таниқли ҳинд шоирлари ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар. Навоий ғазаллари ҳинд тилида ва дилида янгради. Улар ғазалнинг бир бандини ўқиб тўхтайди. Иккинчи бор шу бандни такрорлаганда, унга залдагилар ҳам қўшилади. Алишер Навоий китобларини совға қилганимизда улар бу асарларни кўзларига суртишди. Навоийнинг шу қадар эъзозланишини кўриб, қалбларимиз чексиз севинчларга тўлди. Кечада СССРнинг Ҳиндистондаги элчисининг биринчи муовини А. Кадакин қатнашди ва сўзга чиқди. Делегациямиз сафида Юнус Ражабий номидаги Мақомчилар ансамбли ҳам бор эди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги бу ансамблнинг чиқишларини ҳиндистонликлар самимий кутиб олдилар. Улар мақом ашулаларини ҳиндларнинг рагаси даражасида қабул қилдилар. Агра шаҳрида берилган икки соатлик концертда шаҳар жамоатчилиги қатнашди ва санъаткорларимизни олқишлашди.

Ҳиндистон телевидение ва радиокампанияси бош директори Шив Шарма билан учрашиб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон телерадиоси ўртасида ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишни келишиб олдик. Навбатдаги учрашувда махсус шартнома имзоламоқчимиз. Ҳозир уларга бўлажак шартноманинг лойиҳасини жўнатдик. Унда Тошкент — Деҳли телекўпригини йўлга қўйиш, программалар алмашиш, кадрлар тайёрлаш ва техник ёрдам бериш сингари масалалар кўзда тутилган. Шунингдек, машҳур ҳинд кино арбоби, ўзбеклар учун ҳам қадрдон бўлиб қолган санъаткор Раж Капурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек ва ҳинд кинематографчилари ҳамкорликда ҳужжатли фильм яратишни келишиб олдилар.

Улуғ ҳамюртимиз Бобур ва унинг сулолалари бунёд этган меъморлик обидаларини кўриб зиёрат қилдик. Бу ўлмас тарихий обидалар ҳинд халқи маданияти ривожига катта таъсир кўрсатгани сезилиб турибди.

Дўстлик уйида бўлган хайрлашув кечаси ҳам мазмунли ўтди. Унда таниқли ҳинд санъаткорлари, адабиёт ва маданият намояндалари қатнашдилар. У ерда ўзбек миллий таомлари кўриги ўтказилди. Унда қатнашган ҳиндистонликлар ўзбек таомларига юқори баҳо бердилар.

Хуллас, маданият кунлари икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини, маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик ишларини ва энг муҳими, икки халқ ўртасидаги меҳр ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлашда катта аҳамият касб этади. Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш ҳар икки томон учун ҳам фойдали.

Неъмат ҲАКИМ. Алишер Навоий портрети

...ЖУМАГАЧА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати мажлисида жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг республика ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни Ўзбекистон ССР ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифи муҳокама қилинди. Олий кенгашнинг тегишли комитетларига Вазирлар маҳкамаси билан биргаликда амалдаги қонунларни ўзгартириш тўғрисидаги таклифни республика қонун чиқарувчи олий органининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди.

●

Жумҳурият Президенти И. Каримовнинг фармонига биноан Жўра Ғаниевич Йўлдошев Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири этиб тайинланди.

●

Ҳозирги иқтисодий вазиятда жумҳуриятдаги даврий нашрларнинг аҳволи қандай бўлади? Бу масала ва август ойидан бошланадиган обуна мавсуми муаммолари ЎзКомпартия Марказий Қўмитасининг матбуот марказида муҳокама қилинди. 1992 йилда алоқа хизмати кўрсатиш нархи уч баравар, қоғоз нархи яна 1,5 баравар қимматлашуви кутилмоқда. Бундай шароитда муштарий учун кураш ғоят қизғин ўтиши шубҳасиздир.

Аҳвол ҳар томонлама таҳлил этилиши асосида «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» рўзномаларини авваргидек ҳафтасига 5 марта чиқаришга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаси 1992 йил январидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг рўзномаси сифатида нашр этилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Санъат» жаридаси Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ихтиёрига берилади. «Мулоқот» ва «Диалог» жаридалари молиявий ва бошқа ресурслар етишмаслиги сабабли ҳамда уларни нашр этиш учун кетадиган сарф-харажатларни камайтириш мақсадида «Инсон ва сиёсат» — «Человек и политика» жаридасига мустақил нлова сифатида чиқадиган бўлди. Бунда «Мулоқот» жаридаси «Эътиқод», «Диалог» эса «Позиция» деб қайта номланади. Шаҳар, район рўзномаларини ҳафтасига камида 2 марта, вилоят рўзномаларини эса ҳафтасига камида 3 марта нашр этишга қарор берилди.

●

Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон ССРнинг жиноят-процессуал кодексида фойда (даромад)нн яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ёки солиқ солинадиган бошқа манбаларни яширганлик, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузганлик ёки тадбиркорликнинг тақиқланган тури билан шуғулланганлик жавобгарлигига доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

ТИЛИНИ ТИЛГАН ОЛЛОЁР

Ҳазрат Эшон Сўфи Оллоёрнинг «Ожизларнинг саботи» деб аталган манзума китобини Яратгани ва унинг чексиз маърифатини англаш китоби деб аташ ҳам мумкин. У шоирнинг Аллоҳни яна бир карра кашф этиш йўлидаги уринишидир. Илгари ҳар бир ўзбек хонадонида мойчироқнинг сариқ олтиндай парпираган шуълаларида қироат билан чўзиб ўқилар, ҳикоятлари қайтадан ҳикоя қилинар, ёқа-енглар кўзёшлардан жиққа ҳўл бўлиб кетар эди.

Сўнг бу китоблар сарқитга чиқди. Лампамой чироқнинг сариқ ёғдулари йўқолгани каби бу китоблар ҳам ўша шуълалар билан бирга йўқолди. Уларни баланд супаларда ўтириб катта давра олиб ўқимай қўйдилар. Ўқиш ҳаёт учун хавфли бўлиб қолди.

Агар боло чиқиб кетсанг, ўзингдин,
Йиқилгайсан тойиб ерга юзингдин —

деган эканлар бир ўринда мавзуиза қила туриб Эшон Сўфи Оллоёр.

Гап ўзини унутиш, қаердан келгани ва қаерга боражагини билмаслик, яъни кибр-такаббурлик ҳақида бораётир. Дунё ва коинот маърифатини англаш ва шу маърифат ичидан ўзини топиш, шу маърифатга лойиқ бўлиш ўрнини мағрурлик эгаллаганда, одам ўз оёғи остидаги заминдан узилиб қолар, заминни ҳис қилмай қўяр, натижада ҳар қадамда тойилиб юз тубан йиқилиб ташашга гирифтор бўлар экан.

Эшон Сўфи Оллоёр ҳазратларининг «Ожизларнинг саботи» манзумаси бош ғояси шундай кибрга қарши қаратилгандир.

«Ожизлар саботи»нинг фикри янгилик эмас. Бу мавзуда сонсиз-саноқсиз асарлар битилган. Уларнинг бадиий-фикрий даражалари ҳам ҳар хил бўлган.

Лекин «Ожизлар саботи» улуғ бир оригиналликка даъво қилмаса-да, у моҳиятига кўра эслатиш китобидир. У одам боласига заминда яшаётганлигини эслатади.

Яратганнинг маърифатини билиш инсоний камолот йўлидаги илк зарур қадамдир. Эшон Сўфи Оллоёр сабр-қаноатга, тоат-ибодатга, шукур қилиб кун кечиришга даъват қиларкан, асло қулликда қўл қовуштириб ўтиришни ёқламайди.

У инсон учун яхши амалларнинг ва илм олишнинг аҳамиятини ҳар ўринда таъкидлаб боради. Маълумки, яхши амаллар Қуръони каримда ҳам инсоннинг бу дунё ҳаёти билан боғлиқ бош ғоялардан биридир Худо яхши амалларни, яхши амал қилгувчиларни севади.

Худони сунъидин кўрдинг карашма,
Бир эски ердин оқти янги чашма —

дейди «Саботул ожизин».

Назаримда, бу манзумадаги ҳар бир байт, ҳар сатр ана шундай эски ердан оқкан янги чашмадир. Бу чашманинг суви ғоят тоза ва тароватли туюлади.

Маърифат, иймон, муҳаббат, ҳалоллик, садоқат, аҳдда собитлик ҳар бир инсоннинг кўркидир. Эшон Сўфи Оллоёр ана шу маънавий гўзалликларни халққа тарғиб қилади.

Тўлин ойнинг сутдек шуълосида бир бева хотин чарх ўгириб ўтиради. Ой тезда ботади. Шунда халифа ва унинг одамлари ёруғ машъала кўтариб ўтиб борадилар. Хотин халифа машъаласининг ёруғида тезгина бир-икки чарх ўгириб қолади. Хотин негадир бу ҳақда узоқ ўйга ботади. Бировнинг чироғи шуълосида йигирган ип менга ҳалол бўладими-йўқми, деб изтиробга тушади. Бу масъалани ўзи ечолмай, буюк иммомлардан бири Аҳмад Ҳанбалдан сўрайди. Бировнинг машъаласи ёруғида ундан изн сўрамай ўгирилган ип ҳалолми, ҳаромми? Аҳмад Ҳанбал бу жуда оддий, лекин таги ғоятда теран савол қаршисида лол қолади.

Ҳалоллик борасида ҳар биримиз шундай қайғурсак, биз ҳаммамиз аллақачонлар бутунлай бошқача одамлар бўлган ва шу билан бирга, бутунлай бошқача равишда яшаган бўлар эдик. Кишини чуқур ўйлатадиган бундай ҳикоятлар манзумада оз эмас.

Сўфи Оллоёрнинг китобида доимо шоирона ажиб кашфиётлар сочилиб ётади. Улар тилнинг учига соф асал томчиси каби ўрнашиб қолади. Сўфи Оллоёр ўхшаш шаклли сўзларнинг ажиб жаранглари ва маъно ранг-барангликларидан айниқса ғоят маҳорат билан фойдаланади. Шоир тилининг фасоҳати ва мазмундорлигини кўрсатиш учун бир неча мисоллар келтириб ўтамиз:

Уёлма маърифатни ўрганурдин,
Танур жойинг бўлур, қолсанг, танурдин.

Жонли сўзлашувда тандирни танур, дейдилар. Шоир «танур» сўзини икки марта бир шаклда ишлатади. Лекин уларнинг бири «тандир» маъносида, иккинчиси «танимоқ», яъни билмоқ маъносида қўлланилади. Тандур сўзини эса мажозан «дўзах» маъносида ишлатади. Яъни маърифатни ўрганишдан уялган кимсанинг жойи дўзахдир.

Ҳаво мисдек қизир, ер ҳам темирдек,
Ғазаб қилган киши бўлғай кўмирдек...

Жаҳолат ва ғазаб шундай бадтарин нарса. Ғазабнинг ранги қора. Бировга ғазаб қилган кимса эса ҳақиқатан ҳам кўмирдек қорайиб кетади. Сўфи Оллоёр оддий сўзлардан одамни титратиб юборадиган манзаралар яратади. Сўзларнинг кутилмаган маъно қирраларини намоён қилади:

Тилим узр айғоли, эй кошифи роз,
Тилимни минг тилим қилсам, эрур оз...

Бу инсон доим узр мақомида қойим турсин деганидир. Ёки:

Отанг эрдур, санам эрдек қилиқ қил,
Ямонлиғ айлаганга яхшилиқ қил...

Сўфи Оллоёр ўз ҳикматли сўзларини дилларга ана шундай нақшлайди.

Бундай лазиз мевалар Оллоёр бобомизнинг абадий қуримас боғида олтиндай товланиб ётибди. Уларнинг тирик зиёси кўзингизни қамаштиради. Лекин шу зиё юрагингиз қаватларини ёритиб, кўнглингиз муҳаббат билан тўлади. Ва бу китобни чиқарган «Чўлпон» нашриётидан ҳам, уни тайёрлаган Рашид Зоҳид ва қимматли маслаҳатларини аямаган Нўъмон Тошкандий ва Наим Норқуловдан ҳам беҳад миннатдор бўласиз.

Кел эй толиб, кўзунг ибрат била оч,
Муҳаббатсиз кишидан қуш бўлиб қоч, —

дейди Сўфи Оллоёр.

У асрлар қаъридан туриб, ўз наслларининг кўзини очиш, уларни муҳаббатли қилиш устида тинимсиз қайғуради. Мени тўғри тушун, болам, дегандай бўлади...

И. УСМОНЗОДА

Ҳабибулло САИД ҒАНИ

МУХАММАС

Шамси анвар шуъласидин ҳар тараф кўркам, расо,
Кўнглима минг жилвасидин сочилур рангин наво,
Тебратур нурларни сокин субҳидам некбин, ҳаво,
Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул худо,
Ер аксин майда кўр деб жомдин чиқти садо.

Жом тўла май ишқидин ён, шодумонликдир карам,
Соқиё! Қай севгидин йиғлаб адо бўлғай бу шам?
Кимки ошиқ ўлди андин бош олиб кетгай ситам,
Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
Иўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Қай тараф боқсанг, магарким, кўринур ҳар ён сафол,
Ваҳки, кангул давлатидин ўзгаси ёлғон, сафол,
Асли олам ичра олам, не ажаб, вайрон сафол,
Эй ҳуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид анн ичган гадо.

Кўнгил ичра ёширин ишқ — мавжи уммон ичра дур,
Қанчалар эрса зимистон, шунча равшан кўринур.
Минг жаҳондин минг хабар, жом ичраким санчилса нур,
Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Май учун эл борму даъво бўлғали, эй муғбача,
Жомда май йўқ эрса ғавғо бўлғали, эй муғбача,
Бир майи икромға маъво бўлғали, эй муғбача,
Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

Оразин қўйида ичмакдин йўқ ўзга чораким,
Жоми майдин аҳли ориф шодумон май ичсаким,
Юз очар гетинамода ҳар саҳар гулчеҳраким,
Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм нла қилғай адо.

Ҳар кангул майхона бўлса, анга жом маъбуд эрур,
Ювса кўнгил зангини май бирла ким масъуд эрур?
Бу фано дунёсида майсиз ҳаёт не суд эрур!
Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Эй Ҳабиб, комронлиғ эмди кун азал соқийсидин,
Май харобот аҳли-чун азал соқийсидин,
Бошланур неки замон, якун азал соқийсидин,
Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

Тошпўлат АҲМЕДОВ:

БУХОРОДА НАВОИЙ ИЗЛАРИ БОР

Қадим Бухоро ҳудудида ҳам улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлимининг масъул котиби, шоир Тошпўлат Аҳмедов билан суҳбати ана шулар хусусида бўлди:

— Навоий биргина ўзбек халқининггина эмас, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари ва барча тараққийпарвар инсониятнинг улуғ шоиридир. Унинг қаламига мансуб асарлардаги юксак бадиий образлар, у куйлаган ватанпарварлик, инсонпарварлик, севги ва садоқат, тинчлик ва осойишталик каби ғоялар мангуликка дахлдордир. Бир сўз билан айтганда, Навоий — башарият шоири! Унинг тўйини муносиб нишонлаш учун вилоятимизда юбилейга тайёргарлик ишларини олиб борувчи ва уни ўтказувчи махсус қўмита тузилган. Бу қўмита жойларда Навоий номини абадийлаштириш ва меросини халққа етказиш борасида хайрли ишлар қилмоқда. Айни пайтда бўлимимиз ҳам бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказди. Бухоро технология ҳамда тиббиёт олийгоҳлари олимлари билан ҳамкорликда «Навоий гулшани» мавзуида музикали адабий кечалар уюштирилди. Шаҳар ижроқўми ҳузуридаги тарихий атамалар кенгаши билан бамаслаҳат қадимий шаҳримизга туташ тўртта янги кўчага Навоийнинг устози ҳамда унинг замондошларидан — Абдураҳмон Жомий, Хўжа Исматулло Бухорий, Маҳмуд Музаҳҳиб, Сайфи Бухорийнинг табаррук номлари берилди. Бу кўчалар Алишер Навоий номидаги шоҳ кўча билан туташиб кетди. Рамзий маънода айтсак, улуғ шоирлар қадим Бухоро заминида қайта учрашгандай бўлди.

Февраль ойининг дастлабки кунларида эса Бухоро туманидаги Навоий номидаги мактабнинг юқори синфларида навоийхонлик дарслари ўтказилди. Бунда ижодкорлар ҳамда Бухоро педагогика олий билимгоҳи олимлари иштирок этдилар. Худди шу мактабда истеъдодли ёш ҳайкалтарош Ҳамро Зойиров айни кунларда улуғ адибнинг «Хамса» достонлари асосида инсон ва ҳаёт гўзаллигини тараннум этувчи ҳайкаллар туркумини яратишда давом этмоқда. Бу ҳайкаллар шу туманнинг энг обод жойларидан бирита ўрнатилади ва уларни очиш маросими сентябрь ойида ўтказиш мўлжалланмоқда.

Бухоро педагогика олийгоҳи олимлари ҳамда Ғиждувон тумани халқ маорифи бўлими ходимлари ташаббуси билан Ҳамид Олимжон номидаги мактабда «Қайта қуриш талаблари асосида умумтаълим маданият масканларида Навоий ижодини ўрганиш муаммолари» мавзуида илмий-методик конференция, олийгоҳнинг ўзида «Навоий дилларо кўприкдир» мавзуида адабий кеча ўтказилди. Бўлимимиз ижодкорлари «Китобхон» ҳамда «Билим» жамияти аъзолари билан Навоий номи билан аталадиган жамоа хўжаликлари, мактаблар, кутубхоналарда «Навосиз элнинг навобахши бўл», «Шеърият мулкининг султони» темаларида қатор адабий анжуманлар уюштирдилар.

Шунингдек, вилоят радио эшиттириш қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда «Мерос» номли адабий-мусиқали радиожурнал ташкил этдик. Бу журналнинг икки эшиттириши Навоий абадиятини тараннум этишга бағишланди.

Вилоятимизнинг шоир номи билан аталган тумани ва шаҳрида ўтказилган тадбирларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу ерда йил бошидан навоийхонлик кечалари бошланди. Бир ҳафта давом этган ушбу тантаналарда жумҳуриятимиз пойтахти, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидан навоийшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, адабиёт ва санъат намояндалари қатнашдилар. Шу йил сентябрь ойида эса Навоий тумани марказида буюк адибнинг салобатли ҳайкали қад ростлайди ҳамда навоийхонлик кунлари давом этади.

Хуллас, Ҳиротдан қадим Самарқандга сафар қилаётиб, ҳазрати Баҳоваддин Нақшбандий хоки покини зиёрат қилган, Бухоройи Шариф шаҳн-шавкатини юрагига инкишоф этган Алишер Навоийнинг табаррук тўйи бу заминда улкан тантаналар билан нишонланади.

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Ихтиёр лоақал ўн кунгина менда бўлса, жилла қурса ташҳис қўёлмайдиган ношуд врачларни дипломларидан маҳрум қилардим. Тўй харажатларини уч минг сўмдан ошмайдиган қилиб белгилардим.

Яккатут — **Иброҳим РАҲМАТОВ**

●

Иттифоқдан чиқмаган ҳолда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларининг иттифоқини тузишга эришардим. Бу, Ўш ва Фарғонадаги каби қонли низоларнинг такрорланмаслигига кафолат бўлар эди.

Челак — **Сирожиддин МУСАЕВ**

●

Почтальоннинг иши олти кун тўхтовсиз юрса ҳам тамом бўлмайди. Почтальонга медаль йўқ. Махсус кийим, уст-бош йўқ. От ҳам йўқ, велосипед ҳам йўқ. Оладиган иш ҳақи ҳам нари борса 110 сўм.

Ихтиёр менда бўлса, почтальоннинг иш ҳақини камида 300-400 сўмга етказардим, ҳар уч ойда янги уст-бош берардим. От ёки велосипед ажратардим, ҳар йилда бир марта. Уларнинг меҳнат дам олиш вақтини ўн беш кун эмас, бир ойга чўзар эдим. Ҳозир эса бизда ҳар 3-4 бригадага битта почтальон. На у юрадиган йўлнинг, на хонадонларнинг сон-саноғи бор.

Узр, ўз дардим ўзимга катта бўлиб кўриниб кетди.

Шўрчи — **Рўзи ПАРДАЕВ**

●

Атрофдаги жондош, қондош эллар билан қўлни қўлга бериб, ҳар соҳада ҳамкорликни йўлга қўярдим. Ўзбекистоннинг ҳам денгиз, океанларга чиқиши учун саъй-ҳаракат кўрсатардим. Бизнинг бугунги ишларимиз 5-10 йилдан сўнг хато деб топилмаслиги учун қайғурардим. Чайқовчини йўқотардим.

Шаҳрисабз — **Саломбек ҲАМРО**

●

Жумҳуриятимизга чет эл сармоялари эркин кириб келишига кенг йўл очардим.

Жумҳурият маҳаллий йигит-қизларидан камида ўн мингини ҳозир чет элларга ўқишга юборардим.

Мактаблар ва барча ўқув юртларида инглиз ва араб тилини чуқур ўргатишни бошлардим.

Ургут — **Қурбонбой ЖЎРА**

●

Мактабларни олтин медаль билан битирувчиларни ўта ҳалоллик билан танлар эдим. Ҳозиргача эса биз ўзимизни ўзимиз алдаб келяпмиз.

Ғузор — **Зокир ЖУМАЕВ**

●

Ихтиёр менда бўлса, 45 йил ҳалол меҳнат қилибсиз, ёшингиз улуғ бўлиб қолибди, бир қўлингиз йўқ экан, II группа ногирон экансиз, деб меҳнат нафақаси миқдорини оширардим.

Хўжаобод — **Холмамат РАҲМОНОВ**

●

Ҳар бир инсон қалбига ҳақиқат уруғини қадардим. Ҳар қандай ишга виждонан ёндашишга ўргатардим. Таниш-билишчиликни, порахўрликни йўқотардим. Чунки таниш-билишчилик оқибатида икки йилдан бери дилим вайрон. Фанлар олимпиадасидан йиғлаб-йиғлаб қайтаман. Ёш адабиётчиларнинг районлараро вилоят олимпиадасида билимим тўғри баҳоланмайди. Мени қўллайдиган киши йўқ. Ҳаётда ҳақиқат борлигига ишонмай қўйдим. Бу сўзларимни ҳам чиқарасизми, йўқми, худо билади.

Амударё — **Гулойим БЕГЖОНОВА**

●

Аёлнинг ёшидан қатъи назар, иш стажи 25 йил бўлса, пенсияга чиқарардим. Аёллар учун уч-тўрт соатлик иш вақти ва шунга яраша иш ҳақи бўлишини ташкил қилардим.

Жиззах — **Мусаллам ШАКАРОВА**

КЕЛГУСИ СОНДА:

- Душанба куни ўзбек тилида гаплашамиз
- Абдулҳақ Абдуллаев: халқим гўзал. Гўзалликни севаман
- Нурли азоб
- Тавалло нимадан норози эди?
- Мозандарон тоғларида
- Троцкий. Туркистонга мактублар

БИЗ ИШБИЛАРМОНЛИКНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ТУРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЕРМИЗ, У ФАҚАТ ҚОНУНИЙЛИК ДОИРАСИДА БЎЛСИН ВА ЖУМҲУРИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎМАКЛАШСИН.

Ислом КАРИМОВ

Қуйдирадиган эмас, тўйдирадиган бозор керак

Мавлон УМРЗОҚОВ, иқтисод фанлари номзоди

ОҒИР ВА МУРАККАБ ДАВРНИ БОШДАН КЕЧИРАЕТИБМИЗ. Хайриятки, бу гапни қўрқмай айтиш мумкин. Ҳозир ошкоралик, ҳамма фикрни айтса бўлади. Аммо тинимсиз айтилаётган фикрлар, ғоялар иш билан тасдиқланмас экан, бу карнайчининг пуфлашидай ҳавойи гап бўлиб қолаверади.

Ҳукумат мажлисларидан тортиб чойхона гурунгларигача бозор иқтисоди ҳақида гапирилмоқда. Ҳар ким ўз билими доирасида бу муаммога баҳо бермоқда. Аммо «бозор иқтисоди» айримлар учун қандайдир «баҳайбат ва қўрқинчли» махлуқ каби таҳликалидир. Гоҳо уни кўпчилик тушунмайди ва негадир чўчийди ҳам.

Нарх ошди ва ҳукуматнинг бу қадами одамларни бозор иқтисодидан буткул бездирди. Одамлар бозор иқтисодига қадам қўймай турибоқ, аллақачон ундан безиб қолдилар. Ҳолбуки, бозор иқтисоди билан «нарх ўйини» бевосита боғлиқ нарсалар эмас. Ростини айтганда, бозор иқтисоди — ишлаб чиқарилган маҳсулотни айирбошлашда, нархлашда — истеъмолчи эҳтиёжининг ишлаб чиқаришга таъсирида ўз ифодасини топади. Бозор иқтисоди асрлар бўйи ривожланиб келган азалий умуминсоний қадриятдир. Унинг энг муҳим белгиларидан бири маҳсулот ишлаб чиқарувчининг иқтисодий эркинлиги, мустақил иқтисодий фаолият юритишидир. Яъни, деҳқон ўз хусусий ерига эга бўлсагина яхши ишлайди, унинг шу пайтгача «давлат мардикори» бўлиб келгани бизнинг энг катта хатомиздир. Энди у ўзи яратган маҳсулотнинг мулкдори, уни истаган нархда, истаган вақтда сотиши мумкин. Сиз олувчининг шўри қурсин, дейишингиз мумкин, аммо хато қиласиз. Сотувчи хоҳлаган нархда сотади, аммо олувчи эса хоҳлаган жойдан танлаб олиши мумкин, уларнинг муносабатлари эркин ва ихтиёрийдир.

Бозор иқтисодиёти, энг муҳими, яккаҳокимликни инкор этади, эркин рақобатни юзага келтиради. Бозорда маҳсулот эгаси харидорни ўзига қаратишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилади. Бозор иқтисодиёти изга тушса, ҳозиргидай мол эгаси эмас, харидор ўз шартини қўяди.

Ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг талабэҳтиёжини қондиргандагина даромад олади, акс ҳолда хонавайрон бўлади. Ҳозиргидай дилни куйдирадиган эмас, элни тўйдирадиган бозор юзага келади. Бозор иқтисодиётининг асл мақсади ана шунда. Бугун масала: «Бозор иқтисодига ўтамизми ёки йўқми? — тарзида тургани йўқ. Бозор иқтисодига ўтишимиз муқаррар. Гарчанд бу қароримизнинг тўғри ёки нотўғри бўлганлиги ҳақида баҳслашиш мумкин, иккиланиб ўтириш ҳалокатга тенг. Энди масалани бошқача, мана бундай қўйиш зарур: «Қандай қилсак, тезроқ янгича иқтисодиёт йўлига ўтамиз ва тезроқ фаровон йўлга тушилади?»

Бунга баҳоли қудрат жавоб беришга уриниб кўрамиз. Бозор иқтисодиётининг уч муҳим қонуни бор — қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, ҳамда пул муомаласи қонуни. Уларни батафсил шарҳлаб бериш бу мақоланинг мақсади эмас. Биз ҳозирги аҳволга бир назар ташлаб кўрмоқчимиз ва шу хусусда мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз, холос. Хўш, бозор иқтисодиётига ўтиш учун жумҳуриятда нималар қилинди?

Бизнинг назаримизда, энг аввало, ҳуқуқий асослар яратилиши керак эди ва шундай бўлди: Ўзбекистон ССЖ Олий кенгаши тадбиркорлик ва мулкчилик ҳақида алоҳида-алоҳида изчил қонунлар қабул қилди. Уларни чанқоқлик билан қутаётган кишилар ишга енг шимардилар. Айтиш лозимки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юргизилиши керак. Айниқса, бизнинг жумҳуриятимиз каби ишсизлар сони юқори, кўп болали оналар кўпчиликни ташкил этадиган, аҳолининг ўртача маоши умумдавлат даражасидан анча паст бўлган минтақада одамларни бозор тўфонига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам жумҳурият Президенти, Вазирлар маҳкамаси, халқ депутатлари ҳаракатлари билан аҳолининг қашшоқ қисмига қатор имтиёзлар берилди, ерсизларга ер ажратилди, ишбилармонларга шарт-шароит яратиб берилди.

Албатта, оддий меҳнаткаш инсон биздан сўрашга ҳақли — хўш, шунча ишлар қилинаётган экан, натижаси қачон кўринади? Бу адолатли саволга жавоб бериш учун бошқа бир жумбоқни ечиб олиш лозим, мана у — «ўзи бизга нималар халақит бермоқда?!» Бу қийинчиликларни ўзимизча санаб ўтсак:

Биринчидан, буйруқбозликка асосланган маъмурий бошқарув сиёсати тугатилди-ю, янгича ҳуқуқий андозалар ишга туша олмаяпти. Авваллари райком, обкомлар шуғулланган ишларни бугун халқ сайлаган советлар қўлга олишлари керак эди. Айрим жойларда партия яккаҳокимлиги ўрнини қонуний давлат тузилмалари олиши ўрнига ҳақиқий ҳокимиятсизлик, эгасизлик юзага келди. Авваллари, «қўрқиб» бўлса-да, буйруқни бажаришарди... Энди ҳеч ким ҳеч кимдан қўрқмайди!

Иккинчидан, бир-бири билан чатишиб кетган иқтисодий алоқалар узилди, шартномалар бузила бошлади ва бу тақчилликни келтириб чиқарди. Гарчанд, кўпчилик корхоналар планни ошириб бажараётган бўлсаларда, дўконларнинг пештахталари бўм-бўш. Нега? Сабаби бор — маҳсулотнинг нархини ошириш ҳисобига даромад ошиб кетган, сони эса ўсган эмас. Сифати ҳам худди шундай.

Учинчидан, оммавий тақчиллик, умумий дарғазаблик шароитида жиноятчилик ҳаддан ташқари ошди. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз бўйича бир миллиондан зиёд жиноят очилмай қолди. Улардан 3,3 мингги қотиллик, 15,3 мингги оғир тан жароҳати етказиш, 9,6 минг босқинчилик, 69,2 минги талон-тарож қилиш, 900 минги ўғирликдир. Буларни содир қилганлар ошкор бўлгани йўқ, улар орамизда юрибди. Бу одамларда жиноят қилиб, жазоланмай қолиш мумкин деган кайфиятни келтириб чиқармоқда. Айтинг-чи, агар тер тўкиб, меҳнат қилиб, топганингни ўмариб кетаверишса, ким меҳнат қилишга интилади? Биз эса одамларда моддий қизиқувчанлик ошиб, иқтисодий алоқалар кучаяди, деб ўтирибмиз. Токи жиноятчиларнинг пайи қирқилмас экан, янгича иқтисодиёт самара бермайди.

Тўртинчидан, биздаги бюрократия, маъмуриятчилик кайфияти тугатилган эмас. Улар корхоналарга эркинлик бермайдилар, тадбиркор кишиларнинг йўлини тўсадилар, кўпгина яхши мақсадда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишига тўсқинлик қиладилар. Шубҳасиз, агарда бозор иқтисодиётига ўтсак, маҳсулот ишлаб чиқарувчи харидор билан бозор орқали муомала қилса, жуда кўп воситачи вазирликларга иш қолмайди. Шунинг учун улар бозорга қаршилик қиладилар. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишимиз лозим. Бизнинг бюрократлар нафақат била туриб қаршилик қиладилар, аксинча, улар яхши қилаяпман, менсиз халқ қийналиб қолади, деб ўйлайдиларки, бу кулгили ҳолдир. Баъзан бундайроқ раҳбар ҳузурига унинг ёрдамчиларини «босиб» ўтиб бўлмайди. Улар бу билан ўз раҳбарларини асраяпман, деб хаёл қиладилар. Қачон биз калондимоғликдан, тўрачиликдан, ҳовлиқмаликдан халос бўламиз, ўзи?! Шундай кишилар борки, уларнинг кун бўйи қиладиган иши ғийбатбозликдан иборат! Одамларни бир-бирига қайраб, шундан завқ оладилар! Бундай кимсалар шароитга қараб мослашаверадилар. Улар учун энг асосий мақсад «садоқат» билан дўстларни сотиш. Шу кишилар билан бозор иқтисодиётига ўтамизми, деб ўйласам, юрак орқага тортиб кетади... Ҳар бир кадр ҳақида турли «фикрлар» пайдо бўлганда инсоф юзасидан кенг фикрлаб, сўнг хулоса чиқармоқ керак.

Бешинчидан, жумҳуриятимиз, мамлакатимиз келажагини ўйлаганда, ҳали жуда кўп мавҳумликлар, ноаёнликлар бор. Қачон Иттифоқ шартномаси имзоланади? Унда ёзилган яхши ниятлар яна қоғозда қолиб кетмасмикан? Ахир, бизда жуда кўп яхши ғоялар амалга ошмай қолаётгани янгилик эмас. Ким эртанги кун учун кафолат беради? Бу каби дилга ғулғула солувчи саволлар қошида туриб бозор иқтисодиёти талаб қиладиган бардошни тилайсан ўзингга.

БИЗ ЕТМИШ ИИЛ БИР БУТУН МАМЛАКАТ БЎЛИБ ЯШАДИК, яхши,ёмон кунларни бирга кечирдик. Жумҳурият иқтисоди олдидаги муаммолар Иттифоқ иқтисодининг умумий инқирозидан келиб чиқиши табиийдир.

Ҳозир ҳаммамиз учун ҳам энг муҳим масала — бу, жумҳуриятимизда иқтисодий мустақилликни таъминлаш масаласидир. Табийки, бу ўз-ўзича ёки митинглар, тўполонлар, ҳокимиятни ҳақоратлаш билан амалга ошмайди. Ахир, неча ўн йиллаб иқтисодий қонунларга амал қилмаслик натижасида келиб чиққан бугунги аҳволни 3—4 йилда яхшилаш мумкинми?

Айрим гуруҳлар алоҳида давлат бўлсак, бошқа жумҳуриятлар билан алоқаларни узсаккина иқтисодий мустақилликка эришамиз, деб зўр беришяпти. Бироқ бу алоқаларни ҳозир қандай қилиб узамиз? Етмиш йил давомида мамлакатимизда минтақалараро ихтисослаштириш сиёсати юргизилди. Натижада бир дона кетмон ясаш учун дастасини узоқ Россиядан, кетмонни Украинадан, михини эса мамлакатимизнинг яна бир бошқа бурчидан оладиган бўлдик. Бу ҳам етмагандек етмишинчи йилларда ихтисослаштиришнинг яна бир олий шакли — халқаро интеграция масаласи кўтарилдики, энди бир товар ишлаб чиқариш учун «етти иқлим мамлакатлари» қатнашуви керак бўлиб қолди. Сиртдан қараганда, ўша пайтдаги бу сиёсатни ҳам қоралаб бўлмайдигандай. Ахир, дўстлик, биродарликка қаратилган сиёсатнинг нимаси ёмон? Ўша йилларда ҳам қабул қилинадиган ҳамма тадбирлар халқимизнинг фаровонлиги учун қаратилмаганмиди? Бўлмаса нима учун иқтисодий инқирозга юз тутдик? Иқтисодчи олимларимизнинг маълумотларига кўра, бугунги Америка ишчисининг бир йиллик иш ҳақи ўзимизнинг пул ҳисобида 100 минг сўмга тўғри келар экан. Бу — ойига 8—9 минг сўм дегани.

Бугун биз мамлакатимизда, жумладан, жумҳуриятимизда мантиқсиз турли курашларга, сиёсий ўйинларга куч сарфлагандан кўра, меҳнат кишисининг иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳақида бош қотирмоғимиз керак эмасми? Ёчилмаган муаммоларимиз ошиб-тошиб ётибди. Мутахассисларимизнинг ҳисобларига кўра, гўштни қайта ишлаш қувватининг етишмаслиги, холодильникларнинг камлиги туфайли мамлакатимиз бўйича йилига бир миллион тоннага яқин гўшт аҳолининг дастурхонига етмай исроф бўлмоқда. Юзлаб илмий текшириш институтларимизда эса бу муаммолар ечилиш ўрнига, миллион-миллион сўмлаб халқ маблағининг кули кўкка совурилмоқда.

СССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 5 апрель қарори билан 3500 га яқин «масъул ходими» бўлган улкан иттифоқ Госагропромини тарқатиб юборди. Ахир, кечагина халқимиз моддий аҳволини яхшилашнинг бирдан-бир йўли — ана шу Агропромни тузиш деб ишонтирган эдик. Энди-чи, яна хатога йўл қўйдик. Бир иқтисодчининг ҳисобига кўра, Совет ҳокимияти даврида аграр секторидаги бу «қайта қуриш» йигирма саккизинчиси экан. Ҳар бир ўзгартириш миллион-миллион сўмни талаб этади. Наҳотки, адашмоқнинг чеки бўлмаса?!

Ўзимизнинг жумҳуриятимизда ҳам бир пайтлар вилоят меҳнаткашлари, партия комитетлари раҳбарларининг фикрларини инобатга олмаган ҳолда вилоятлар, районлар бирлаштирилган эди. Гўё шу тадбирдан дастурхонимиз тўлиб қоладигандай. Бироқ ҳаёт бундай қарорнинг нотўғрилигини исбот қилди. Жумҳуриятимизнинг янги раҳбарияти томонидан бу масалага адолатли тузатиш киритилди.

Хуллас, муаммоларимиз жуда кўп. Вақтни бой бермасдан иқтисодий инқироздан тезроқ чиқиш йўлларини ўйлашимиз керак.

БИЗ КАПИТАЛИСТИК ЙЎЛДАН БОРА ОЛМАЙМИЗ, чунки улар «учинчи дунё мамлакатлари»ни талаш ҳисобига ҳозирги даражага етдилар. Бугун «учинчи дунёга» ақл кирди, энди у оғиздагини олдириб қўймайди. Ягона йўл — тенг ва ҳалол иқтисодий алоқалар ўрнатишдир. Биз жумҳуриятимиз атрофини баланд девор билан ўраб олиб, ривожлана олмаймиз. Шу пайтгача қўлимиз фақат Москва, Иваново ёки Софияга ета олган бўлса, энди АҚШ, Япония, Кореяга чиқишимиз керак, биз ўз уямизга беркиниб эмас, аксинча, яна ҳам кенгроқ майдонда ҳаракат қилишимиз лозим ва бу ишларни бировларнинг кўмагисиз, тўғридан-тўғри амалга оширсак дуруст бўларди. Мен ҳозир урф бўлган мустақилликни шундай тушунаман. Демоқчиманки, ҳамма гап яхши ишлаш, интизомга тақалади, яхши маҳсулотнигина бозорга олиб чиқиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам тотувлик, тинчлик, ишчанлик — бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан биридир.

Мана, давр талаби билан ҳар хил ширкатлару катта тижорат билан шуғулланувчи ишбилармон одамлар пайдо бўлаяпти. Уларни ҳар хил тоифага бўлиш мумкин. Қайсиларидир ҳалол пул топиб ишлаётган бўлса, яна бирлари халқни алдаш эвазига кун кечиряпти. Бу гап ҳозир ҳамманинг тилида достон. Ширкатчиларнинг номи ҳатто сиёсий ўйинларда ҳам кучли карта бўлиб ўйналмоқда. Автобус-троллейбусларда юрган, дўконларда навбатда турган оддий одамларга қулоқ солинг: ҳамма бало-қазонинг айбдори — кооперативчи, дейишади. Аммо масалага тийрак кўз билан қараладигана бундай гап-сўзларнинг сарагина саракка, пучагини пучакка чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда ширкатчиликка эътибор берилиб, шу соҳанинг «бошини силаш» бошланганда, янги-янги корхоналар ташкил топади, кенг истеъмол моллари кўпаяди, соҳаларда яккаҳокимлик тугайди, соғлом рақобат бошланади, деб умид боғланган эди. Афсуски, кўпинча янги ишлаб чиқариш базаси яратиш ўрнига мавжуд давлат корхоналарининг асбоб-ускуналари ижара ниқоби остида, маълум бир шахсларнинг фойдасига ишлатилди, янги «ширкатчи яккаҳокимлиги» юзага кела бошлади. Биз мева-чева тўкин бўлади, деб ўйладик, аммо ширкатчи ер олиб, кетмон чопишга шошилмади, танқисликдан фойдаланиб лўттибозларча иш тутди — аввалгидай маҳсулотни чиройли қоғозга ўраб, бешўн баробар қимматга сота бошлади. Иқтисодимизнинг инқирозидан, ҳуқуқий билимсизликдан «унумли» фойдаланди. Ленинграддаги «Миг» ширкатининг раиси А. Беккер бир ойда 74,5 минг сўм маош олган, бош муҳандис С. Королев 64 минг, таъминотчи А. Лазарев 54 минг сўмдан зиёд ойлик олишган. Уларнинг қўлига 22 миллион (валютага) чет элдан сотиб олинган хорижий ускуналар бериб қўйилган...

Сир эмас, ширкатлар жуда кўп ишчиларни ёллаб, эзиб ишлатмоқда. Айтишингиз мумкинки, улар ўзлари хоҳлаб эксплуатацияга рози бўлмоқдалар деб. Яшириб нима қиламиз, бунга уларнинг иш жойларидаги маошларидан кўнгиллари тўлмаётгани сабаб бўлаяпти. Ширкатда эса иш куни чегараланмайди, агар керак бўлса, ярим тунгача ҳам ишлашаверади, хавфсизлик қоидалари ва қоралари ҳақида ҳеч ким қайғурмайди ҳам. Бу инсоннинг эрта қаришига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Ширкатда ишлаб ногирон бўлган кишига ширкат пенсия берармикан? Бу каби саволларга ҳам жавоб бериш керак...

Хўш, бунинг ташвишли томони нимада? Айрим давлат корхоналари раҳбарларининг ширкатчилар билан тез тил топишаётгани бизни хавотирга солади. Жумҳуриятимизнинг хом ашё базаси эканини ҳисобга олсак, ширкатчилар билан давлат корхоналарининг айрим қўли эгри мутасаддилари «тил бириктириб» келажагимизни хавф остига қўйишлари мумкин.

Тўғри, ташаббускорлик бўғилмаслиги керак, ҳеч ким ширкатчининг бошига қувғин-қирғин солмоқчи эмас. Гап қонуний чегаралашлар ҳақида бормоқда. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши «Ўзбекистон ССЖ да тадбиркорлик ҳақида» Қонун **лойиҳасини** қабул қилди. Умид қиламизки, бу соҳадаги бошбошдоқликка чек қўйилади. Мен шунинг тарафдориман: ҳалол ширкатчини зуғум-зўравонликдан асраш керак...

Ширкатчиликда ҳаром топилаётган пулнинг жамиятга маънавий зарари ҳам бор, зеро шу «йўл»нинг ихлосмандлари кўпаяди. Давлат ва жамоа корхоналари айрим кадрларининг ширкат тарафга «кўзи сузила» бошлайди. Бу бизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Оммавий айнишга юз тутиш эҳтимоли ҳам бор. Қўшма корхоналар, ижарачилик, ширкатлар ниқоби остида халқимизнинг нон-насибаси ташиб кетилиши ҳам мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун кўзи тийрак, элсевар кадрлар жуда зарур.

БУГУН МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛАЁТГАН ЯНА БИР МАСАЛА ХОРИЖНИНГ ёрдами муаммосидир. Чет эл ёрдами керакми? Қанча миқдорда? Биз уларга қарам бўлиб қолмаймизми? Ниҳоят, биз боболаримиздан қолган, уларнинг қони тўкилган, қабри ётган ерни, мол-мулкни чет эллик бойларга, вақтинча бўлса-да, бериб қўя оламизми? Бундай ҳуқуқни бизга ким беради?

Қиёслаб кўрадиган бўлсак, бугунги иқтисодиётимиз оғир ётган беморга ўхшайди. Унга дори-дармон зарур. Ана шу дори-дармон хориждан олиниши лозим. Биз шунга мажбурмиз. Бемор қанча тез тузалса, шунча яхши — ишлаб пул топиб, дори ҳақидан тез қутилади. Ётса-ётаверади, «дорихўрлик»нинг ўзи сурункали касалга айланиб кетади. Аммо меъёр лозим — дори-дармонни шунча олиш керакки, у тузалишга етгулик бўлсин, аммо бемор тузалиб бир умр ишлаб қарздан қутулолмайдиган даражада ортиқча бўлмасин. Яъни, биз хориждан пул олиб, невараларимиз ҳам қарзимизни узолмай юрмасинлар.

Корхоналарни ижарага берганда, қўшма корхоналар ташкил этганда хорижий капитал 49 фоиздан ошмаслиги лозим, яъни назорат қилишга етарли акциялар бизда туриши лозим. Ерни вақтинча ижарага бериш мумкин, сотиш ман қилиниши керак. Бундай кафолатлар бўлиши шарт.

Жумҳурият мамлакат таркибида экан, чет эллардан олинаётган кредит (қарз)нинг қанча қисми бизга келаётганини белгилаб олиш керак, токи «емаган сомсага пул тўлаб» юрмайлик. Яна бир мулоҳазамиз бор, бу жуда муҳим. Хориждан маҳсулот эмас, технология, асбоб-ускуна олиш лозим, чунки озиқ-овқатни тезда ҳазм қилиб юборамиз, яна оғиз очиб қолаверамиз. Ўзимиз ишлаб чиқаришимиз лозим. Асбоб-ускуналарнинг ҳам замонавийсини олиш керак. Токи капиталистлар муҳтожлигимиздан фойдаланиб, у ёқда ўтмай қолган матоҳларни бизга пуллаб юбормасинлар, аллақачон янги турлари кашф этилган станокларнинг алмисоқдан қолганларини сотиб, бизни лақиллатмасинлар. Чет эллар билан алоқа қилиш давлат қўмитаси экспертлари, мутахассислари ўзларининг ҳар бир қадамида она юрт, миллат ғурурини сезиб ишлашлари керак.

Қолаверса, чет эл капиталистлари ҳам жуда биз ўйлаганчалик содда бўлмасалар керакки, ўз капиталидан фойда ўрнига зарар кўришни мақсад қилса!

Ҳозирги замонда бозор иқтисодиёти кунли илмий-техникавий асоссиз амалга ошмайди. Буни эътироф этиш керак, айнан фан ва техникага таянадиган иқтисодгина ишлаб чиқарувчилар меҳнатини енгиллаштиришга, юксак ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишга қодирдир. Боболаримиз ҳам илмда суяги қотган кишининг танаси ўтда ёнмайди, деб башорат қилганлар.

ХАММА НАРСАНИНГ АВВАЛИ — ОДАМДИР. Юзлаб саводсиз кишидан битта малакали мутахассис афзал. Машҳур кемасоз олим, академик А. Крилов шундай воқеани ҳикоя қилади. Чет элдан Совет флоти учун сотиб олинаётган пароходни кўздан кечиргач, олим яп-янги машинанинг тезлиги паст, тошкўмирни кўп сарфлашини аниқлайди. Маълум бўлишича, дошқозонларнинг қувури тозаланмаган, турли асбоб-ускуналардан фойдаланмай енгил-елпи ишлатилаётган экан. Кема механиги алмаштирилгач, кунига 20 тонна ўрнига 6 тонна кўмир сарфланган, холос. Академикнинг хулосасига кўра, техникада двигателнинг фойдали ҳаракатини 5 фоиз ошириш кашфиёт ҳисобланади, бироқ бир саводсиз механикни бошқасига алмаштириб, 70—75 фоиз ҳаракатни оширса бўлар экан!

Ҳақиқатан ҳам бизнинг энг замонавий асбобларимиз бўлса-да, билимдон мутахассисларимиз бўлмаса, ҳамма ҳаракатларимиз бир пул.

Яна бир ўй бизга тинчлик бермай келади. Албатта, бу хусусий фикр. Бизнинг «олим»ларимиз кандидатлик, докторлик диссертацияларини бир марта ёқлаб оладилар-да, бир умр кандидатлик, докторлик (доцент, профессор) маоши оладилар. Бу адолатдан бўлмаса керак. **Бизнингча, олимларнинг маоши уларнинг илмий ишлари самарасига боғлаб қўйилиши керак, яъни сиз қилган илмий янгиликдан миллион сўм даромад келса, марҳамат, бир қисмини олинг! Агар у йиллар давомида ишлатилса, сиз ҳам йиллар давомида ҳақ олиб туринг. Агар кашфиётингиз эскирса, ишлаб чиқаришдан олиб ташланса, сиз ҳам пул олманг. Керак бўлса, янги кашфиёт қилинг.** Шунда тараққиёт бўлади. Ўртамиёна бир иш қилиб, кандидат бўлиб олгач, бутун залворини давлат елкасига юклаб қўйиш, « бизнингча тўғри эмас. Қолаверса, бозор иқтисодиёти шароитида илмий кашфиётнинг янгиланиб туриши табиий, эскирган кашфиёт вақти-соати билан ўз қимматини йўқотиши турган гап.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фан ва техникани ривожлантириш бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинди. Миллион-миллион сўм маблағлар шу тармоққа йўналтирилди. Амалда-чи, унинг самараси қандай бўлди, халқнинг пешона тери эвазига топилган маблағлар халқ мушкулини енгиллатдими, дастурхонимизни тўлдирдими? Нега кўчада бирор чет эл машинаси ўтиб қоладиган бўлса то у кўринмай кетгунча анграйиб қоламиз? Нега бирор одамнинг қўлида чет элнинг соатими ёки ручкасини кўрсак ҳануз улардан кўз узолмаймиз? Қачонгача дўстларинг, фарзандларинг учун чет эл буюмларидан ортиқ арзигулик совға топилмайди?

Фикримча, ҳозирги кунда чет эл ютуқларидан лол қолиш ўрнига уларни ҳайратга туширадиган кашфиётлар ҳақида ўйламоғимиз даркор. Ҳар бир кишида, ҳар бир мутахассисда энг аввало юрт ва миллат ғурури бўлмоғи керак. Бу эса, энг аввало, ҳар биримиздан самарали меҳнатни, фидойиликни талаб этади.

«Есам арпа нонини меҳнат билан Ширидир бировларнинг оқ нонидан» — деб хитоб қилган эди устоз Саъдий.

Ошкор айтмоғимиз керакки, бу борадаги ишларимиз ҳали оддий талаб даражасида ҳам эмас. Фикрим шунчаки бир қуруқ гап бўлмаслиги учун бир мисол келтираман. Таркибида 2 минг ходим меҳнат қиладиган Химиявий қоришмаларни биологик синовдан ўтказиш бўйича марказий илмий-текшириш институтида 12 йил давомида бирорта ҳам медицина препарати яратилмабди, шу давр ичида кетган маблағ эса 50 млн. сўмни ташкил этибди. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? «Пахта иши» деб бутун мамлакатта аюҳаннос солишимиз қаёқда қолди-ю, биргина марказий институтда ҳеч қандай назоратсиз миллионлаб маблағлар кулини кўкка совуриш қаёқда қолди?

Бу ҳам етмагандек, катта самара берадиган кашфиёт «аҳконинг уруғи» бўлган пайтда, олимларимиз томонидан кашф этилган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш 10-20 йилга чўзилиб кетади. Натижада у ёки бу кашфиётни ишлаб чиқаришда юз фоиз қўллаб улгурмасимиздан у аллақачон эскириб бўлади. Иқтисодчиларимизнинг маълумотларига кўра, мамлакатимизда биринчи саноат кислород-конвертер ускунасини ишлаб чиқаришдан то пўлат ишлаб чиқаришда бу усулни қўллаш 20 фоизга етгунча 16 йил керак бўлибди, Япония эса бу кўрсаткичга 5 йилда эришибди. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришда қўллаш муаммолари халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ҳам худди шу аҳволда.

Буни қарангки, мамлакатда ҳар йили 200 минг тугалланган илмий тадқиқотлар қайд этилган, шу жумладан 80 минг кашфиётчи муаллифлик шаҳодатномасини олиб турар. Ишлаб чиқаришга эса бор-йўғи 25 минг кашфиёт татбиқ этилган, уларнинг 12 мингтаси бор-йўғи бир-икки корхонада ишлатилган, холос. Яъни кенг қўлланилмаган, юзлаб корхоналар эса, аллақачон янги услуб мавжудлигига қарамай эски, қиммат усулда ишлайверган. Энди бунга чек қўйиш лозим. Бозор ҳушёрликни, тадбиркорликни талаб қилади.

Шубҳасиз, фан ва техника ютуқларига бўлган бундай муносабат ишлаб чиқариш суръатларини жадал ривожлантиришга, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга асло хизмат қилмайди. Мутахассисларимизнинг ҳисобларига кўра, ҳозирги пайтда кашфиётларнинг 11 фоизи 20 йилдан ортиқ ишлатилмоқда. 24 фоизи эса 10 йилдан — 20 йилгача. Ҳозирги пайтда машина ускуналаримизнинг 16 фоизи, технологик жараёнларнинг эса 14,2 фоизигина жаҳон даражаси ва ундан юқори талабларга жавоб беради.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифати паст даражада. Буни табиий ҳол деб тушунмоқ керак. Биргина пойафзал ишлаб чиқаришни олайлик. Мамлакатимиз бўйича аҳоли жон бошига бир йилда 3 жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади, АҚШ да эса бир жуфт, ГФР да — 1,4. Буюк Британияда — 2,2. Аввал ҳам, ҳозир ҳам, айниқса бизга, бир жуфт бўлса ҳам сифатли, жаҳон маҳсулотлари даражасидаги пойафзал керак.

Биз, одамларимиз энди кичик корхоналарни сотиб оладилар, деб умид қилаяпмиз. Мулкнинг янги шакллари йўлга қўйилади, деган ниятдамиз. Бу жуда нозик масала. Хўш, давлат корхоналари, маиший хизмат ўчоқлари, дўконлар сотиладиган бўлса, жой бинолари шахсий мулк қилинадиган бўлса, кимлар сотиб олади? Уч хонали уй 100-120 минг сўм баҳоланмоқда. Оддий одамларда, деҳқонларда, ишчиларда шунча пул борми?! Ёки пулдорлар, қиморбозлар, ўғрилар яхши жойларни сотиб олиб қўймайдиларми? Бу масалаларни чуқур ўйлаш лозим. 70 йил шу юртни, деб тер тўккан кишилар, уларнинг фарзандлари «янги бойлар» қўлида «батрак» бўлиб қолмайдиларми? Улар шунча йил сув текинга ишладилар, эҳтимол, бир қисмини текин олишлари керакдир, дейлик, иш стажига қараб, малакасига қараб ва ҳоказо. Ўйлаш керак!

Маълум бўлишича, жумҳурият аҳолисининг қўлида шу йилнинг январига келиб 7,6 миллиард сўм пул бўлган. Аҳоли жамғармаларининг умумий миқдори 1991 йилнинг 1 январида 21,4 миллиард сўм бўлган. Киши бошига тақсимласак, 20 миллионли жумҳурият аҳолисининг ҳар бирига 1100 сўм тўғри келади. Хўш, биз эртага уй-жой, магазинни сотсак, қайси ўзбек хонадони ола олади? Бундайлар жуда оз. Шунинг учун шошилмасдан батафсил ўйлайлик. Ахир биз, коммунизм қурамиз, адолатли жамият яратамиз, деган эдик-ку?!

Шуни айтмоқ керакки, социализм ва коммунизм ғоялари инсоният тарихида буюк мақсадларни кўзда тутган эди. Хўш, амалда бу ғоялар одамлар томонидан қандай қабул қилинди ва қай йўсинда талқин этилди? Аксарият одамлар учун бу жамиятни ёрқин келажакка олиб чиқувчи ягона йўл ҳисобланди. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, ҳатто оиласи, фарзандлари тақдирини ҳам, шахсий манфаатларини ҳам иккинчи даражага қўйиб жамият манфаати йўлида меҳнат қилишди, керагида жон фидо этишди. Бошқалар эса аксинча, шахсий манфаатларини ҳар қандай жамият манфаатларидан устун қўйган ҳолда сўнгги нафасгача шахсий бойлик орттириш, шоҳона ҳаёт кечириш билан банд бўлишди.

Ҳозир-чи? Ҳозир, бутун ўтмишимизни, ғояларимизни бутунлай қоралаб бўлдик. Бироқ энди одамларимиз онги тубдан ўзгарди, янги ғоялар энди улар томонидан фақатгина жамият манфаатини ўйлаган ҳолда қабул қилинади, деб ким кафолат бера олади? Ахир, коммунизм ғоялари одамларни жарликка, очликка ва қашшоқликка олиб борувчи ғоялар эмас эди-ку? Гап, назаримда, ғояда эмас, балки унинг ижросида. Минглаб қонунлару қарорлар қабул қилишимиз мумкин, бироқ ижро йўлга қўйилмаса, энг аввало, инсоф бўлмаса бу қонунларнинг қиймати икки пулга қиммат бўлиб қолаверади. «Энг ҳалокатли хатоларимиздан бири, ёмон бажариб яхши ишни ҳам барбод беришимиздир», — деган эди У. Пенн.

БИЗ ЯНГИЧА ИҚТИСОДИЁТ ДЕГАНДА, талон-тарож қилишни эмас, энг аввало адолатли сиёсат ҳақида сўзлайлик. Маҳсулот яратиш ўрнига борини тақсимлаш йўлига ўтиб олиш хавфлидир. Бор нарса поёнсиз эмас-ку, у ҳам тугаши мумкин. Ёки хайр-эҳсон, саховат жамғармаларини олинг. Бу сурункали ишга айланмаслиги керак. Халқнинг чўнтаги ҳисобига иқтисодиёт юргизиб бўлмайди. Бу бемаъниликдир.

Бозор иқтисодиётини, шубҳасиз, оқил, зукко кишилар йўлга қўядилар. Энг аввало, жамиятда тинчлик, тотувлик бўлиши лозим. Биз бир-биримизни қадрлайлик! Бу дунёга меҳмонмиз, болаларимизга фаровон, тўкис ҳаёт қолдирайлик! Бозор эса қуйдириши эмас, тўйдириши керак!..

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

ОРОЛ ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБИДАН

Ўзбекистон Оролни асраш қўмитаси экологик фалокат зонасида яшаётган аҳолининг саломатлигини тиклашга катта ҳисса қўшмоқда. Шу кунларда Қорақалпоғистон жумҳуриятида яшовчи кўпгина оналар ва болалар Тошкентда махсус тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бунинг учун Орол жамғармаси ҳисобидан ТУ-154 самолётига буюртма берилди. У июнь-июль ойларида Нукус ва Тошкент оралиғида ўн марта қатнаб, ҳар сафар 160 нафар она ва болани пойтахтга олиб келди. Малакали мутахассислар тиббий кўрикда оналар ва болаларнинг саломатлигини атрофлича текширишдан ўтказишди, зарур бўлганларга шаҳар шифохоналарида даволаниш таклиф этилди. Ҳозирга қадар Мўйноқ, Қораўзак, Шуманай, Тахтакўпир ва бошқа районларда истиқомат қилувчи икки мингга яқин она-бола бу имкониятдан фойдаланишди. Улар Тошкент ва унинг атрофидаги диққатга сазовор жойлар билан танишиб, оромгоҳларда ҳордиқ ҳам чиқардилар.

**Чимбой районидаги 1 Май давлат хўжалиги ҳудудида ҳам Орол жамғармаси ҳисобидан қурилган ёзлик даволаш маскани иш бошлади. Шифоли қайноқ сув атрофига ўрнатилган 15 ўтовда болаларнинг дам олиши ва даволаниши учун кенг шароитлар яратилди. Ҳозир бу ерда 150 ўринли доимий даволаш санаторияси ҳам қурилмо

АФҒОНИСТОНДА НАВОИЙХОНЛИК

Кейинги йиллари чет элларда ўзбек адабиёти, хусусан, ўзбек классик адабиётига қизиқиш кучайиб бормоқда. Айниқса Алишер Навоий асарлари жаҳон халқларининг асосий тилларига таржима қилиниб, дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда, улуғ шоир ижодига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Шу йилнинг февралида, Алишер Навоий туғилганига 550 йил тўлган куни қўшни Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳрида ҳам ана шундай илмий анжуман иш бошлади. Икки кун давом этган бу халқаро анжуман — симпозиумда Совет Иттифоқидан адабиётшунос олимлар — қардош Тожикистондан А. Афзаҳзод билан А. Алимардонов, Ўзбекистон жумҳуриятидан эса ЎзФА Шарқшунослик институтининг директори, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев, ЎзФА Адабиёт институтининг бўлим мудири, навоийшунос олим, профессор Абдурашид Абдуғафуров қатнашдилар.

Мухбиримиз Кобулда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуман иштирокчиси профессор А. АБДУҒАФУРОВ билан учрашиб симпозиум ҳақидаги таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Симпозиум Қуръони карим оятлари қироати билан очилди, — деди А. Абдуғафуров. — Биринчи мажлисда Афғонистон жумҳурияти Фанлар академиясининг раиси, фалсафа фанлари доктори Абдулкабир Ранжбар, ундан кейин Афғонистон жумҳурияти таълим ва тарбия вазирлиги, иттилоат ва маданият вазирлиги, Кобул дорулфунуни, Афғонистон Ёзувчилар уюшмаси, Хушҳол маданий анжумани, Алишер Навоий номидаги маданий анжуман, Ҳирот Бостон маданий анжумани ва бошқа ташкилотлар вакиллари сўзладилар. Илмий анжуманда адабиётшунос, тилшунос, тарихчи олимлар, ёзувчилар, маданият ва санъат ходимлари томонидан Навоий ҳаёти ва ижодига оид йигирмага яқин маъруза ўқилди.

Афғонистонлик таниқли олимлардан Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, Муҳаммад Олим Лабиб, Ризвонқул Таманно, Муътамад Шинворий, Шафиқа Ёрқин, Абдулқодир Муштарий, Муҳаммад Обид Ҳайдарий ва Бахтоний кабилар

улуғ шоир қолдирган улкан адабий-илмий меросининг умумбашарий аҳамияти, Навоийнинг йирик давлат арбоби сифатидаги амалий фаолияти хусусида ўз тадқиқотларининг хулосаларини баён қилдилар. Афғон олимларининг мазмундор маърузаларида «Хамса»нинг ғоявий-бадиий қиммати, «Сабъайи сайёр» достонининг Низомий қаламига мансуб «Ҳафт пайкар» достони билан қиёсий таҳлили, чуқур фалсафий мазмунни бадиий воситаларда ёритувчи «Лисон ут-тайр» достони, улуғ шоирнинг шеъриятдаги юксак маҳорати мавзулари кўтарилди. Афғонистон жумҳурияти миллий архивида сақланаётган Навоий асарларининг қўлёзма нусҳалари хусусида махсус маъруза тингланди. Бир қанча маърузаларда темурийлар давридаги Хуросон ва, хусусан, Ҳирот, ундаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт, Навоийнинг мамлакат ҳаётидаги мавқеи, бунёдкорлик фаолияти, шунингдек, Навоий ва Жомийнинг ўзаро дўстлик, ижодий ҳамкорлик фаолиятлари кенг ёритилди.

Халқаро симпозиумда тожикистонлик олимлар «Навоий ва форс адабиёти» ва «Амир Алишер Навоий асарларининг Тожикистон ФА ганжинасида сақланаётган қўлёзма нусхалари» мавзуида қизиқарли маърузалар билан чиқдилар. Ўзбек олимлари эса Кобулдаги илмий йиғинга «Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Алишер Навоийга мактублари» ҳамда «Кейинги йилларда ўзбек навоийшунослиги ютуқлари» мавзуларида тайёрланган маърузалар билан бордилар.

Алишер Навоийга бағишланган халқаро симпозиум кенг афғон жамоатчилигида зўр қизиқиш уйғотди. «Ориёна» меҳмонхонасининг катта мажлислар залида ўтказилган илмий йиғинда илм ва маданият арбоблари, маҳаллий зиёлилар, олий ўқув юртларининг мударрислари, толиб ва толибалари, журналистлар фаол иштирок этдилар. Симпозиум афғон матбуотида, радио ва телевидениесида мунтазам ёритилди.

Халқаро симпозиумда ўқилган ва унга махсус тайёрланган маърузаларни нашр этишга қарор қилинди.

Навоий таваллуди тўйига Афғонистон давлат ва жамоат ташкилотлари катта эътибор билан тайёргарлик кўрган эканлар. Жумладан, Кобулда Алишер Навоий номида илмий-маданий анжуман («Фарҳанги Алишер Навоий») ташкил этилиб, унинг дастури ва кўп йиллик режалари тасдиқланган. Анжуман ўз олдига умуман барча туркий тилларда, хусусан, ўзбек ва туркман тилларида ёзилган ёзма ёдгорликларни тўплаш, тартибга солиш ва илмий ўрганиш, туркийзабон халқларнинг оғзаки ижоди намуналарини йиғиш, урф-одатларини ўрганиш, қадимий санъат ҳамда ҳунармандчилигини тиклаш ва ривожлантириш каби эзгу ишларни мақсад қилиб қўйган.

Кейинги вақтларда қардош юртда амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири алоҳида таҳсинга сазовор: Афғонистон жумҳурияти Фанлар академияси қошида таниқли олим Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний раҳбарлигида Ўзбек ва туркман тиллари ҳамда адабиётлари илмий-текшириш институти ташкил этилган. Амалий изланишларини бошлаб юборган бу илмий марказнинг энг йирик режаларидан бири Иттифоқимиздаги илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликда халқларимизнинг кўп асрлик адабий меросини ўрганиш ва тарғиб этишдан иборат.

Симпозиум ўтаётган кунларда Кобулдаги Миллий архив қадимий қўлёзмалар ва ҳужжатлар хазинасида Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари кўргазмаси ташкил қилди. У ерда улуғ адибнинг бир қанча асарларининг XVI асрдан то XX асргача ўтган даврининг ичида кўчирилган нусхалари намойиш қилинди...

«Ҳивод» газетаси саҳифаларида.

عده یی از اشتراک کننده گان سمپوزیم بین المللی امیر علی شیر نوایی.

асарларини қайд этар экан, «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Хазойин ул-маоний», «Мезон ул-авзон», «Мажолис ун-нафоис», «Тарихи мулуки ажам» ва форсий-дарий тилидаги «Девони Фоний» асарларини алоҳида кўрсатиб ўтади. Навоий ижодий фаолиятининг ўзбек ва, умуман, туркийзабон халқлар адабиёти ривожидаги улкан аҳамиятини таъкидлаган муаллиф улуғ Навоийнинг амалий-ижтимоий фаолиятига ҳам ғоят юксак баҳо беради. Ҳалим Ёрқин Навоий умумий сони 360 дан ортиқ работу мадрасалар, масжиду хонақолар, ариқлару кўприклар, шифохонаю ҳаммомлар қурганлигини завқ-шавқ билан таъкидлайди. «Шу тариқа, — деб хулоса қилади муаллиф, — Навоий фақат Ҳирот шаҳрининг ободончилиги ва фаровонлиги учунгина эмас, балки бутун қадимги Хуросон учун катта ва унутилмас хизмат қилган».

«Ҳивод»да Ғаффор Баёнийнинг Шайхзода Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан Навоийнинг 906 ҳижрий-қамарий (1500—1501 милодий) йилдан аввал чизилган машҳур сувратига бағишланган мақоласи диққатни тортади. Мақолада «нодир ал-аср устод Камолиддин Беҳзод»нинг шогирди Маҳмуд Музаҳҳиб ва унинг миниатюра санъати соҳасидаги фаолияти хусусида маълумот берилган.

Таниқли олим Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний «Жаҳон китобхоналарида Амир Алишер Навоий асарлари қўлёзма нусхаларининг ҳисоби» мақоласида кўрсатишича, 1368 ҳижрий-шамсий йилнинг 21 далв (1990 йил, 9 февраль) кунига қадар жаҳоннинг илмда қайд этилган қўлёзма хазиналарида «Ғаройиб ус-сиғар» девонининг 130, «Наводир уш-шабоб» девонининг 72, «Бадоеъ ул-васат» девонининг 75 ва «Фавойид ул-кибар»нинг 69 қўлёзма нусхалари сақланган. «Хамса» достонларидан «Ҳайрат ул-аброр» 183, «Фарҳод ва Ширин» 170, «Лайли ва Мажнун» 168, «Сабъаи сайёр» 172 ва «Садди Искандарий» 158 қўлёзма нусхаларда мавжуд. Мақола давомида улуғ шоир яратган бошқа асарларнинг ҳам қўлёзма нусхаларининг тарқалишига оид маълумотлар баён қилинганки, булар, айниқса, навоийшунослик учун ниҳоятда муҳимдир. Газетанинг худди шу саҳифасида биз таклиф этилган халқаро илмий симпозиумнинг очилишига оид хабар ҳам ўрин олган. Унда улуғ шоир ва мутафаккир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Афғонистон Жумҳурияти Фанлар академиясининг ташаббусида мамлакат ва хорижий давлатлар олимлари, адиблари, маданият ва санъат ходимлари қатнашадиган халқаро илмий симпозиум «Ориёна» меҳмонхонасининг мажлислар залида ўз ишини бошлаши маълум қилинган. Худди шу хабарда Навоий таваллуди тантаналарига бағишлаб нашрдан чиққан китоблар рўйхати ҳам илова этилган. Рўйхатдан, жумладан Ғ. Баёний ташаббус-ғайрати билан Афғонистон Фанлар академияси нашриётида «Хамса»нинг нашр қилинганлиги, «Фарҳанги Амир Алишер Навоий» жамияти томонидан эса Ҳалим Ёрқин ва Шафиқа Ёрқиннинг «Сиймои Алишер Навоий» китоби босилгани маълум бўлади.

ШУНИСИ МАҚТОВГА САЗОВОРКИ, дарий тилидаги «Ҳивод» ўзбек шоирига бағишланган саҳифада Навоий тилида ёзилган бир неча шеърларга ҳам ўрин ажратган. «Мурғи хушхонимға айт» деб номланган етти байтли ғазал Шоҳ Ғулом Аҳмад Ғуломий қаламига мансуб бўлиб, Навоийнинг машҳур ғазалига назира тарзида ёзилган. Қуйидаги байтлар муаллифнинг навоиёна мисралар битишга астойдил уринганига далилдир:

Қосидо! Арзим бориб ул моҳтобонимға айт,
Сўзлари шаҳду шакар, лаъли дурафшонимға айт.

Соғиниб ҳижронларида кўзларим гирёнлиғин,
Ашку оҳимни бориб ул ахди ёлғонимға айт.

Хуш навосин ҳасратида зору муштоқ ўлғонин,
Гулшан ичра нағмахонин мурғи хушхонимға айт.

...Бу Ғуломинг арзи ҳолин сен бориб, эй қасидо,
Балдан Ҳиротида шоҳи сухандонимға айт.

Газета ўзбек тилида битилган «Амир Алишер Навоийнинг 550 йиллигига» рукни остида қирқ олти байтдан иборат «Соқийнома»ни ўқувчиларига тақдим этган. Улуғ ўзбек шоири шаънига самимий мадҳия тарзида битилган бу асар жуда равон ва таъсирчан мисралардан иборат. «Соқийнома» юқорида зикр этилган Навоий ҳақидаги икки илмий мақола муаллифи — Абдулҳаким Шаръий Жузжоний қаламига мансуб. Унда Навоий «Соқийнома»си ва «Садди Искандарий» достони боблари якунида лирик чекинишлар ўрнида келувчи соқий, муғанний, аёқчиларга мурожаатларни эслатувчи парчалар анча. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун «Садди Искандарий» достонидаги:

Аёқчи, тўла айла чиний аёқ,
Эрур бизга сўзнинг чини иштиёқ.

Лаболаб тут оники, мен сипқорай,
Доғи лаҳза-лаҳза ўзумдин борай.

Муғанний келу черт туркона соз,
Мақомн «Наво», йўқса «Турки Ҳижоз».

Навоийнинг ашъоридин неча байт,
Менинг хасби ҳолим топиб турки айт!—

байтларини Жузжоний қаламига мансуб қуйидаги байтлар билан қиёслаш кифоя:

Аёқчи, тут ул майки — ёқут эрур,
Кўнгулга анинг роҳидин қут эрур.

Кетур майки, қайғу ҳужум айлади,
Эсар елни менга самум айлади.

...Муғанний навое тараб соз этиб,
«Баёт» айла туркона «Шаҳноз» этиб,

Кўнгулларни шод айла «Гулёр»дин,
Ўқуб «Ёр-ёр», ун чиқар тордин!

«Соқийнома» муаллифи Навоий достонларидан бутун-бутун байт-мисраларни тазмин санъати билан ўз асари жисмига жойлаб юборади ҳамда уларнинг аслида Навоий қаламига мансуб эканлигини махсус ишораларда қайд этади.

Масалан:

«Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг».

Мақоми «Наво»ю «Ироқ» ичра айт
«Навоийнинг ашъоридин неча байт».

«Муғанний, келу черт туркона соз».
Бор эрмиш бу соз ичра бир турфа роз.

Навоий шеъриятидан бундай ўринли кўчирмалар «Соқийнома» муаллифининг шоир ижодий мероси билан жуда пухта таниш эканлигидан дарак беради.

«Соқийнома» моҳиятан Навоий шахсияти ва шоирлик фаолияти, юксак иқтидори шаънига кўтаринки руҳда ўқилган мадҳия ҳамдир. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний Навоийни таърифлар экан, унинг фахрия услубида ўз бадиий асарлари воситасида неча-неча элу юртларни «забт» эта олгани ҳақидаги айтмишларига ҳам ишора этади, чиндан ҳам кўплаб халқларни ғўзал ва чин халқчил асарлари билан мафтун қила олганини мамнуният билан таъкидлайди:

Нечунким, адаб ўлкасин шоҳи ул!
Ғазал юртининг шавкату жоҳи ул!

Маонийда тўлқунли денгиз каби,
Бакоратда мазмунлари қиз каби!

Хито ўлкасидин Хуросонғача,
Тутуб Ганжадин Руму Эронғача,

Черик чекмайин кирди фармонига
Буюн сунди эл ҳукму девонига!

Бу парчадаги кейинги икки мисраъ Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги:

Олибмен тахти фармонимға осон
Черик чекмай Хитодин то Хуросон —

байти асосида ёзилганлигини «Соқийнома» муаллифининг ўзи махсус шарҳлаб ўтади. «Соқийнома»нинг баъзи бандлари одатдагидек — аёқчи, соқий ёки муғаннийларга эмас, балки бевосита Навоийнинг ўзига хитоб тарзида ёзилган. Муаллиф улуғ ўзбек шоири ва мутафаккирини «Уйғониш даврининг машъали бўлдунг», «сиёсат жаҳонида Таҳамтан — Рустам каби шужоъ кўрсатдинг», «бутун Хуросон халқи сен билан фахр этади», дея улуғлайди ҳамда «Хамса» ва «Хазойин ул-маоний» каби асарларинг билан «номинг дунёда абадийдир», деб таъкидлайди. Муаллиф ҳар бир мисраъга чуқур меҳру муҳаббат ва иззат-икром туйғуларини жойлайди:

Сен эй, илм буржида порлоқ қуёш,
Бутун сўзнинг асрори оллингда фош.

Севуб турк улусини ҳаддин нари,
Кўтардинг бу элнинг тилин кўк сари.

Шу тариқа, «Ҳивод» газетаси Алишер Навоий таваллуди муносабати билан кўпгина мақолалар, шеърий асарлар нашр қилиб улуғ ўзбек шоирига бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромини намойиш этган.

АЙТИШ ЛОЗИМКИ, АСЛИДА АФҒОН газеталарининг ҳар бирида бу қутлуғ санага атаб шоир сиймоси билан безатилган махсус саҳифалар уюштирилган. «Паём», «Анис» каби газеталар эса Афғонистон жумҳуриятининг президенти Нажибулланинг, шунингдек, жумҳурият садр-аъзоси Фазлуллоҳ Холиқёрнинг Навоий таваллудининг 550 йиллигини нишонлаб жумҳурият Фанлар академияси ташкил этган халқаро илмий симпозиумга йўллаган пайғомларини тўла босиб чиқарганлар. Жумҳурият раҳбарлари табрикномаларида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккирининг афғон туфроғидаги ижоди ва амалий-ижтимоий фаолиятига юксак баҳо берилади, Навоий меросининг туркий ва форсий адабиётлар равнақига баракали таъсири таъкидланади.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ

ФАРЗОНА СУХАНВАР

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИ Афғонистон жумҳуриятида кенг нишонланмоқда. Турли тиллардаги афғон матбуоти саҳифаларида шоир ҳаёти ва ижодига, амалий-ижтимоий фаолиятига бағишланган мақолалар босилмоқда, радио ва телевидение орқали кўрсатув ва эшиттирувлар уюштирилмоқда. Бундай мақолалар ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» газетаси саҳифаларидагина эмас, Кобулда дарий ва пушту тилларида тарқалувчи бошқа газета-журналларда ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда.

Биз қуйида «Ҳивод» («Ватан») газетасида 1991 йилнинг дастлабки ойлари давомида босилган мақола ва бағишловлар ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз. Газета 1991 йил 17 январь (1369 ҳижрий-шамсий, 27 жадий) куни «Амир Низомиддин Алишер Навоий таваллудининг беш юз эллик йиллигини иззатлаш» рукни остида йирик афғон тадқиқотчиси Абдулҳаким Шаръий Жузжонийнинг «Алишер Навоий — янги адабий мактабнинг асосчиси» мақоласининг биринчи қисмини эълон қилди.

Шаръий Жузжоний билимдон олим, иқтидорли шоир, моҳир таржимон ҳамда таниқли жамоат арбобидир. У бир неча илмий тадқиқот, шеърий тўпламлар муаллифи, Афғонистон Ёзувчилари анжумани таъсис этган Навоий жойзаси (мукофоти)нинг соҳиби, Ойбек «Навоий» романининг дарий тилига таржимони сифатида шуҳрат қозонган. Зикр қилинган мақолада муаллиф Алишер Навоий «фақат янги ўзбек адабиётининг асосчиси ва ўзбек тилининг буюк ҳомийсигина эмас»лигини, балки, айни замонда, «бутун Шарқ, хусусан, қадимги Хуросон илму маданияти тарихида мумтоз ва бебадал мавқеъ эгаллаган»лигини кўрсатиш мақсадини қўяди. Улуғ ўзбек шоири адабиётшунос ва тилшунос олим, йирик давлат арбоби сифатида таърифланади, ижодий фаолияти ва меросининг аҳамияти Фирдавсий, Данте меросларининг аҳамияти билан тенглаштирилади. Навоий, таъкидлайди муаллиф, ўзбек адабиётини «жаҳон адабиёти сатҳига» олиб чиқди. Мақолада «Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний»дан парчалар таҳлил этиб, Навоийнинг юксак шоирлик маҳорати, асарларининг ғоявий-бадиий етуклиги кўрсатилади.

Абдулҳаким Жузжоний «Хамса» достонлари ҳақида ҳам билимдонлик билан баҳс юритади. Айниқса, инсоннинг руҳий ҳолати, ҳис-ҳаяжонини Навоий усталик билан ифодалаганини, табиат манзараларини чизишда катта маҳорат кўрсатганлигини «Лайли ва Мажнун» достонидан олинган парчаларнинг нозик таҳлили воситасида намойиш этади.

Мақоланинг иккинчи қисми «Ҳивод»нинг 19 январь, шанба сонида босилган. Бунда Жузжоний Навоийнинг форсий тилдаги ижодий меросига диққат-эътиборни қаратади. Муаллиф улуғ ўзбек шоирининг «Фоний» тахаллуси билан форсий тилда ҳам баракали қалам тебратганлигини, етук асарлари билан дарий адабиёти тарихида катта ўрин эгаллашини сўзлайди.

Жузжоний «Девони Фоний»га киритилган бир қанча асарларни, жумладан, Амир Хусрав Деҳлавийга татаббуъ тарзида битилган ғазал ҳамда бир қитъани ўқувчиларга тақдим этади; Алишер Навоийнинг ижтимоий фаолияти, хусусан, илм, маданият, санъат ва ҳунар аҳлига кўрсатган беғараз ҳомийлиги, Ҳирот адабий ҳаётидаги етакчилик ўрнини таъкидлайди. Шаръий Жузжоний фикрларини худди Фирдавсий, Саъдий, Носир Хусрав, Ҳофиз, Мавлавий Румий ва Жомийнинг буюк хизматларини инкор этиб бўлмаганидек, Алишер Навоийнинг ҳам улкан аҳамиятини унутиб бўлмайди, деб якунлайди.

ЎРНИ КЕЛГАНДА АЙТИБ ЎТАЙЛИККИ, Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Кобулда шу йил 9—10 февраль кунлари ўтказилган ва биз қатнашиш шарафига муяссар бўлган халқаро илмий симпозиумда ҳам бу билимдон олим «Хамса» юзасидан жуда қизиқарли маъруза билан чиқди.

«Ҳивод» газетасининг 9 февраль (1369 ҳижрий-шамсий, 21 далв) сонини Алишер Навоий сони десак хато бўлмайди. Улуғ Навоийнинг нуроний сиймоси биринчи саҳифада ҳам, бутунисича шоир хотирасини иззатлаш, унинг ижтимоий-амалий ва ижодий фаолиятини шарафлашга бағишланган тўртинчи саҳифада ҳам ўқувчилар кўзи олдида гавдаланади.

Биринчи саҳифадаги суврат устига терилган «Навоий — фарзона суханвар ва инсондўсти бузург» («Навоий донишманд шоир ва улуғ инсондўст») сўзлари тўртинчи саҳифадаги катта мақоланинг ҳам номи бўлиб такрорланади. Кобуллик иқтидорли тадқиқотчи Ҳалим Ёрқин қаламига мансуб бўлган бу мақола ўртасига Навоийнинг машҳур:

Одамий эрсанг демагил одами
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами —

байти аслича ва пушту тилига таржимада қўлёзма шаклида ҳусни хат билан битилган. Мақола газета муштарийларига Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий ва ижодий фаолияти ҳақида ихчам шаклда маълумот беради. Муаллиф Навоийнинг барча муҳим

АРМОННИНГ ДАВОМИ

ЕШ ЁЗУВЧИ ШОИМ БЎТАЕВНИНГ ҲИКОЯЛАРИ турли матбуот нашрларида, шунингдек, «Дунёнинг сарҳисоби бор» («Ёш гвардия, 1988) ва «Энди бари бошқача» («Чўлпон», 1990) тўпламларида эълон қилинган бўлса-да, улар бир бутун суратнинг парчаларидек, бўлакларидек туюлади. Улар орасидаги «Тандирчининг армони» ҳикояси мазмун ва шакл жиҳатидан ушбу турли-туман ҳикояларни бирлаштириб турувчи ўқтомирга монанд. Султон тандирчи ўз касбига фидойи одам. Ҳатто ҳунарига эҳтиёж йўқолганида ҳам у ўз машғулотидан воз кечолмайди. «Икки қўлини белининг устига қўйганича, энкайиб, пишиллаб озгина лойни кун бўйи тепади...» Тандирчи қишлоқда нон дўконлари пайдо бўлгач, «ҳеч кимга айтмаса-да, ўзича» тўнғиллаб ҳам қўяди: «Темирда пишган нонда маза-матра бўладими?! Тандир бошқа!»

Масаланинг моҳияти нонни қандай пишириб ейишда эмас. Бу — ҳақиқат. Армон эса бундай ҳақиқат билан чиқишолмайди. Армон кўнгилники. Ҳақиқат эса ҳамма учун бирдай. Армонда бу хил имконият йўқ.

«— Ҳуштакчи бобо! — Бор овоз билан чинқирди у.

— Мен Шапкатман. Кеча ҳуштак яшаб бераман деганшиш...»

Ҳувиллаган ҳовлида бола юрагига ваҳима тушдими, инқиллаб йиғлаб юборди-ю, бурнининг икки четидан оқиб тушаётган кўз ёшларига парво қилмай, ўзи эшикни итарди...

Булутлар қаватини илкис ёриб чиққан қуёш нурлари болакайнинг устидан, ён-атрофдан қиялаб кириб келди-да, кўрпа устида чўзилиб ётган чолнинг гавдасини ёритди».

Ҳикоядаги ушбу кўчирмадан аён бўладики, ўз эгаси билан йўқликка юз тутаётган армон беш-олти ёшлардаги Шавкат томонидан асраб қолинган. Тандирчининг армони энди ҳуштак ясата олмаган бола армонига айланади. Бу армон келгусида янги ҳикояга хамиртуруш бўлади — ҳуштак ясата олмаган бола улғаяди ва ушбу армонни қоғозга тўкиб остига имзосини қўяди — Шойим Бўтаев.

Шойимнинг ҳикояларини синчиклаб ўқиш керак. Шундагина кўплаб бир хил иборалар орасида жозиб жумлалар кўзга ташланади: «Ярим пушта чопилган ер оқ кўйлакка қора ямоқ солингандек кўзга яққол ташланиб турарди..» («Карим ота»), «—Ҳе, қўяманми! Тутган еримдан узаман, — ҳалиги киши бир нимани юлиб олмоқчи бўлгандек панжаларини олдинга чўзди, сўнгра қишлоқ советидан олиб келган қоғозини белбоғининг қатидан чиқариб ўғлига тутқазди...», «Йигит нималардир деб пўнғиллади. Ўн сўм қўшилди...» («Кенг дунё»). Шу билан бирга Шойимнинг ҳикояларида қолип жумлалардан қайта-қайта фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб туради: «Нимаики бўлса, Абдуваққос билан ўша охирги ўтиришимиз, ўша тун бир умр ёдимизда қолди...» («Ялангтепа осмони»), «Лекин ўша кун — Ўроз, Бўйноқ, Назар чўпон хотирамда умр бўйи муҳрланди...» («Шаҳарлик амакимнинг ҳикояси»). Биринчи мисолда асли «ёдимга қолди» дейилганида тўғрироқ бўларди, зеро ёд, хотира ҳақида гап кетганда кўпчилик номидан гапириш ўринсиз. Баъзи ҳикояларда («Адоқсиз йўллар», «Сен айтган одам») туш кўриш лавҳалари ҳам такрорланади.

Умуман олганда, Ш. Бўтаевнинг ҳикоя ва қиссаларидаги асосий қаҳрамонлар қишлоқ кишилари. Қардош адабиётлар, хусусан, рус адабиётида кейинги ярим аср мобайнида «деревенская проза» деб таснифланган алоҳида «адабий қўриқхона» ва унинг заҳматкаш ҳамда ўртамиёна адиблари пайдо бўлди. «Ўлиб бораётган рус қишлоқлари» манзарасида бундай алоҳидаликнинг пайдо бўлиши сабабларини изоҳлаш мумкин. Аҳолисининг етмиш фоизидан ортиғини қишлоқ аҳли ташкил этадиган бизнинг ҳудудларда «қишлоқ прозаси» бундай алоҳидаликка эҳтиёж сезмайди. Зеро, Усмон Азимов айтганидек, бизда етти пуштигача шаҳарда яшаб ўтган қаламкаш ҳам қишлоқни соғиниб қоғоз қоралайди. Ёш ҳикоянависларимиз ҳам аввало қишлоқ ҳаёти мавзуида қаламларини чархлашади, ўз олдиларига қишлоқ кишиларининг софдиллигини исботлаш мақсадини қўядилар. Бу ёш қаламкашлар (баъзилари умр бўйи мана шу вазифани бажариб ўтишади) тезда ўзларининг «ёғоч велосипед» ихтиро қилганларини англаб қоладилар. Шу туфайли бир-бирини такрорлаган сюжет линиялари, бир хил қаҳрамонлар гуруҳи пайдо бўлади. Йигирма миллионли улкан бир қишлоқда беш-олтита «ҳикоя қаҳрамонлари» яшайди гўё.

ШОЙИМ БЎТАЕВНИНГ ЖИЛК ҲИКОЯЛАРИ, айниқса, «Умидли дунё» (ЎзАС, 1985 йил, 27-сон) ҳикояси мана шундай таассурот уйғотиши шубҳасиз. Худди шу ҳафталик саҳифасида орадан икки йил ўтиб (1987 йил, 9-сон) эълон қилинган «Баҳор шамоли» ҳикоясида муаллиф «оқловчи» сифатида эмас, кўпроқ шубҳага мойил, ҳатто «айбловчи» сифатида қўлига қалам олади. Ҳикоя қаҳрамони Зулуннинг хамиртуришига бир чимдим исён руҳи қўшиб юборилган. Мана шу исёнкорлик руҳи (ижодкорлик деса ҳам бўлади, зеро, ижодкорлик моҳиятида исён ётади) Зулуннинг ёши қирқ-қирқ бешларни қоралаб қолганида ўзидан дарак беради. «Ёрилмаган ярадай» кечикиб ўзлигини намоён этган исён забтида Зулуннинг онгида қийноқли саволлар чарх ура бошлайди: «Зулунбой, шу ҳаётми?!»

Ҳа, бу ўша, Зулунгача давом этиб келган ва бундан кейин ҳам давом этадиган, чидаганга чиқарган ҳаёт. Йўқ, Зулуннинг турмушдан нолийдиган жойи йўқ. Қулинг ўргилсин ҳунари бор — қишлоқ тўйларидаги савоболи иш — ошпазлик унга тан. Қисқа қилиб айтганда, ёғли касб. Бироқ унинг ўзи — ёғ ичида яйрамаган буйрак. Ҳамқишлоқларининг ҳаёт ҳақидаги бирёқлама, тор тушунчалари орасида қолиб қийналган бу исёнкор қалб эгасининг «кетворгиси келади қайларгадир...» Мана шу тоифадаги одамларнинг тунларда юлдузли осмонга узоқ-узоқ қараб ётишига шубҳа қилмайсиз. «Шабадалар Зулунни қайларгадир етаклаб кетмоқдайди. У чек-чегарасиз ўй-хаёллар оғушига ғарқ бўлганча кўзларини юлдузли осмондан узмай ётарди...»

Кўзи ва хаёли юлдузларга банд онанинг қўлидаги нонини ит илиб кетса не ажаб?! Зулуннинг сувини ўз томорқасига буриб кетиб, тонггача ерини суғорган Ғупрон ўзича мағрур. Шерикчиликка сабзи экканГайбининг дили хуфтон: «— Ўликми бу? Тонг отди-я! Ғупрон сувни туни билан паққос ўзига ўнгариб олибди...

— Олса олар! — ўзига келган Зулун минғирлади, шу заҳотиёқ хаёлидан: «Ҳамманг бир гўр! Сен ҳам, Ғупрон ҳам — ҳамманг, ҳамманг!... деган фикр кечиб, миясига қон тепди...»

Ҳикоя шу ерда тугайди. Шу нуқтагача кўз ўнгимизда турган, яшаган, қийналган қаҳрамон яна ҳамқишлоқлари орасига, яшагани ва қийналгани ўша абадий ҳаёт қўйнига қўшилиб кетади. Шундай кишиларни асл ҳаётда таниб, топиб ола билсайдик. Мана шундай руҳан ёлғиз кишиларга мадад бўла олсайдик...

Шойимнинг шу тоифадаги руҳан ёлғиз одамлар характерларини тасвирлашга уринаётганлигини қутлаш керак. Хусусан, унинг «Ёлғиз бош» ҳикояси («Мулоқот» журнали, 2-сон) бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ҳикояда инсон тақдири, «йиллар армони» жуда қуюқ бўёқларда тасвирланади. Бир умр ўзини коммунистик ғоя хизматига камарбаста қилган Жўра Мэлсов (ҳикоя қаҳрамони) истеъфога чиқиб, бир пайтлар ташлаб кетган она қишлоғига қайтишга, тинчгина умргузаронлик қилишга аҳд қилади. У марказқўмдаги ҳаётини кексалик таъсирида қишлоқ, туғилган гўшаси билан алмаштиришга мажбур бўлади. Бу мажбурийликни у ўзича олий бир мақсад билан боғлайди, яъни «жаҳолат ботқоғига ботган ҳамқишлоқларига қайтадан зиё олиб» боришга чоғланади. Шу мақсадда у ўзи билан Ленининг ўнлаб китоблари тўла жомадонини олиб кетади, холос. У ҳамқишлоқларининг ғариб дастурхони билан марказқўм дўконидаги пештахталар орасида ер билан осмонча фарқ борлигини очиқ-ойдин кўради.

Агар, Жўра Мэлсов сингари кимсаларнинг «қишлоққа юриши» бир-икки оғиз сўзда ифодаланганида у шунчаки бир латифага айланарди. Ёзувчи эса ўзининг вазмин ровийларига хос ҳикоя қилиш услуби билан бундай тақдир ҳикоясини латифанамоликдан асраб қолади. Ҳикояда Жўра Мэлсов шунчаки бир киноядга лойиқ фирқа хурофотчисигина эмас, аввало, ўзи юкинган ғоянинг жабрдийдаси ҳам эканлиги очиб берилади. Ҳикояни ўқиш давомида Жўра Мэлсовга бўлган нафратимиз ачиниш туйғусига айлана боради. Ҳамқишлоқлари ўзларига бегона бўлиб қолган бу кимсани бора-бора киноялар, қочириқларга рўпара қила бошлашади. Шу боисдан биз Жўра Мэлсовни мулла Сувонқул бобо ўз ёнига ўтириш учун таклиф қилганида бироз енгил тортамиз: «Мулла Сувонқул бобо атрофида гирдикапалак бўла бошлаган одамларни ўзидан нари ҳайдади:

— Боринглар, иниларим... Жўравойнинг дийдорини соғинганман, тўйиб олай...»

Албатта, Мэлсов образи адабиётимиздаги камёб образлардан. Бундай кишиларни, эҳтимол, ҳаётда ҳар куни кўргандирмиз. Кўрган бўлсак ҳам, уларни бахтиёр зотлар қатори санаганмиз, яшириб ҳам нима қилдик, уларга пинҳон ҳавас ҳам қилганмиз. Аммо мулло Сувонқул бобо каби уларни ёнимизга чақириб, дийдорига тўйиб олиш хаёлимизга ҳам келмаган.

Ҳамқишлоқлари томонидан рад этилган Мэлсовга ўз ёнидан жой кўрсатган мулло Сувонқул бобо дунёнинг тагига етган киши. Инсон боласига дунё икки маротаба беҳад кенг туюлади. Илк бор болаликда кўзга кенг кўринган олам умр ўтган сари тор туюла бошлайди. Кишилар учун наинки бир ишхонадаги ҳамкасби ёки маҳалладош қўшниси, ҳатто ўз уйидаги умр йўлдоши, бола-чақаси билан ҳам чиқишолмайдиган даражада тор бўлиб қолади бу дунё. Дунё инсон учун ўзининг асл кенглигига у қариб-қартайганда, бу дунёни тарк этар онида қайтади. Унда мэлсовлар яшайдими, бундайларни ўз қочириқларига рўпара қиладиган соддадил, тўпори қишлоқ кишилари яшайдими, энди Сувонқул бобога барибир. Энг муҳими, кўнглидаги меҳр булоғини меҳрга ташна қалбларга улашишга улгурса бўлгани.

Ҳа, қанийди руҳан ёлғиз одамларни илғай ола билсайдик, уларга ҳамдард бўлолсайдик. Шоир Йўлдош Эшбекнинг мўъжаз бир шеъри бор:

Агар менинг қўлимдан
келса,
Ҳимоя қилардим ёлғиз
одамни,
**Ҳар қандай ёмонликд

Юсуф ЖУМАЕВ

БОШИНГГА ҚОР ТУШСА БИЛАСАН

Армон нима, нимадир кулфат,
Дилдан умид ўчса биласан.
Дунё недир, дўст, буни фақат
Бошингга қор тушса биласан.

Ер яширди шўрлик отамни,
Менга мушфиқ танҳо одамни,
Қалбимдаги бут бўлмас камни
Бошингга қор тушса биласан.

Кўз ёш тўксам куладиган кўп,
Ғайрларим тўдадир, тўп-тўп,
Ҳаёт асли бир гулга минг чўп,
Бошингга қор тушса биласан.

Ёвдан қочиб йўлиққаним ёв,
Ўтдан қочсам қаршимда олов,
Ҳолинг қандоқ демайди биров,
Бошингга қор тушса биласан.

Ёв осмоқчи, дўст тиклайди дор,
Менинг эса битта жоним бор.
Нечун Юсуф боши қалин қор,
Бошингга қор тушса биласан.

●

Бугунги Бухоро, Бухоро эмас,
Қадим Бухоронинг мозори эрур.
Бугунги Самарқанд, байтулмуқаддас —
Қадим Самарқандннинг мозори, Темур.

Хеванинг мозори — бугунги Хева,
Амурнинг мозори — бугунги Аму.
Бизлар — жасоратдан қолган бир бева,
Бизлар — шамоллардан соврилган қум-ку.

Боболар, сиз билан кетибди зиё,
Кетибди эътиқод — юрт пойдевори,
Бугунги топталган Урта Осиё —
Қадим Туркистоннинг йиқиқ мозори!

●

Бир пайт дийдорингга эдим муяссар,
Бир пайт йўлларингда бўлардим йўлдош.
У замон мен учун балқирди қамар,
У замон мен учун чиқарди қуёш.

Бари ўтиб кетди, ўтмас дегандим,
Менман баҳоридан айрилган япроқ.
Менга бўлган меҳринг битмас дегандим,
Бугун у ҳам мисли қуриган япроқ.

Дийдоринг ўрнини олди ҳижронинг,
Афсус, йўлларингга йўлатмассан ҳеч.
Умидим ўрнини олди армонинг,
Айт, қандоқ яшайман энди беилинж.

Беқамар қолганман, моҳрўйим, юз вой,
Беқуёш қолганман, шамсим, дил хароб.
Оҳ, бу кун кимни деб балқияпти ой,
Оҳ, бу кун кимни деб чиқмоқда офтоб?!

●

Якка-якка ётганмиз, якка-якка ётармиз.
Якка-якка келганмиз, якка якка ўтармиз.

Туғилганлар ҳам ҳатто танҳо эмас — эгизак,
Асли якка бўлганлар, яна якка бўлажак.

Ёлғизлик деганига исён эди бу дунё,
Одамзоднинг жонига омон эди бу дунё.

Бу кун у ҳам водариғ, яккаликка гирифтор:
Мен яккаман, сен якка, айт-чи, унинг кими бор.

Очунда бўлган эмас бундайин бир замона:
Сен онангга бегона, онанг сенга бегона.

Меҳр қолмади, эвоҳ, меҳрсизлик, ёлғизлик,
Даҳрда катта гуноҳ — меҳрсизлик, ёлғизлик.

Умрим бўйи дилда ғам, кўзларимда мунг бўлди.
Нетайин, бу дунё ҳам у дунёга тенг бўлди.

Якка-якка ётганмиз, якка-якка ётармиз.
Якка-якка ўтамиз, якка-якка ўтяпмиз...

●

Висолинг дунёда ягона лаззат,
Бошқа лаззатларни лаззат деб бўлмас.

Ҳижронинг дунёда ягона кулфат,
Бошқа кулфатларни кулфат деб бўлмас.

Чирой оламида чиройингдир туғ,
Қоматингга монанд осмонда ҳам йўқ,

Эй ёр, сен дунёда ягона хилқат,
Бошқа хилқатларни хилқат деб бўлмас.

Сени севишимга келтирсанг гумон,
Зулфи сийнасига бўлган соябон,

Гумонинг дунёда ягона туҳмат,
Бошқа туҳматларни туҳмат деб бўлмас.

Ҳимматлар ҳиммати — вафо қилганинг,
Иззатлар иззати — вафо қилганинг,

Юсуф, шу иззатдан қисмасин қисмат,
Бошқа иззатларни иззат деб бўлмас!

●

Ҳеч нарса кўнглингни шод эта олмас.
Уйингда вафоли ёринг бўлмаса.

Ҳеч қачон ғанимлар мот эта олмас,
Юсуфдек ҳижрондан зоринг бўлмаса.

Висолидан бўлак камим йўқ менинг,
Ғам чекмакдан ўзга ғамим йўқ менинг,

Дўст пайдан чалмаган дамим йўқ менинг,
Юсуфдек бағрингда моринг бўлмаса.

Номус деганлари бор нарсамикан,
Инсон боласига ёр нарсамикан.

Мен каби беқадр, хор нарсамикан,
Юсуфдек бўлмассан оринг бўлмаса.

Неники истадим ўша топилмас,
Яшашга покиза гўша топилмас,

Дилимчалик синган шиша топилмас,
Юсуфдек бўлмассан саринг бўлмаса.

Ғаним, зулматпеша, нур урсин сени,
Ерни булғаётган ер урсин сени,

Шеърни тушунмайсан, шеър урсин сени,
Юсуфдек бошингда коринг бўлмаса:

Авлиёхон ШУКРУЛЛАЕВ

ОЙНИНГ ОҚ ИПИГА БОҒЛАНГАН ОҚҚУШ

Ўт пуркаб юборди осмонга қудуқ.
Балиқ ҳамёнини қўйди йўқотиб.
Кўзи кўр қамишдан камон ясаган,
Қурбақа суюнар юлдузни отиб.

Осмон тошларидан туғилган чақмоқ,
Ёндирар булутнинг этакларини.
Боғни пайҳон қилган ёлғиз чумоли,
Судраб ўтар оғир этикларини.

Дарахт ўз илдизин ташлар суғуриб,
Қушлар ўлгунича излар қўнимгоҳ.
Савдогар ўлтирар сепини ёйиб,
Энг арзон баҳода сотилар гуноҳ.

...Оёғим темирга айланиб қолар,
Оловдан қочаман — қўлларим ўтин.
Танҳо сен эврилмай, қоласан, юрак,
Ёниб улгурмаган кўзларинг бутун!

Ҳеч нарса ўзгарта олмагай сени,
Хато кета берар отилган ўқлар.
Ортимдан масхара қилиб кулишар,
Яланғоч кўксида юраги йўқлар.

Алдоқчи сўзларга учмагин, жоним,
Кимдир ҳузурингда турса эланиб.
Сен асраб турибсан дунёни, йўқса,
Осмон тупроқларга кетар беланиб...

●

Бу юртда қўшиқлар қўналға излаб,
Гирдибод бўғзига тиқилар тошдай.
Қўнгил саҳросида фалакни кўзлаб,
Сўнгра тупроқ қучган яланғоч лошдай.

Исёнкор руҳларни сандиққа қамаб,
Устида издиҳом ухлаб ётар жим.
Ситилган иймонни қайтадан ямаб,
Устига киймоқни истамас ҳеч ким.

Аллаким тилини санжоққа тиқиб,
Бошига соябон қилиб ўлтирар.
Бу юртда паҳлавон отасин йиқиб,
Ҳангома соғинган элни кулдирар.

Тунлар ила совуқ кундуз айқашиб,
Заъфар чеҳраларни секин кечишар.

Ҳаромни ҳаромда қайта чайқашиб,
Юз йиллик шаробдай ҳар кун ичишар.

Бу юртда садоқат дийдаларига
Субҳи содиқ пайти тортилади мил.
Оломон энг азиз ийдларига,
Кўтариб келишар севимсиз кўнгил.

Юлдузлар қулаган кечаларида,
Қуёш нури ҳақда бўлмас гапириб.
Бу юртда юракнинг кўчаларидан,
Кимдир бахтнинг изин кетган супуриб.

●

Кўксимга сездирмай кирган оққушлар,
Кўзлар косасида элтадилар сув.
Оппоқ булутларни кийган юрагим,
Соғинч дарёсида юзларингни юв,
— Муҳаббат келмоқда,
муҳаббат — сулув!

Шафақранг қадаҳга чўмилган булбул,
Оқшомгул баргидан ёзар дастурхон.
Шамоллар силкитган кўк дарахтининг
Тилло сандиғидан тўкилади дон,
— Муҳаббат келмоқда,
муҳаббат — дармон!

Суви қочиб кетган қудуқлар ичра,
Эрийди гуркираб ўсаётган тош.
Туннинг шоҳларига ўзини осар,
Чиллашир армонлар — кўзларида ёш,
— Муҳаббат келмоқда,
муҳаббат — бардош

Қизғанчиқ парилар тегрангда учар,
Воз кечиб самовий сурмаранг тахтдан.
Кўзимда чақинлар юклаган кема,
Умид соҳилида кўтарар елкан,
— Муҳаббат келмоқда,
муҳаббат — Ватан!

●

Очун қулоғининг дарвозаси берк.
(Навкарлар қиличин қайрайди)
Қўллари боғланган етим бола—Эрк
Туйнукка умидвор қарайди.

Тилло дарвозанинг туйнуги маҳкам.
(Навкарлар болани қувлайди)
Етимнинг кўксида милтираган шам,
Қоронғи юракка қулайди.

Очуннинг нариги қулоғи ҳам берк.
(Навкарлар ўлтирар ёйилиб)
Ўртада Оғиз бор — довдираган Эрк —
Бўшлиққа кетади тойилиб.

Бахтиёр ХУШВАҚТОВ

ҲОЛАТ

Қоялар гунг тошларин,
Қиз сочидек силадим.
Юрагимни минг хил
ранг
Тасвирларга беладим.
Яна ойдан каттароқ
Тилакларни тиладим —
Ушалса гар қанийди?!
Ойхумор қулоғига,
Ой бўлди — Тилла
балдоқ,
Ҳайқириб шеър
айтмоққа
Тор кеб қолди
ҳиқилдоқ,
Менинг учун ҳам
энди
Улан айтсин чирилдоқ.
Ҳисларим бир нафасга
Бўшанса гар қанийди?!
Чақмоқ қаҳқаҳасидан
Сув сепилди йўлимга.
Лолалар сармаст бўлиб,
Шеър тутказди
қўлимга,
Қалдирғочлар
чуғурлаб,
Уя қурмиш тилимга,
Энди мендек шоирни,
Чумолилар танийди.

ИШОН...

Ишон...
Томиримдан гуллар
Сув ичгай.
Кўзим косасидан
қадаҳ ясалгай.
Шу пайт шеър ўқиса,
Бир зот пайдар-пай
У ҳам ҳеч шубҳасиз
Сенга аталгай!
Ишон...
Кўз ёшларим оқ ёмғир
бўлгай,
Инжу киприкларинг
унда чўмилгай,
Хазонлар остига
дардим кўмилгай,
У ҳам ҳеч шубҳасиз
Сенга аталгай.
Ишон...

ТУТ ТАГИДАГИ ЛЁЛ

ҲИКОЯ

Оқилжон ҲУСАН

БИЗ ОЧИҚРОҚ ЖОЙДА — ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ИДОРАСИНИНГ бурчак тарафида омонат қўйилган стол атрофида ўтирардик. Хўжалик партия қўмитаси котиби, ёши ўттиз-ўттиз бешларга борган, фақат соч-соқоли эмас, қошу киприклари ҳам сап-сариқ йигит Эсиргапов тинчиб ўтирмас — гоҳ дастурхонга у-бу нарса келтириб қўяр, гоҳ кабоб пишираётган ўсмирнинг олдига бориб-келиб турар эди. Бу орада идорага иш билан келганларнинг бир-икки нафарини жавоб айтиб, изига қайтариб юборди. Ёши олтмишлардан ошган, соқоли ўсиқ, жуссаси кичиккина қоровул чол кўпроқ самовар олдида куймаланар, ҳар замонда бизнинг ёнимизга келиб:

— Чойларингиз борми?.. Иссиқ чой дамлаб берайми? — деб сўраб кетарди.

Мен вилоят рўзномасининг ёш ходими сифатида жамоа хўжалиги раиси Рустам Йўлдошев билан суҳбатлашардим. Иккламиз бирор соатдан бери шу стол атрофида муқим ўтирибмиз. Раисдан хўжалик фаолиятига оид гаплар сўрайман, у жавоб айтади, мен ўзим учун керакли деб билган фактларни ён дафтаримга ёзиб қўяман... Гоҳо суҳбатимиз жамоа хўжалиги ишига алоқасиз мавзуларга ҳам ўтиб кетарди...

1958 йилнинг кузи яхши келди. Сентябрь тугаб октябрь ойи бошланганига қарамай ҳавонинг ҳарорати анча юқори эди. Ҳаво дим. Шунинг учун ҳам раиснинг хонасида ўтиролмасдан ташқарига стол олиб чиққанмиз. Қуёш ғарб тарафига оғган пайт, номозхонлар тили билан айтганда, ҳадемай номози асир ўқиладиган вақт бўлади...

Дастурхон куз неъматлари — олма, узум, нашвати билан тўла, унинг атрофида ушатилган нон бурдалари. Рустам Йўлдошев атрофга кўз югуртирганича оҳиста сўзлайди. Иккламиз ҳам пиёлаларда совуб қолаёзган чойдан ҳўплаб-ҳўплаб қўямиз.

Раис ўз исмига яраша Рустами достон келбатли, юзи думалоқ. Бу одам нима учундир ҳозиргача мен кўрган раисларга сира ўхшамайди. Одатда раислар анча жиддий, киборли, қўполроқ айтганда, каттазан бўлишарди, хатти-ҳаракатлари билан мансабу мартабасини таъкидлаб туришади. Суҳбатдошим Рустам Йўлдошев эса... жуссига яраш-майдиган даражада очиқ, хушчақчақ ва қандайдир беғамроқ эди. Ўрни-ўрни билан дўрилдоқ овозда унда-бунда бир чимдимгина ҳазил ҳам қиларди ва ораси очилиб қолган майдароқ тишларини кўрсатиб куларди. Гапсўзлари, саволларга бепарво жавоб беришлари катта бир хўжалик раҳбаридан кўра оддийгина деҳқонни эслатарди. «Бунақа одамларни бригадирликка тушириб қўйсангиз ҳам, райкомликка кўтарсангиз ҳам, ўзгармаса керак», деган фикрга бордим ўзимча.

Лекин фақат битта нарса — Рустам Йўлдошевнинг қоровул чолга муносабати менга бироз эриш туюлди. У ҳар гал чолга мурожаат этганида «бобой» деган сўзни қўшарди.

«Тўқсон бешидан бир чойнак дамлаб беринг, бобой...

Чойимиз совуб қопти-ку, бобой, алмаштириб бермайсизми?..

Ахир биздан ҳам хабар олиб туринг-да, бобой!.. Ҳадеб чақираверамизми сизни?..»

Қария бизга югуриб-елиб, астойдил хизмат қиларди, ўзининг «бобой» деб аталишидан эса заррача ҳам ҳафа эмасди.

Мен негадир бу сўзга ҳеч кўниколмасдим. «Бобой» сўзининг келиб чиқишини бир отахондан эшитувдим. Унинг айтишига кўра, ўрислар Туркистонни босиб олган йилларида соқол-мўйлаби бор ҳар қандай мусулмонни: «Бабай! Бабай!» деб чақирар эканлар. Баробара бу сўз ўзбеклар орасида ҳам «бобой» бўлиб тарқалган. Ўшандан бери ўз шаънишавкатини ўйламаган одамлар бу ножоиз сўзни бемалол ишлатаверар эмишлар! Ваҳоланки, она тилимизда «бобо», «бува», «отахон» деган гўзал сўзларимиз ҳам бор!

Эҳтимол, Рустам Йўлдошевнинг ҳам, мана бу қоровул чолнинг ҳам бу тарихдан хабар-лари йўқдир. Лекин, барибир, «бобой» сўзи қулоққа ёқимсиз эшитиларди.

Суҳбат давомида Рустам Йўлдошевнинг ўзи ва оилавий аҳволи билан қизиқдим.

— Рустам ака, неча ёшга бордингиз?

— Ўн бешинчи йили туғилганман.

— Фарзандларингиз нечта?

— Учта ўғлим бор.

— Улар уйли-жойли бўлиб кетишганми?

— Йўқ, энг каттаси ўн икки ёшда.

— Ие, кеч уйланувдингизми?

— Йўқ... Ҳозиргиси — иккинчиси. Урушдан қайтиб келиб уйланганман. Урушнинг тугаганига ўн уч йил бўлди-да ўзи...

— Биламан... Олдинги оилангиздан фарзандингиз йўқмиди?

— Йўқ, фарзанд бўлмаган... Бизлар қирқинчи йили ҳарбийга кетувдик. Ўша ёқларда юрганимизда уруш бошланди...

Раис менинг саволларимга оғринмай-тортинмай жавоб берарди.

— Аввалги хотинингиз ҳаётми ёки?..

— Ҳаёт...

Оила хусусидаги савол-жавобларга чек қўйиш пайти келганини тушундим. Сўнгги саволим суҳбатдошимга ёқиқирамаганини ҳис этдим...

ДАСТУРХОНГА ЖАЗИЛЛАБ ТУРГАН КАБОБ КЕЛТИРИЛДИ. Эсиргапов аллақаёқдан бир шиша ичкилик олиб келди. Рустам Йўлдошев Эсиргаповнинг ўзини ҳам, қоровул чолни ҳам стол атрофига таклиф қилди. Тўрт улфат бўлволиб кабобхўрлигу суҳбатга киришдик... Бир маҳал суҳбатимиз мавзуи ўғрилару киссавурларнинг замонга мослашиб, устаси фаранг бўлиб кетганига тақалди. Мен ҳам уч-тўрт кун аввал эшитганим — ҳамқишлоқларимдан бирининг пулини киссавурлар олиб қўйганини айтиб бердим.

— ...Бир вақт ўша Сўфихон ака деганимиз бозордан чиқатуриб камзулининг ичкарисига қўлини юбориб қараса, жийда солинган халтачадек осилиб турадиган чўнтаги ўрнида йўқ эмиш. Корафта бўлиб кетган киссавур шу қадар усталик қилибдики, «халтача»нинг қандай кесиб олинганини эгаси сезмабди. Яна бунинг устига камзулининг бошқа бирор жойига тиғ тегмабди — зарар етмабди. Қишлоқда унча-мунча одамга сўзини бермай юрадиган Сўфихон ака кесиб олинган жойга тикилганича бошини ирғабди-да: «Қойил! Мендек одамнингки чўнтагини билдирмай кесиб олибсанми, олган пулинг ош бўлсин-е, шоввоз!», деб юборибди...

— Қизиқ-ку, пулини олдирган одам ўғрини қарғамайдими ахир? — деди Эсиргапов. — Ҳам пулини олсаю ҳам раҳмат эшитса!..

— Ким билади дейсиз энди, ўзбекчиликда, — дедим.

— Жуда тўғри айтдингиз — ўзбекчилик бу, — деди жамоа раиси. — Биз ўзбеклар қизиқмиз ўзи. Отангни ўлдирганга онангни бер, деган гапни эшитганмисиз? — Мен, ҳа, эшитганман, деган мазмунда бош ирғадим. — Бизнинг қишлоқда шунга битта мисол бор...

Шу пайт қоровул чол чойи тўгамаган чойнакни кўтариб ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо раис уни қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Сиз ўтираверинг, бобой, бу гап сиз билан бизга тегишли эмас... Шундай қилиб, Рустам Йўлдошев эмин-эркин сўзларди.

Раис ҳикоясини бошлаётган маҳалда идора ҳовлисининг нариги бурчагидаги икки туп хасаки тут оралиғига бир аёл киши келиб тўхтади. Мен ўша тарафга қараб ўтирганим учун уни яққол кўриб турардим, лекин ҳеч кимга ҳеч нима демадим. Аёл индамай биз тарафга тикилиб турарди, бошида енгилгина ёпинчиқ, қўлида ихчамгина тугунча бор эди. Тахминан икки юз метрлар нарида — иккала хасаки тут оралиғида турган аёлнинг афтиангори аниқ-тиниқ кўринмасдию, узоқдан бўлса-да, юзи кичикроқлигини, ҳар қалай, кўркамгина сиймо эканлигини тахминлаш мумкин эди.

Бу орада қуёш уфқ ортига ўтди, аммо ҳали ҳаммаёқ ёп-ёруғ эди. Аёл қимир этмасдан биз тарафга тикилиб турарди. Рустам Йўлдошев уни кўрмадими ёки кўрса ҳам аҳамият бермадими, ҳикоясини давом эттирди.

...Беркинбой бориб Аъзам аканинг дарвозасини тақиллатади. Аъзам аканинг ўзи чиқиб очади. Сўрашади. «Чақирувдингизми?», дейди Беркин. «Ҳа, чақирувдим. Ҳовлингда нима ишлар бўлганидан ҳам хабарим бор», дейди Аъзам ака. «Бул кунингдан ўлганинг яхши демоқчимисиз? Шунинг учун чақирдингизми?» «Йўқ, ундай демайман, унақа кекчи эмасман, биласан-ку, унинг учун чақирганим йўқ. Бошқа гап бор. Юр, ичкарига кирайлик», дейди Аъзам ака. Беркинни уйига иярлик киритиб, олдига дастурхон ёзади, нон-чой киргиздиради. Бироз гаплашиб ўтириб айтадики: «Сен нега бундай қилиб юрибсан, биронта мусулмон фарзандини топиб уйлансанг бўлмайдими?» «Э, Аъзам ака, менга ким ҳам тегади ҳозир, ёнимда ҳеч вақойим бўлмаса», дейди Беркин. «Бўлмаса менга куёв бўла қол», дейди Аъзам ака. «Куёв? Қанақа куёв?» — дейди Беркинбой ҳайрон бўлиб. «Уйда бўй етган қизим бор. Боши очиқ». «Аҳмоқ қилманг одамни, Аъзам ака, — дейди Беркинбой унинг гапига ишонмай. — Мен сизнинг олдингизда юзи қора одамман... Кейин, ёшим ҳам катта...» «Гапни айлантирма! — дейди Аъзам ака. — Мен қишлоғимизни ўйлаб айтаяпман бу гапни. Сен ўша бетайин маржаними, бўлаги́ними, уйингга обкелволсанг, нима бўлади? Уруғи бузилган қовунга ўхшаб қолмайдими бу қишлоқ?..» Беркинбой иккиланади, каловланади. «Қизингиз ёш-да, Аъзам ака. Ахир, менинг ёшим бир жойга бориб қолаяпти... Ахир кўнадими қизингиз?..» «Менинг қизим бўладиган бўлса, кўнади, — дейди Аъзам ака. — Унгаям йигирма беш яшар йигит шай бўлиб турганиёқ, — у тенги йигитларнинг кўпи урушда қолиб кетди». Хуллас, Аъзам ака қизини ўша Беркинбойга берди. Мана, яшаб кетди, тўртбешта бола-чақаси бор... Биз ўзбеклар шунақамиз-да.

РУСТАМ ЙЎЛДОШЕВ ПИЁЛАСИДА ҚОЛГАН ОЗГИНА АРОҚНИ ичиб юборди-да, кабобдан битта жаз олиб оғзига ташлади. Шу орада секингина кулиб қўйди:

— Бечора Аъзам ака, қишлоғимизнинг одамларига ёмон ибрат бўлмасин деб, шундай қилди-я. Аммо-лекин, тўғри иш қилди...

Икки туп хасаки тут оралиғида турган аёл ҳали ҳам ўз жойида юзининг пастки қисмини ёпинчиғининг енги билан бекитганича биз тарафдан кўз узмасди. Рустам Йўлдошев ҳам уни сал аввалроқ кўрган экан шекилли, ҳикоясини тугатган заҳоти қоровул чолга қараб деди:

— Ана у ёққа қарамайсизми, бобой, бояданбери бир одам сизни кутаётганга ўхшайди. Кутавериб, оёғи толиб кетгандир шўрликнинг...

Қоровул чол шоша-пиша ўрнидан туриб, ўзини кутаётган жувон тарафга пилдираб кетди. Биз ҳам дастурхонга фотиҳа ўқиб, стол атрофидан қўзғалдик.

Мен ўша куни шу қишлоқда тунайдиган бўлдим. Темир йўл станцияси бу ердан олис эди ва бунинг устига поезднинг қачон бўлишини ҳам ҳеч ким билмасди. Рустам Йўлдошев мен билан хайр-хўшлашиб, ўз машинасида пахта пунктига жўнади. Партия қўмитаси котиби Эсиргапов етагида хўжалик меҳмонхонасига кетдим.

Меҳмонхона дейилгани идора ҳовлисининг орқа тараф бурчагида ихчамгина қилиб қурилган тўрт хонали уй экан. Эсиргапов иккаламиз тўрдаги хонага ўтиб кетдик. Мен ўша хонага жойлашган бўлдим, яъни бошимдаги шляпани олиб, эшик ёнидаги илгакка илдим, қўлимдаги ён дафтарни тумбочка устига қўйдим. Аслида бу ердаги тўртала хонанинг ҳаммасига жойлашдим, десам ҳам бўлаверарди. Чунки меҳмонхонада мендан бўлак кимса йўқ эди.

Эсиргапов, кўнгил учун стол устига ул-бул нарсалар келтирди. Қоровул чол дамлаб берган бир чойнак чой устида котиб иккаламиз тахминан ярим соатча гаплашиб ўтирдик. Негадир суҳбат асносида бояги — икки туп хасаки тут оралиғида узоқ туриб қолган аёл эсимга тушди. Унинг кимлигини сўрадим.

— Шу қоровул амакининг аёли-да, — деди Эсиргапов кулимсираб. — Чолига овқат келтирган бўлса керак.

— Нима учун узоқдан қараб турди, яқинроқ келаверса ёки чақирса бўлмасмиди? — дедим. — Ёки бу қишлоқда одат шунақами?

— Ҳеч нимани сезмадингизми? — деди Эсиргапов. Мен бошимни сарак-сарак қилдим. — Аёлнинг яқин келмагани сабаби шуки, қоровул амаки билан раис иккаласи кундош.

Мен дабдурустдан гап нималигини тушунолмай сўрадим:

— Кундош дейсизми? Қанақасига?..

— Ўша аёл асли Рустам аканинг хотини бўлган. Уруш пайти Рустам акадан қора хат келганми ёки бошқа сабабми, аниғини билмайман, шу амаки унинг хотинига уйланиб олган. Уруш тамом бўлиб, Рустам ака қайтиб келиб кўрсаки, аҳвол шунақа. Мардлик қилган — ҳеч кимга ҳеч нима демаган. Феъли кенг одам-да... Ўша йили қишлоғимиздаги бўй қизлардан бирига уйланган.

Эсиргаповнинг айтганлари таъсирида ўйга чўмиб қолдим. Назаримда, ҳалигина ичилган ичкиликнинг озгина кайфи ҳам бутунлай тарқаб кетган эди. «Қизиқ-ку, — дедим ичимда, — ўзининг жуфти ҳалолини «тортиб» олган одам билан ҳар куни юз кўришиб турса... Раис-ку ахир, қоровул чолни нари-берига юборишга ҳам кучи етади. Лекин бундай қилишни ўзига раво кўрмайди... Аммо... қоровул чолни... «бобой» деб чақиришида озгина алам, изтироб, армон йўқмикин?.. Аёлчи? Аёл бечора қандай аҳволу руҳиятда ҳаёт кечираётган экан?».

— Ҳа, нега жимиб қолдингиз? — деди Эсиргапов.

Беҳушликдан уйғонгандек бошимни хиёл кўтариб унга қарадим. Котиб ўйланиб қолганимни кўриб ҳайрон бўлди шекилли:

— Ҳа, нима гап? — деди.

— Рустам Йўлдошевни яна бир кўришим керак эди, — дедим.

Ҳақиқатан ҳам, уни яна бир бор кўргим, у билан суҳбатлашгим келаётганди.

Дўст излаган дўст топар

Уткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИСТАНБУЛГА, ОДАТДАГИДЕК КЕЧИКИБ УЧДИК. Ношир ва адибларнинг халқаро конгресси 11 июнь куни очилиши ҳақидаги хабар ва таклифномани олганимизга анча бўлган эди. Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси ўз вақтида елиб-югургани, Ташқи ишлар вазирлиги чет эл паспортларини, визаларни олдиндан тайёрлаб қўйганига қарамай барибир кеч қолдик. Жаҳонга машҳур ва мамлакатимизда яккаю ягона Аэрофлот деб аталмиш муассаса кассаларида Туркияга патта йўқ экан. Тўғрироғи, қўлимизда патта бор, аммо айнан ўша фурсатда учадиган тайёрага жой йўқ эмиш. Тошкентдан Истанбулгача учиб боришга уч-тўрт соат кифоя. Афсуски, Тошкент-Истанбул линияси йўқ. Аввал тўрт соат Москвага учасиз, қейин омадингиз чопиб патта тополсангиз, Москвадан Истанбулга яна уч ярим соат парвоз қиласиз. Яъни, чап қулоғингиз қичишиб қолса, ўнг қўлингизни гарданингиз орқасидан ўтказасиз-да, бошингизни хиёл эгиб, мазза қилиб қашлайсиз. Бунақанги «қашлашлар» қанча маблағаю, қанча асабга тушишини худо билади.

Шундоқ бўлди. «Ўзбекистон» нашриётининг директори Рустам Шоғуломов билан узун-қисқа бўлиб «қайдасан, жонажон Москва» деб йўлга тушдик. Аэрофлотнинг, гапни салом беришдан бошласангиз, «говорите по сути дела» дейдиган хушрўйгина, димоғдоргина ходималари аҳволни лўнда қилиб тушунтиришди.

— Истанбулга самолёт 12-куни учади, аммо сизларга жой йўқ. 14-кунга илинсангиз ҳам хурсанд бўлаверинг.

— Ахир, конгресс 13-июнда ёпилади-ку! 14-да боришимиздан нима маъно?

— Бўлмаса Тошкентга қайтиб кетаверинг!

...Яхшиямки, Москвада Ўзбекистон ваколатхонаси бор. Ходимларнинг қўнғироқ қилмаган идораси қолмади. Ниҳоят, тайёра учишига саккиз соатча қолганида патта омон-эсон қўлимизга тегди.

...Истанбулга тонг палласи қўндик. Бу ернинг вақти Тошкент вақти билан бир хил экан. Буни қарангки, бизни кутиб олишга одам чиқмабди. Начора, айб ўзимизда. Кенгаш кеча бошланган, бундан чиқди, Ўзбекистондан ҳеч ким келмайди, деб ўйлашган.

Муҳожир туристлар хонасига кириб, полиция кийимидаги йигитга вазиятни тушунтирдим. Ўзбекистондан келганимизни айтдим. Йигит «хўш гелдиниз, афандим» деб қайтадан кўришди. Қаергадир сим қоқди. Конгресс Отатурк номидаги культур-бақан (Маданият вазирлиги) марказида давом этаётганини айтди. Истанбул 8 миллионли улкан шаҳар бўлса, биринчи келишимиз бўлса... Яхшиямки, «Шарқ юлдузи»нинг 60 йиллик тўйида иштирок этган марғилонлик ватандошимиз Собир ака Сайхоннинг телефонини Тоҳир Қаҳҳордан ёзиб олган эканман. Шу кишига сим қоқдик. Собир ака зудлик билан етиб келди.

Истанбул қадимий шаҳар. Талай кўчалари ўзимизнинг Тошкентдаги Каллахона маҳалласининг жинкўчаларига ўхшаб кетади. Қадимий ёдгорликларни бузиб ташлаб, ўрнига катта проспектлар очишга мамлакат президентининг ҳам ҳаққи йўқ. Халқ ўз тарихини ниҳоятда авайлайди.

Отатурк номидаги маданият маркази ёнида аробадан (турклар автомашинани ароба дейишади) тушдик.

— Юклардан хавотир бўлманглар, ҳеч ким тегмайди, — деб тушунтирди Собир ака.

...Шунақа-ку... жомадонларда «оқ олтин» сервизлари бор... Атлас кийимликлар... Атайлабдан ҳамюртларимизга олиб келинган ўзбекча қўшиқ-кассеталар, дўппилар...

— Бемалол мажлисга киравераринглар. — Собир ака самимий кулди. — Кейин сизларни ўзим топиб оламан.

Туркия культур-бақанининг ўринбосари Аловуддин Қўрқмас афанди қучоқ очиб кутиб олди.

— Хўш гелдиниз, сайин арқадашлар! Биз Туркистонни бобо юртимиз деюрмиз.

МАЖЛИС АЛЛАҚАЧОН БОШЛАНГАН ЭКАН. Бу ерда ҳам ўзига яраша муаммолар етарли. Ёзувчиларнинг аҳволи, нашр, қоғоз масалаларида ҳал қилинадиган ишлар кўп. Ойнома ва рўзномалар бизникига солиштирганда жуда қиммат. Кичикроқ адабий мажалланинг бир сони 7500 лира — қарийб 2 доллар туради. Тиражи эса 2—3 мингдан ошмайди.

Мажлисда кескин баҳслар бўлди. Бир-бирини тамомила рад этувчи фикрлар айтилди. Лекин ўзимиздаги мажлисларга ўхшаб ҳеч ким муҳолифига бўйнини чўзиб чинқирмади. Ҳеч ким ҳеч кимни камситмади. Сўзга чиқувчи ҳар бир нотиқ ўз фикрини мантиқ билан ифодалашга уринар, ҳар лаҳзада «мухолифига» нисбатан чуқур эҳтиром сезилиб турарди. Биз баҳс маданиятини ўрганишимиз кераклигини, демократияни даҳанаки жангга айлантиришдан наф йўқлигини яна бир бор эътироф этдик.

Мажлис раиси ҳар бир нотиқнинг сўзидан сўнг «тамом» деб қўяётганини эшитиб аввалига ҳайрон бўлдик. Кейин англадикки, «тамом» деганда «бас қилинг» деган зардали маъно йўқ экан. Аксинча, «тамом» дегани «яхши», «маъқул» деган маънони англатаркан. Умуман, бу юртда «буюрин», «тамом», «арқадаш», «афандим», «ташаккур» деган сўзлар бот-бот такрорланади.

...Туркиянинг бир оёғи Оврупода, бир оёғи Осиёда туриши аниқ сезилади. Оврупоча кийиниш билан осиёча мулозимат уйғунлашиб кетган. Одамларнинг чеҳраси очиқ, сертабассум. Бу ерда туркий халқларнинг барчасига дўстона ҳурмат билан қарайдилар. Конгрессга Озарбойжон ва Доғистондан ҳам меҳмонлар таклиф этилган экан. Барчага баробар эҳтиром кўрсатилди. Бироқ Ўзбекистонга айрича ҳурмат билан қараши ҳис этдик. Туркия билан Кавказорти жумҳуриятлари орасида алоқалар сўнгги пайтларда айниқса мустаҳкамланган. Бокудан Истанбулга тайёра учади. Боку ва Ботумидан Туркияга автобус қатнови йўлга қўйилган.

Мажлис тугаб, кечки таом еб бўлингач, ҳаммамизни автобусга таклиф қилишди. Жомадонларимиз қандай қўйилган бўлса, худди ўша алфозда турган экан. Қаранг, ақалли биронтаси йўлига бўлса-да, тепиб ҳам ўтмабди. (Одамга алам қиларкан).

Истанбулдан етмиш чақирим наридаги «Турбан» мотелига олиб боришди. Машинадан тушишимиз билан қандайдир қадрдон исдан бошим айланиб кетгудек бўлди. Дафъатан англолмай аланглаб тургандим, мезбонлардан бири — маданият вазирлиги ходими Мансурбек йўл четига имо қилди.

— Ийда, афандим, ийда!

Қарасам, жийда гуллаган экан.

— Сизда не деюрлар, афандим? — деб сўради Мансурбек.

— Биз жийда деймиз. Биз томонларда жийда гуллаб бўлди. Бу ер денгиз соҳили бўлгани учун кечроқ гуллабди-да.

Денгизда чўмилмаслигимизни илтимос қилишди. Суви «пес» (яъни, ифлосланган) деб огоҳлантиришди. (Экологик муаммо ҳамма ерда бор).

Инсоф билан айтганда, мотел хоналари қулай. Бу ерда кўпинча чет элдан келган бадавлат кишилар дам оларкан. Бироқ нархиям шунга яраша. Икки кишилик хонада турсангиз, бир кечакундузга (уч маҳал таоми билан) ҳар бирингиз 79 доллардан тўлайсиз. Алоҳида хона 100 доллардан кўпроқ — 430 минг турк лирасига тўғри келади. Озиқ-овқат анча қиммат. Бир кило гўштнинг нархи 7 доллар атрофида. Гуруч ва сабзавот кўп истеъмол қилинади. Бақлажондан тортиб қовун-тарвузгача, гилосдан тортиб цитрус меваларигача — ҳаммаси сероб.

Кечаси денгиз бўйида мушоира бўлди. «Мозор босиб келган» писта, бодом, майизларни, ҳар эҳтимолга қарши «Халқобод» коньяги билан машҳур «Водка»ни олволиб, даврага қўшилдик. Қарасак, дастурхонда шарбат кўпу «шайтон суви» кўринмайди. Шарманда бўлмайлик деб, имижимида бир чеккага яшириб қўя қолдик. (Кейин ҳам бирон даврада ароқ, виски ёки коньяк ичаётган одамларни кўрмадик). Бир-биридан ҳаяжонли шеърлар ўқилди. Шоир бўлмаганимга афсусландим. Ўзбекда ҳам зўр шоирлар кўп деб, Абдулла билан Эркин аканинг шеърларидан ўқиб бердим.

Вазир ўринбосаридан тортиб даврадаги барча катта-кичиклар Ўзбекистонга эҳтиром билан қарашларини, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳар иккала мамлакат учун фойдали эканини, бир ҳафта аввал Туркияда бўлиб ўтган этнография ансамблларини халқаро фестивалига Озарбойжондан 150, Кавказ жумҳуриятларидаги автоном вилоятлардан 100 га яқин, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон жумҳуриятларидан ўнлаб одамлар келганини, фестиваль байрамга айланиб кетганини, афсуски, таклиф этилганига қарамай Ўзбекистондан ансамбль бормаганини айтишди. Туркияда Баҳовуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Маҳмуд Кошғарий шаҳсиятига эътиқод кучли эканини, Ўзбекистон Урта Осиёнинг тарихий ва маданий маркази бўлгани учун ҳам алоқаларни кучайтириш зарурлигини таъкидлашди. Тошкентда Туркия консулхонаси очилса яхши бўларди. Тошкент билан Истанбул орасида тайёралар учса соз бўларди, дейишди.

Тафаккуримиз яхши томонга ўзгарган, жумҳуриятимизнинг моддий ва маънавий мустақиллиги ҳаётий зарурат бўлиб қолган ушбу кунларда яқин қўшнимиз — Туркия билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳар томонлама фойдали экани кўринган ҳақиқат.

Шунча йўл азоби, ранго-ранг таассуротлардан бошим ғовлаб, анчагача ухлолмай ётдим. Кейин биров белкурак билан тўшакдан кўчириб оладиган даражада қотиб ухлаб қолибман.

Бир маҳал телефон жиринглади. Чала уйғониб ётавердим. Денгиз шовуллайди, қушлар сайрайди... Қуриб кетгур телефон тинч қўйса қани! Дастакни кўтариб, зарда билан «ҳа», десам, телефондан алланечук дилкаш, латиф куй эшитилди. Узоқ тинглаб ётдим. Биринчи куй тугаб, иккинчиси бошланди. Учинчиси... Ниҳоят, меҳмонхона ходимаси бўлса керак, аёл киши салом берди.

— Гун ойдин, афандим (хайрли тонг, афандим)...

Қандай ётиб-турганимни суриштирди. Саҳоб емагига (нонуштага) таклиф қилди. Соат саккизу бучуқда (саккиз яримда) ароба Истанбулга жўнашини айтди.

Эрталабки мажлисдан сўнг «Замон» рўзномаси мухбири билан суҳбат қилдик.

Аловуддин Қўрқмас афанди ўз таклифини айтди.

— Буюрин, дўстлар, сизлере ароба беклиюр (Сизларни машина кутяпти), — деб Тўпқопу ва Ая-София обидаларини томоша қилдиришмоқчи эканини тушунтирди.

ТЎПҚОПУ МУЗЕЙИНИ БАФУРЖА АЙЛАНИБ ЧИҚИШ УЧУН бир кун етмайди. Фурсатимиз тиғиз бўлгани сабабли энг асосий ёдгорликларни кўришга улгурдик. Тўпқопу маълум маънода Москвадаги Оружейная палатани эслатади. Албатта, ўзимизнинг юртимизда ҳам бундай музейлар йўқ эмас. Бухородаги Арк, Қўқондаги Хон саройи, Хивадаги Ичан қалъа... Афсуски, Ўзбекистон музейларини аллақачон талон-тарож қилишган, шўрвасининг шўрваси қолган.

Тўпқопу минглаб йиллик тарихни ўзида мустаҳкам сақлаб қолган. Қуйма олтиндан ясалган тахтлар... Олмос билан безатилган тожлар... олтин бешиклар... қадимий муҳрлар... «Дунёнинг ишлари»да ўзим кўрмай туриб ёзганим ҳазрат Алининг қиличи... Ҳеч қандай лоф-қопсиз одам бўйича келади. Эни кафтдек... Қалин. Инсон боласи кўтаришига ақл бовар қилиши мушкул... Ниҳоят, Муҳаммад алайҳиссаломнинг тошга муҳрланган оёқ изи ва махсус идишга солиб қўйилган мўй-мубораги — бир дона соқол толаси...

Ая-София ибодатхонаси эса юнон услубида қурилган. Ниҳоятда маҳобатли, ниҳоятда баланд. Ҳаёлга толади одам. Бир томонда Тўпқопу, бир томонда Ая-София: бир томонда Осиё, бир томонда Оврупо... Қанча жангу жадаллар, қанча ғуноҳкор ва бегуноҳ қонларни, динлару имонлар талашини кўрган обидалар бугун ёнма-ён сукут сақлаб турибди. Уларни мусулмону христиан, буддаю яҳудий бирдек эҳтиром билан тавоф этяпти. Абадий ва аянчли ҳақиқат: инсоният Одам Ато билан Момо Ҳавонинг фарзанди. Бир бири билан келишиб яшашни ҳамон ўрганолмаган жоҳил фарзанд.

Яқинда марказий газеталардан бирида мақола чиққан эди. Сарлавҳаси ниҳоятда топиб қўйилган: «Туркияда ҳамма нарса бор». Бу ҳақиқатни англаш учун Истанбулдаги ақалли битта бозорга, дейлик, Боязид майдонидаги Қопали Чорсу бозорига кириш кифоя.

Собиржон аканинг чоғроқ дўконида пахта гулли пиёлада чой ичгач, у кишининг ҳамкасби Абдуллатиф ака бизни бозор айлантирди. Бозор тасвирини бир жумла билан ифодалаш қийин. Нима десам экан? Мабодо, «Минг бир кеча» фильми суратга олингудек бўлса, декорация керак эмас. Қопали Чорсуга кирилса бас. Расталарга қадам қўйишингиз билан ердан шифтгача тиқилиб кетган олтин тақинчоқларга кўзингиз тушади. Олтин балдоқлар, узуклар, билакузуклар, гавҳарлар, бриллиантлар, дурлар, марваридлар, занжирлар, ликопчалар... ҳаммаси ниҳоятда гўзал, чинакам санъат асари (Кейинчалик эшитсак заргарлик билан кўнчилик бобида дунёда туркларнинг олдига тушадиган усталар йўқ экан). Дўкондорлар қўлингиздан судрагудек бўлади.

— Буюрин, афандим.

Ҳеч нима харид қилмасангиз ҳам дўконига олиб киради. Чиккабел стаканни ликопчага солиб, ёнига икки чақмоқ қанд қўйиб қўлингизга тутқизади.

— Буюрин, афандим.

Бу ерда бозорнинг хўжайини сотувчи эмас, харидор. Сотувчи харидорга димоқ-фироқ қилмайди, харидор сотувчига димоқ қилиши мумкин. Сотувчига харидор эмас, харидорга сотувчи ялинади.

Савдо қоидасидан узоқлигимиз дарҳол билиндди. Қизим қуёшдан пана қиладиган кўзойнак олиб келишни сўраган эди. Растадаги дўконга кирсам ўшанақа кўзойнак турибди. Ҳалқасига аллақандай ялтироқ тошлар ўрнатилган, ойнаси ним жигарранг.

— Буюрин, буюрин, — деб сотувчи югуриб келди.

— Кач пора? (Неча сўм?) — деб сўрадим. Кўзойнак Италияда чиққан бўлиб, нархи 35 доллар экан.

— Уттиз долларга кўнармикан? — деган эдим, Абдуллатиф аканинг пешонаси тиришиб кетди.

— Кечирасиз-ку, ҳеч бозор қилганмисиз, домла? Мунча тез кетманг-да. Қирқ долларга магнитофон беради. Шу кўзойнакни 30 долларга оласизми?

Дўкончига ташаккур билдириб, ташқари чиқдик. Ишонсангиз, ўн беш қадам юрмасимиздан, кўча юзидаги дўкончада худди ўшанақа кўзойнакка рўпара бўлдик. Нархи 15 доллар экан. Бугал Абдуллатиф аканинг ўзи савдолашди.

— Уч доллар, — деди пинагини бузмай. Охири беш долларга келишишди.

БОЗОР ШОВҚИНСИЗ БЎЛМАЙДИ. Биров карчлаб тарвуз сотяпти, яна биров бақириб-чақириб сув сотиб юрибди. (Дарвоқе, бу ерда оддий сувни ҳам чиройли полиэтилен идишга солиб сотадилар). Яна бир киши бир қучоқ ранго-ранг шақилдоқларни кўтариб олган. Биттасини боши устида айлантириб ҳайқиряпти.

— Чўжуқларинг шод эт, чўжуқларинг шод эт!

Сотувчининг бири пайпоқни, бири кўкрагига «Шанэль» деб ёзилган майкасини мақтаб ҳайқиради. Хуллас, чинакам Шарқ бозори. Ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўришга уринади. Табиийки, бойлар ҳам бор, қашшоқлар ҳам...

...Бир маҳал асабий ва ғазабнок чинқириқ қулоғимизни тешиб юборгудек бўлди.

— Ва-а-а-ся! Помоги, дурак! Мне ведь тяжело!

Назаримда, қозондек қайнаб турган бозор бир лаҳза совуқ сув сепгандек жимиб қолди-ёв. Иккита катта сумка кўтарган хотин тағин чинқирди:

— Ва-а-ся!

Ўзи ҳам оғир сумка кўтарган найнов Вася шўрлик лўкиллаб келди.

— Нақадар таниш манзара! — деди Рустам ака ўкиниб.

Собир аканинг дўконида чой ичиб ўтириб, таассуротимни айтдим.

— Бу бозорда камида беш тонна олтин бор-ов?

Собир ака кулимсиради.

— Қопали Чорсунинг ўзида ҳар куни ўнлаб тонна олтин савдоси бўлади. Истанбулда бунақа бозордан олтитаси бор.

Хаёлимда хира пашшадек айланаётган саволни сўрашга мажбур бўлдим.

— Ўғирлаб кетмайдими? Чекка-чеккалардаги пастқам дўкончалар ҳам тақинчоқларга тўлиб ётибди?

— Яқин йилларда бозорга ўғри оралаганини эслай олмайман. Бу ерда сен турксан, сен озарбойжон, сен ўзбек деб ажратишмайди. Одамларни ҳалол ва ҳаром яшаётганига қараб баҳолашади. Тўғри, тижоратчи фойда кўрмаса тирикчилиги ўтмайди, аммо ҳаммасини инсоф доирасида қилади. Харидорни алдамайди.

ЎША КЕЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗ БИЛАН ҚИСҚА МУДДАТ бўлса-да, суҳбат қурдик. Ўзга юртларда яшаётган ҳамюртларимизни ёппасига «ватан хоини» деб қоралаш сталинча фикрлашнинг оқаваси, «ғоявий тушунчалар» меваси. Қайта қуриш замонида бу масалага ҳам янгича қараш бошланганлиги кишини қувонтиради.

Аввал Абдуллатиф аканинг уйида бир пиёла чой ичдик. У кишининг оиласи (тўғрироғи, отаонаси) ёппасига коллективлаштириш пайтида ўзга юртларга ўтиб кетган. У пайтда Абдуллатиф ака уч яшар бола бўлган. Оила Покистон, Хитой, Ҳиндистонда яшаган. Абдуллатиф ака ўзбек қизга уйланган, сўнг тақдир тақозоси билан Туркияга келишган. Фарзандлари ўзбек тилини, миллий удумларимизни яхши билишади. Абдуллатиф аканинг умр йўлдоши Холида опанинг синглиси Маҳфуза опа Тошкентда яшайди. Улар Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келиб, қариндош-уруғлари билан дийдор кўришиш орзусида. Афсус, виза масаласида қийналаётганини айтишди.

Шу жиҳатдан қараганда Собир аканинг омади чопган десак хато бўлмайди. Бу киши яқинда Ўзбекистонда бўлди. Киндик қони тўкилган Марғилонга бориб келди. У кишининг хонадонида фарғонача палов тортилди. Ҳатто биз тошкентлик «мошовахўр»ларни мошхўрда билан сийлаш ҳам эсдан чиқмади. Суҳбатдаги бир мавзу айниқса ёдимда қолди.

— Хафа бўлманглар-ку, домлалар, — деди Собир ака самимий куюниб. — Сизлар яқин орада барибир бой бўлмайсизлар. Сабаби, исрофгарчилик кўп. Ота юртим тўғрисида ёмон гап айтишга худодан қўрқаман. Аммо ростини айтмасам ҳам бўлмайди. Уйингизга тўртта меҳмон келса, қўй сўясиз. Ўн хил таомни тиқиштириб ташлайсиз. Шиша-шиша ичкилик тортасиз. Ҳисобкитобни билмайсиз. Энг камбағал одам тўй қилса ҳам бутун юртга ош тортади.

— Яқинда мен ҳам тўй қилишим керак, — дедим кулиб. — Начора, юртдан чиқиб кетолмайман-ку.

— Энди сиз шунақа десангиз...

Собиржон ака рўзномаларимиз тили билан айтганда «сўз ва иш бирлигига амал қиладиган» одам экан. Таом тортилганда олти киши эдик. Дастурхон йиғиштирилгандан кейин яна йигирма чоғли меҳмон келди. Собир ака «қорин қалай?» деб сўраган эди, меҳмонлар миннатдорчилик билдиришди. Дастурхон қайта ёзилмади. Меҳмонларга чой берилди.

Собир акага Ўзбекистондаги удумлар андек эриш туюлгани каби, бизга ҳам у ердаги баъзи удумлар бир қадар эриш кўринди. Начора, ҳар юртнинг ўз таомили, ҳар фикрнинг ўз ҳақиқати бор.

Табиийки, ҳамюртларимиз Ўзбекистон тўғрисида, жумҳуриятимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида кўп саволлар беришди. Хайрли ишлар қаторида мамлакатда ва Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий танглик ҳақида гапирдик.

— Шунақа очиқчасига гаплашадиган замонлар келганига шукр, — дейишди юртдошларимиз. — Яқин-яқингача Ватанимиздан келган дўстлар бизни кўрганда олазарак бўлиб қўрқиб муомала қилишарди.

Хайрлашаётганимизда кимдир таъкидлади.

— Ўзбекистон одамларига, ерига, осмонига, дарахтларига, шамолларига салом айтинг. Биз ўз юртимизнинг ўгай болалари эмасмиз.

Назаримда, булар юрак-юракдан чиққан сўзлар эди.

Шу кеча «Варан» (манзилга етиб борадиган деган маънода) ширкатига қарашли икки қаватли автобусда Анқарага жўнадик. Истанбул билан Анқара ораси Тошкент билан Бухороча келади. Автобус паттасининг баҳоси қиммат. Бироқ хизмати ҳам шунга яраша. Худди тайёралардаги стюардесса сингари хизматчилар сув, қаҳва, чой, ширинликлар келтириб турарди. Автобусда ювинадиган хонагача бор. Лекин барибир кечаси автобусда узоқ манзилга юриш кўп ҳам мароқли машғулот эмаслигини ўз танамизда синаб кўрдик.

Анқарага саҳар чоғи етиб келдик. Бу ерда ҳам қадимий ёдгорликлар, кўп жангу жадалларни кўрган қалъалар сероб. Анқара тоғ ёнбағрига жойлашган. Кўчалари кенг, бинолар замонавий услубда қурилган. Лекин ўттиз-қирқ қаватли баланд бинолар йўқ ҳисоби. Кўп уйлар уч-тўрт қаватли.

Тунги уйқусизликдан толиқиб мусофирхонага кирган заҳоти ухлаб қолибман. Бир маҳал қулоғимга зоҳи товуши кирди. Анчагача хаёл суриб ётдим... Истанбулда ҳам, Анқарада ҳам ҳар куни беш вақт намозга азон чақирилади. Овозни баландлатувчи радио қурилмалар ҳар куни беш марта жамоани намозга чорлайди. Биров масжидга боради, биров ўз дўконида намоз ўқийди. Лекин азон товуши келиши билан бутун мамлакатда ҳаракат тўхтайди, ҳамма баробар саждага бош қўяди, деган гап тўғри эмас. Биров ўқийди, биров тирикчилигини давом эттиравераді. (Гап—имонда.)

АНҚАРА ДОРУЛФУНУНИ ПОЙТАХТНИНГ ЭНГ ОБРЎЛИ жамоаси яшайдиган туманида жойлашган. Талаба қизлар учун махсус кўпқаватли ётоқхона ажратилган. Йигитлар анча наридаги бошқа ётоқда яшайди. Талаба қизлар орасида бошига рўмол ўраб, юзини ярим яшириб юрадиганлари ҳам, жинси шим кийиб юрганлари ҳам етарли. Дорулфунунда фақат Туркия эмас, Покистон ва Афғонистондан, ўзга юртлардан келган талабалар ҳам ўқийдилар. Бу йил Озарбойжон, Доғистон каби совет жумҳуриятларидан талай ёшларнинг Туркияда ўқиши режалаштирилган. Дорулфунун раҳбарияти мабодо Ўзбекистондан келиб, билим олишни хоҳловчи ёшлар бўлса ёрдам беришга бажонидил тайёр эканликларини айтишди.

Шарқнинг улкан сиёсий арбоби Камол Отатурк номи бу ерда чуқур эҳтиром билан тилга олинади. Ҳайкаллари, суратлари тез-тез учраб туради. Отатурк Туркия мустақиллиги учун, мамлакатни юксак тараққий этган давлатга айлантириш учун катта хизмат қилган.

Отатуркнинг баланд тепалик устида бунёд этилган мақбараси ғоят маҳобатли. Ёнида музей. Зиёратчиларнинг кети узилмайди. Фахрий қоровул алмашиб туради. Фақат менга ғалати туюлган бир ҳолат: фахрий қоровулликда автомат тутиб турган соқчи қотиб қолган ҳайкалга ўхшамайди. Одамгарчилик юзасидан у билан бемалол гаплашиш мумкин...

Хўжатепа деган қир устида тағин бир маҳобатли иншоот бор. Уни бундан бир неча йил муқаддам давлат ташкилотлари ҳамда халқ ҳашари билан бунёд қилишган. Бу ерда Султон Аҳмад жомеъ масжиди қад кериб турибди. Масжидда бир йўла 40 минг киши намоз ўқиши мумкин. Ҳаммаёғига гилам ва палослар тўшалган, безакларига олтин суви югуртирилган.

Туркия диний назоратининг раҳбар мутасаддилари билан анча муддат суҳбатлашдик. Кейинги йилларда Ўзбекистонда имон эркинлиги борасида қилинаётган ишларни айтдик. Жумҳурият президентининг фармони билан бу йил тарихда биринчи бор Ўзбекистонда рамазон ҳайити қорбиқ куни деб эълон қилинганини, насиб этса қурбон ҳайити ҳам шундай бўлишини, кўп йиллар давомида қилиб келинган хатоларни тузатиш учун изчил тадбирлар амалга оширилаётганини, халқимиз тарихига, маданий, маънавий меросига янгича муносабат пайдо бўлганини айтдик. Ниҳоят, «Шарқ юлдузи» дарғиси (ойномаси)да Қуръони каримнинг замонавий ўзбек тилидаги таржимаси чоп этилаётганини гапириб берганимизда мезбонлар айниқса қувондилар. Ойноманинг адади (тиражи) қанчалигини қизиқиб сўрадилар. «Шарқ юлдузи» қарийб 115 минг нусхада чиқишини эшитиб, қойил қолдилар. Биз билан қайтадан қучоқлашиб кўришдилар. (Туркияда яхши удум бор. Қадрдон кишиси билан кўришаётганида юзини юзига кўяди). Шундай хайрли ишларни рўёбга чиқараётган халқимизга, раҳбариятга миннатдорчилик билдириб қўйишни «қиёмат қарз» деб зиммамизга юкладилар.

Оқшиҳирдаги Насриддин Хўжа ҳайкали.

Шу куни бизни шаҳар чеккасидаги энг баланд тепалик устига олиб чиқишди. Тепаликда Тошкент телеминорасига ўхшаш қурилма бор. Иншоот тагида ресторан ва дўконлар жойлашган (албатта, нархи ниҳоятда қиммат: масалан, бир стакан мандарин шарбати 2 доллар туради). Салқин йўлакдан ўтиб борсангиз, «Осонсурар» деган ёзувга кўзингиз тушади. Инглизча «лифт» сўзини «осонсурар» деб таржима қилишгани шахсан менга мантиқан тўғри ва табиий туюлди. Осонсурар бир лаҳзада минора устига олиб чиқди. Бутун Анқара кафтингизда тургандек.

Анқарадан Истанбулга учадиган йўловчилар оз бўлгани учун икки рейсни битта қилиб бир соатча кейинроқ учирадиган бўлишибди. Капалагимиз учиб кетди.

— Ахир биз Истанбулдан Москвага учмоғимиз керак!

Туркия ҳаво йўллари ходимаси — ёш аёл паттамизни кўриб, бизни тинчитди.

— Учоқ бучуқ (ярим) соатда Истанбулга етиб боражак.

Сўнг жўяли маслаҳат берди. Истанбул — Москва тайёраси уч соатлардан кейин Анқарага келиб, бу ердан Москвага учар экан. Демак, Истанбулга бориб юрмай, шу ерда дам олиб ўтирсак ҳам бўларкан.

Энди кўнглимиз тинчиган эди, ходима Истанбулга учмасак бўлмаслигини, ҳарқалай бу Аэрофлот учоғи эканини, ўша ерда рўйхатдан ўтганимиз маъқуллигини тушунтирди.

«Боинг» типидаги учоқда Истанбулга парвоз қилдик. Бу тайёра «Ил-86»га ўхшаб кетади. Фақат ўриндиқлари шу қадар кенгки, юз эллик кило вазнли йўловчи бемалол ялпайиб кетиши мумкин.

Ўзимизнинг «ТУ-154» Истанбулга атиги бир соатгина кечикиб келди. Буниси ҳам етмагандек, Анқарада самолётдан чиқмай, олтими-саккизми нафар канадалик бойваччани кутиб бир ярим соат димиққанимизни ҳисобга олмаса, ҳаммаси аъло даражада кечди.

МОСКВАГА ОМОН-ЭСОН ЕТИБ КЕЛДИК. Хайрият, Павловнинг бож солиғи ҳақидаги қонуни ҳали кучга кирмаган экан. Акс ҳолда, биз олган йигирма жуфт пайпоқнинг ўн саккиз жуфтини божхона ходимлари мусодара қилиб юборармиди?!

Очиридни соғиниб қолган эканмиз. Сариқ рангли таксиларни кутавериб ўзимиз ҳам сарғайиб кетдик. Бир маҳал одоблигина йигитча меҳрибон оҳангда сўради.

— Қаерга борасизлар?

Манзилимизни айтдик.

— Юз сўм! — деди йигитча қатъий қилиб.

Амаллаб саксон сўмга кўндирдик. Ўн беш сўмлик масофага бизни саксон сўмга «Тойота» ёки «Ягуар»да элтиб қўяркан-да, деб кутиб турганимизда, оддийгина сариқ такси келиб тўхтади. Билсак, бояги одобли йигитча таксичи экан. Шунисигаям шукр, манзилимизга омон-эсон етказиб қўйди...

Эзмалигим учун узр сўраб, баъзи хулосаларни айтгим келади. Чамамда, энг муҳим хулоса шуки, дунёни системаларга бўлиб ташлаб, кўп хато қилган эканмиз. Дунёни ғоялар эмас, инсонлар бошқариши ёдимиздан чиқмаслиги керак экан.

Яна бир хулоса шуки, Туркияда Ўзбекистонни севадиганлар, чин дилдан севадиганлар кўп. Қайси системада бўлишидан қатъий назар тараққий этган ушбу қўшни мамлакат билан алоқаларни қанча кучайтирсак, шунча яхши. Ва ниҳоят, тағин бир гап. Мен сиёсатчи эмасман. Бу фикрни оддий одам сифатида айтяпман. Кўп йиллар мобайнида биз дунёнинг талай мамлакатларини ўзимизга душман деб келган эканмиз. Душман йўқ бўлса, уни ўзимиз ўйлаб топибмиз. Ҳолбуки, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди. Дўст топиш учун дўст излаш керак!



Истанбулдаги Султонаҳмат жомеси. XVII аср.



XIX асрда қурилган Дўлмабоғча жомеси соат куласи (куранти).

НАВОИЙ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ШАРҚҚА ҚАЙТАЁТГАН ЛАЙЛАК

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Жалоловнинг Қўқон драма театри фойесига ишлаган «Ўзбек саҳна театри тарихи» деворий суратидан парча.

«САНЪАТ БИЛАН ЧИНАКАМ ШУҒУЛЛАНГАНДА изтиробларни четлаб ўтиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас», деган эди буюк немис мутафаккири Гёте. Чунки улкан санъаткорлар яратган машҳур асарларнинг аксарияти буюк изтироблар маҳсулидир. Шундай асарларгина ўқувчини ҳам чуқур изтиробга солади, дардли ўйларга тўлдиради. Ақлий ва руҳий дунёсида изтиробнинг катта-кичик бўронларини қўзғайди. Аслида, ана шу бўронларни қалбига юқтирган ўқувчи ё томошабин бахтлидир. Лекин бу бахтга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди...

Истеъдодли рассом Баҳодир Жалоловнинг ҳар бир янги асарини кўрган томошабин вужудини турфа туйғулар қоплайди, ранглардаги изтироблар дардларга малҳам бўла бошлайди. Масалан, унинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Рақснинг туғилиши» монументини кўз олдимизга келтирайлик. «Баҳор» концерт зали фойеси деворига ишланган, СССР халқ артисти Мукаррам Турғунбоевага бағишланган бу асар бир қарашда худди жонлидай кўринади; опа «Тановар»ни ижро этишга шай турибди, атрофи — гўзал баҳор, баҳорни эса опанинг фарзандига айланган шогирдлари —«Баҳор» қизлари яна ҳам тароватли, кўркам қилиб юборган. Уфқда нурафшон қуёш. Опа гўё қуёш гардишининг қоқ ўртасида туриб, «Баҳор»га нур таратаётганга ўхшайди. Қуёш нурлари олис-олисларга ёйилиб кетган. Бу эса қадимги миллий рақс санъатимизнинг сеҳри аллақачон жаҳон саҳналарини ларзага келтирганидан ҳикоя қилади. Баҳор чечаклари эса рақсларимизнинг умрбоқийлигини эслатиб туради. Ёки рассомнинг республика Киночилар уйи деворларига ишлаган «Абадият элчилари» туркум асарини олиб кўрайлик. Унда ер юзида тинчлик, ижтимоий адолат ва тенглик учун курашаётган жаҳоннинг етук санъаткорлари сиймолари акс эттирилган. Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос табиий ранглар билан ишлаган портретини мукаммал асар дейиш мумкин. Унинг Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи раёсат мажлислар зали деворига ишлаган «Инсон тафаккури тантанаси» монументи ҳам етук асарларидан ҳисобланади. Унда инсон барча ҳаёт қийинчиликларини, яхшиёмон лаҳзаларни фақатгина тафаккур қудрати билан енга олиши ёрқин бўёқларда маҳорат билан чизилган. Баҳодир Жалоловнинг Фарғонадаги «Чимён» санаторийси деворларига ишланган «Шоҳлар ови», «Сув ҳақида куй», «Улоқ», «Янги ҳаёт тонги» монументи. Қашқадарё вилоят мусиқали драма ва комедия театри фойесида яратилган «Кашмир қўшиғи» асари, Ўзбекистон санаторийсидаги «Наврўз байрами» ҳамда Хўжанд вилояти Чкалов шаҳридаги янги ўрта мактаб деворига муҳрланган «Олтин аср», «Олтин рус», «Бошланиш» каби турли мавзуларда яратилган монументларининг ҳар бири ҳақида йирик илмий тадқиқотлар олиб бориш мумкин ва бу ишнинг фурсати етди, деб ўйлаймиз. Буёғи энди мутахассисларнинг иши...

Деворга монументал санъат асарлари яратишни мукаммал эгаллаб бораётган истеъдодли рассом Шарқ ва Ғарб тасвирий санъатлари кесишган нуқталарни маҳорат билан кашф этмоқда. У ўз асарларида икки тафаккур дунёси, икки руҳий оламнинг юксак ва ўлмас манзараларини яратишга интилмоқда. Шу боис унинг ҳар бир асари шарқликлар ва ғарбликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўтган йили Бельгиянинг Бэрзель шаҳри телерадио биноси деворига шаҳарнинг 800 йиллик тарихига бағишлаб гўзал асар ишлади. Бу йил эса шу шаҳарда Ўрта Осиё галереясини очиб келди. Бу маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Энди навбатдаги ижодий сафар Америкага...

Рассомнинг Ҳамза номидаги Қўқон давлат мусиқали драма театри фойесига ишлаган «Ўзбек театри тарихи ва тараққиёти» асари теран мавзуси ва кенг кўламли жиҳатидан ажралиб туради. Монумент уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида қадим Шарқ дунёсининг санъати, маданияти, маънавий тафаккур олами турли қиёфалар ва манзаралар орқали очиб берилган. Унда Шарқнинг гўзал либослари, миллий сайллари, ўзига хос қизғин томошалари табиий ифодасини топган. Турфа гуллар, дарахтлар билан қопланган ямяшил водийда дилбар қизлар от миниб сайр қилиб юрибди. Уларда кийинишларидан тортиб киприк қоқишларигача юксак маданият белгилари акс этиб турибди. Бу ҳолатни нозик бармоқлари билан арфа чалаётган қизлар қиёфасида ҳам кўриш мумкин. Раққосаларнинг ҳаракатларида сокинлик, нафосат ва ҳаё бор. Уларнинг кийимлари, сочбандлари шу қадар гўзал, хушбичим ва ранг-барангки, бу Шарқ аёлларининг ҳаёси, иффати ва маданияти нақадар юксаклигини кўрсатади. Бу қисмда қўғирчоқбозлик, қизиқчилик, турли томошалар ва меъморлик каби санъатларнинг асл ватани Шарқ эканлиги ёрқин ифодаланган. Суратларда барча тоифа инсонларнинг, мартабаларидан қатъий назар, тенг эканлиги маҳорат билан кўрсатилган. Айнан шу нуқталарда ҳаётнинг асл моҳияти томоша эканлигини тушуниб етасиз. Ва беихтиёр ўткинчи умрнинг майда-чуйда ташвишларига уруш-жанжалларига, ғийбату ҳасадларига қўл силтайсиз. Олисларга учаётган қушлар каби руҳингиз юксакларга парвоз қила бошлайди. Юрагингиз зилол сувли ҳовузчада сузаётган ўрдак, ғоз, оққуш болалари сингари завқдан чарх уради. Мутолаа қилаётган йигит гўё Шарқнинг дарду қувончлари, ҳайрату изтироблари ёзилган китобни қайта-қайта ўқиётир. Шунда вужудинг билан суратлар дунёсига сингиб кетасан, бир лаҳза бўлса-да ўзингни унутасан. Ва рассом кашф этган, юксак истеъдод билан тасвирлаган Шарққа қайтгинг келаверади, келаверади, келаверади...

Онагинам, онажоним Шарқ,
Асл томир, асл қоним Шарқ,
Нега сендан олислаб кетдик?

Эътиқодим, чин имоним Шарқ.

Деворий суратнинг иккинчи қисмида Оврупо санъати тасвир этилган. У жаҳон халқларининг турфа санъатлари билан омухта бўлиб кетган ҳолатда ифодаланган. Ўртада оппоқ либосга бурканган, беғубор илҳом париси. Унинг атрофида кўзларида ҳайрат билан уд чалаётган араб. Рақсга шай турган миллий кийимдаги ҳинд, испан, хитой ва ғарбнинг бошқа халқлари санъатидан намуналар йиғилган. Уларнинг ҳар бири ранглар қудрати туфайли табиий ифодасини топган. Икки томонда эса масхарабозлар сурати. Улардан бири бошига эчки ниқобини кийиб олган, бўйнига қўғирчоқлар осилган, қўлидаги узун таёғига тўтиқуш қўниб турибди. Бу манзаралар ҳаётнинг томошадан иборатлигини яна бир карра таъкидлайди.

Асарнинг учинчи қисмида инқилоб йилларидаги Ўзбекистоннинг зиддиятли даври Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий образи орқали очиб берилган. Унда икки ҳолатда турган Ҳамзани кўрамиз. Биринчисида қўлига дутор ушлаган Ҳамзанинг ёнида янги ташкил топган ижодий труппа. Чолғучиларнинг қўлларида эса кларнет, барабан ва пуфлаб чалинадиган оврупо чолғулари. Уларнинг ранг-рўйларида безовталик ва бегоналик. Асарнинг Шарқ қисмида тасвирланган зилол сувли ҳовузчада энди олов ёнаяпти. Оловга биринкетин паранжилар ташланмоқда. Қип-қизил ва сариғиш рангларда тасвирланган олов паранжисини ташлаган аёлнинг юзларини ёндирмоқда. Гўё паранжига қўшилиб унинг ибоси ва ҳаёси ҳам ёниб кетаётгандек... Иккинчи аёл қўлларидаги паранжини оловга ташлашга иккиланиб турибди. Унинг кўзларида инқилоб ва озодликнинг сўнгсиз изтироблари... Паранжи ёқиш тасвири фонида чиройли сўзана осиғлиқ. Сўзананинг кашталари шу қадар чиройлики, тикувчининг маҳоратига таҳсин айтасан.

Иккинчи томондаги Ҳамзанинг қўлида скрипка ва нота дафтари. Унинг кийимлари ҳам ўзгарган. Ёнида эса Шўро даври кишилари: яъни, сочлари қирқилган, турмакланган аёллар, ёш қизлар, болалар. Уларнинг нималаргадир ишонч боғлаган нигоҳлари Ҳамзада. Орқа планда отлиқ қизил аскарлар тасвирланган. Отлар безовта, аскарлар нигоҳи қаҳрли ва совуқ. Бу кўринишда ўлкамизга Ғарб маданияти ва санъатининг дадил кириб келишида Ҳамзанинг вазифаси нақадар юксак бўлганлиги ранглар воситасида равшан тасвирланган. Фонда улкан тоғлар, ҳайбатли чўққилар, қадим дарахтларнинг йўғон шохлари ва Шарқ меъморлигининг юксак намунаси сифатида чор устун чизилган. Устунлар орасидан салобатли лайлак Шарқ томонга шитоб билан учаётир. Унинг бир қаноти юқорига кўтарилган, иккинчисч пастга тушган, фақат унинг учлари кўринади, холос. Лайлак эса Шарққа, ўзи ва ўзлигига томон учаётган инсон каби қанот қоқаётир...

Ён томондаги бўлак тасвирда бир қанча ниқобларни кўтариб олган ва бошида аланга нурлари ўйнаётган мўйсафид шодон қиёфада чорбурчак ёғочдан ўтиб, ҳаёт саҳнасига қадам ташламоқда. Хизр бобони эслатувчи бу нуроний чол одамларни ҳаёт томошаларига чорламоқда...

Албатта, кичик бир мақолада бу ерда қилинган улкан ижодий ишларга батафсил тўхташ имконимиз йўқ. Шу боис ҳам театр биноси ва унда яратилган деворий санъат асари ҳақида қўқонликларнинг айрим фикрларини келтиришни лозим топдик.

Азимжон АЗИЗОВ, театр бош режиссёри: — Қўқонда бундай ажойиб театр биносининг қурилиши ва безалиши асримизнинг ҳақиқий мўъжизасидир. Уни шубҳасиз, Шарқ ва Ғарб меъморлик, монумент санъатининг уйғунлашган юксак намунаси деса бўлади. Бу ишда меъморлардан Серго Сутягин, Мурод Фозилов талантига таъзим қиламиз. Халқ устаси Саминжон Мўйдинов меҳр билан ишлаган ўймакор эшикларни кўриб, ҳайратга тушамиз.

Насруллохон АҲМЕДОВ, Қўқон шаҳар ижроия қўмитаси биринчи муовини: — Театр ва музей деворларига ишланган суратлар томошабинларни замондан ўтмишга, олис тарихдан бугунги мураккаб кунларга ошно қилади. Ўзини, ўзлигини, тарихини билишга, маданий мерос илдизларини чуқур англашга даъват этади. Мен бу ижодий гуруҳнинг бетакрор санъатини Навоий мукофотига лойиқ деб биламан.

Ҳабибулла САИД ҒАНИ, шоир: — Театрда яратилган бу ўлмас асар Қўқоннинг ёшини яна узайтирди. Шу боис ҳам уларни қўқонликларнинг дуоси қўллайди...

ХУЛЛАС, ТЕАТР ВА УНИНГ ёнида қад ростлаган Ҳамза музейи бинолари ижодий гуруҳи Ўзбекистон ССР Меъморлар уюшмаси томонидан Навоий номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган. Бажарилган иш ва унинг ўзига хослиги, тасвирларнинг тиниқлиги ҳали кўплаб авлодларни ҳайратга солади, ҳали кўплаб лайлакларни Шарққа қайтаради. Шу боис бу мажмуа ҳар жиҳатдан мукофотга лойиқ.

Ашурали ЖУРАЕВ

ИШҚИ ТУШГАН ЭДИ

СУРНАЙЧИ АҲМАДЖОН ҲОЖИБОЕВ СИИМОСИ ЧИЗГИЛАРИ

Жамоатчилик ўртасида ўтказилаётган турли хил тадбирларни карнай садоси-ю, сурнай навосисиз тасаввур қилиш қийин. Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳозирда ана шу қўҳна санъат йўлини тутган ихлосмандларнинг сони бирмунча ошган. Иқтидорли созанда, ўз санъати билан бир неча хорижий юрт халқларини ром этган Аҳмаджон Ҳожибоев ҳозирги кунда ёш сурнайчиларнинг кўпига устоз ҳисобланади. Аслида бу созанданинг санъат йўлига кириб келишининг ўзи ҳам жуда қизиқ...

Кўкчалик оддий деҳқон Абдураҳим отанинг ўғли Аҳмаджоннинг ишқи чилдирмага тушди.

Лекин, турмуш экан. Аҳмаджон доирани ҳам, кейинчалик ўрганган карнай чалишни ҳам ташлаб, 1971 йилгача қурилишда оддий ғишт терувчи бўлиб ишлади.

— 1969 йилнинг 6 июнь куни уйландим, — деб ҳикоя қилади Аҳмаджон ака. — Тўйимиз ўтганига бир ҳафта бўлганди чамамда, кечаси туш кўрибман. Тушимда оппоқ соқолли чоллар ярим ой шаклида ўтиришар, давранинг ўртасида эса мен кўзимни юмиб олиб, сурнай чалардим. Кўзимни очсам, чолларнинг ҳаммаси йиғлаб ўтиришарди. Буни кўриб кўзимни яна юмиб олибман. Куйни тугатиб, кўзимни очсам, ҳалиги чоллар: «Ўғлим, қўлингни оч-чи, бир дуо ўқиб қўяйлик», дейишди-да фотиҳа қилиб, қўлларини юзларига тортишди. Уйқусираб кўзимни очсам, келинойингиз тепамда йиғлаб ўтирибди. «Тинчликми?» — деб сўрасам, ундан баттар йиғлаяпти. Кейинроқ билсам, кечаси билан оғзимда куй чалиб, куйни тугатгач, қўлимни юзимга тортиб фотиҳа ўқиганмишман. Буни кўриб ёш келинчак: «Тентакроқ йигитга турмушга чиқипман, шекилли», деб уввос солиб йиғлайверибди... Шундай қилиб, умримда илк бор сурнай «чалдим». Ўшандан уч кун ўтгач, ўнгимда ҳам сурнай чалдим. Устозим Давлатилла ака билан бешик тўйига бордик. Тўй эгаси тўқсонга кирган отахон эварасига бешик олаётган экан. Ўша чол сурнайда бир куй чалиб беришимни сўради. Илгарилари ҳеч қачон сурнай чалмаганим учун, аввалига сурнайни қўлимга олишдан чўчидим. Кейин тушимда кўрган воқеа кўзим олдига келди. Шундан сўнг сурнайни олиб «Уйғон, болам» куйини чалиб бўлиб, кўзимни очдим. Устозим ва ҳалиги отахон куйга маст бўлиб ўтиришарди. Шунда устозим: «Илгари ҳам сурнай чалганмидинг», деб сўраб қолдилар. Мен эса тушимда кўрганларимни айтиб бердим. Воқеани эшитишгач, отахон қўлини очиб дуо қилди...

Шу-шу бўлди-ю, Аҳмаджон ака сурнай чалиш устасига айланди. У кишида ҳақиқий талант соҳибига хос хислатларнинг барчаси мужассам.

Аҳмаджон Ҳожибоевнинг майин наволарини кўпгина хорижий мамлакатларда эшитишган дедик. Дарҳақиқат шундай. У 1986 йили Болгарияда «Олтин Орфей» фестивалида, 1988 йили Ҳиндистоннинг Утсав фестивалида иштирок этиб, ҳинд ўлкасининг бир неча шаҳарларида ўз санъатини намойиш этган.

Аҳмаджон акани пири бадавлат отахон дедик. Тинчтотув оилада ҳозирги кунда ўн бир фарзанд катта бўлмоқда. Халқимизда «Фарзанд ризқи билан келади» деган нақл бор. Аҳмаджон аканинг ўн биринчи фарзанди Гулбаҳор бундан бир ой муқаддам дунёга келди.

Аҳмаджон ака Ҳожибоев мана бир неча йилдирки, Киров ноҳиясидаги Фурқат маданият уйида ёш созандаларга санъат сирларини ўргатмоқда. Ўтган ўн йил давомида у 20 дан ортиқ шогирд тарбиялади.

«Сурнай навоси инсонга жон ато этган» дейишгани бежиз эмас. Аҳмаджон ака сурнай чалганда мухлис албатта ҳузур қилади. Бу наволарни файз, тароват ҳеч қачон тарк этмагай.

Дилшод ЖАЛОЛОВ

СУРАТДА: Аҳмаджон ака Ҳожибоев.

Алексей ЖДАНОВ суратга олган

ВАТАНГА МУҲАББАТ МАДҲИ

Маннон Ўйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти бадиий факультетида мусаввирлар Раҳим Аҳмедов ва Неъмат Қўзибоев раҳбарлигидаги битирувчиларнинг диплом ишларининг ҳимоялари бўлиб ўтди.

Ёш ижодкорлардаги ватанпарварлик, она ўлкага, унинг кишиларига, ўз миллий маданиятига, адабиёти ва санъатига чексиз муҳаббат ҳимоя ишларининг энг яхшиларига хос хусусиятдир. Буни Бахтиёр Ҳамрохўжаевнинг «Кечки ўйлар», Иброҳим Валихўжаевнинг «Наманган бозори» (раҳбари Р. Аҳмедов), Равшан Пирматовнинг «Колхозчи аёллар», Фирдавс Файзуллаевнинг «Она ўйлари» (раҳбари Н. Қўзибоев) каби асарларида яққол сезиш мумкин.

Ёш ижодкорларнинг мавзу қамрови шулар билангина чекланмайди. Масалан, Фахриддин Паттоҳовнинг диплом ишига (раҳбари Н. Қўзибоев) Орол районидаги танг экологик вазият, Орол атрофида яшовчи одамларнинг фожиали тақдири мавзу бўлган. Озода Қулматованинг туркум асари «Ҳисор фожиаси» деб номланган. Тожикистоннинг Ҳисор районидаги табиий офат оқибатлари акс этган бу асарлардаги бадиий ютуқ Давлат имтиҳон комиссияси томонидан юқори баҳоланиб, кейинги йил бўладиган Бутунитифоқ диплом ишлари кўргазмасига тавсия этилди. Владислав Барабановнинг (раҳбари Н. Қўзибоев) «Афғонистон» асари афғон уруши қурбонларига бағишланган. Ҳайитмурод Шерназаров (Р. Аҳмедовнинг шогирди) ўзининг «Бекат» картинасида ижоднинг мустақил йўли ҳақида фикр юритади. Умуман, Ленинграддаги И. Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институти профессори И. Пентешин раҳбарлигидаги Давлат имтиҳон комиссияси талабалар ишидаги юксак касбий маҳоратни алоҳида қайд этиб ўтди.

Р. ТОҚТОШ, санъатшунослик докторн

«ОРЗУ»НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Пайариқ районидаги пионер ва ўқувчилар уйи қошида «Орзу» ансамбли ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ансамбль нафақат районда, балки вилоятимизда ҳам танилиб бормоқда. Яқинда «Орзу» қатнашчилари Новгород шаҳрида бўлиб қайтдилар. Уларни Пулково тайёрагоҳида новгородликлар нон, туз билан илиқ кутиб олдилар. Улар бир ҳафта мобайнида Новгород районида ва вилоятининг халқ этнографик фольклор байрамида ўзларининг катта байрам программалари билан қатнашдилар. Шунингдек, кўпгина колхоз ва совхозларда маҳоратларини намойиш этдилар.

Болалар Новгород шаҳрининг зътиборга сазовор жойларини, музей ва тарихий обидаларини томоша қилиб, ўз шаҳарларига катта таассуротлар билан қайтдилар.

МЕҲРИБОНЛИК

Халқимиз азалдан турли сайр-томошаларга, сайилларга ўч. Қаерда уч-тўрт одам тўпланиб, аския, қизиқчилик, шеърхонлик бошланса, ўша жойда катта давра бунёд бўлиши турган гап. Шу сабабми, ишқилиб, бизда турли кўрик-конкурслар катта қизиқиш билан кузатиб борилади. Айниқса, кейинги йилларда бундай тадбирлар кўплаб ўтказилмоқда. Муҳими шундаки, бу тадбирларнинг кўпи унутилиб кетаёзган маданий меросимизни қайта жонлантиришга, мавжудларининг эса такомиллашувига хизмат қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхшиқу-я, лекин биз кўпинча ана шундай кўрик-конкурсларнинг ташкилотчилари, уларни уюштириб, юқори савияда ўтишини таъминловчилар ҳақида кам гапирамиз. Очиғи, уларни деярли эсламаймиз ҳам. Ҳозир мен газетхонларимизга таништирмоқчи бўлган одам ана шундай кўп сонли заҳматкашларнинг бири Ўткир ака Тоҳировдир. Кўпчилик бу одамни яхши танийди, десам янглишмасам керак. Чунки у деярли 30 йилдан буён маданият муассасаларида фаолият кўрсатиб, кўплаб тадбирларни ўтказишда бош-қош бўлиб келмоқда.



Ў. Тоҳиров дастлабки фаолиятини маданият уйида тўгарак раҳбарлигидан бошлаган. Кейинчалик шу ерда бадиий раҳбар бўлиб ишлади. 1965 йили Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғига инструктор бўлиб ўтди. Шу орада Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини тугатди. Кейин Пушкин номидаги боғ директори сифатида анча самарали фаолият кўрсатди. С. Раҳимов район маданият уйи бошлиғи ва «Ёш гвардия» драма театри директори лавозимларида ишлади. 1980 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон Маданият вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази раҳбарининг муовини лавозимида ишлаб келмоқда. Кўриб турганингиздек, у киши ҳамиша маданиятнинг қизғин ўчоқларида фаолият кўрсатиб келган. Ўткир аканинг маданиятни тарғиб-ташвиқ этиш ишларига бунчалик меҳр қўйганининг сабаби билан қизиққанимизда шу нарса маълум бўлдики, бунда оналарининг ҳиссалари катта бўлган экан.

— Онамиз ўз фаолиятларини ҳозирги Охунбобоев номидаги маданият уйи хотин-қизлар клубида бошлаган эканлар,— деди у.— Ана шу клубдаги ва ундан кейинги фаолиятларининг бевосита гувоҳи бўлганман. Ўша пайтларда менда ҳам маданий-маърифий ишларга майл уйғонган.

— Ўткир ака айтинг-чи, илгариги маданият уйлари билан ҳозирги маданият уйлари ходимлари фаолияти орасида фарқ борми?— дея сўрайман ундан.

— Очиғи, олдинги пайтда моддий манфаатдорликдан кўра, маънавий манфаатдорлик устун турарди, Маҳалла-маҳалла юриб, тадбирлар ўтказардик. Эринмасдик. Назаримда, ўша пайтларда маданият ходимларида ўз ишига ниҳоятда фидойилик, мақсадга етишда собитлик хислатлари устун турарди. Тўғри, ҳозирги давр талабларига нисбатан маданият ходимларининг маоши жуда оз. Шунингдек, маданий-маърифий муассасалар иши ўзининг аниқ ечимини тополгани йўқ. Лекин бошқа соҳаларда бўлгани каби бизнинг соҳамизда ҳам маълум ижобий ўзгаришлар бошланган. Ҳар ҳолда, умид қилишга арзигулик силжишлар бор.

— Фаолиятингизнинг кўп қисми боғлар билан боғлиқ бўлган экан. Шунинг учун кишиларнинг маънавий камолотида ана шу умумжамоатчилик оромгоҳларининг ўрни ҳақида тўхталсангиз.

— Маданий-маърифий ишларимиз тараққиётида боғлар алоҳида ўрин тутади. Пушкин номидаги боғ директори бўлиб ишлаганимда шунга амин бўлдимки, ҳар бир тадбир қанчалик мазмунли, чиройли уюштирилса, унинг самараси шунчалик юқори бўлади. Айниқса, миллий урф-одатларимиз тарғиботига алоҳида аҳамият бериш лозим. Айтайлик, Пушкин номидаги боғда чойхона ташкил этилиб, у ерда ҳар душанба куни санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилиши халққа ғоят манзур бўлди. Афсуски, бу чойхона тарқаб кетди. Ҳозир Горький номидаги боғда шу маънода маълум ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Наврўз байрами ўзига хос нишонланди. Қовун сайлининг ташкил этилиши кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, Меҳржон байрамининг нишонланиши катта воқеа бўлди. Билол Аминов ва боғ директори Собит Маматов билан ҳамкорликда узум сайли ўтказдик. Хуллас, унутилиб кетаёзган байрамларимиз қайта тикланди. Бошқа боғларда ҳам бу каби тадбирларни оммалаштириш лозим.

— Бугунги кунда кўрик-конкурслар сони ниҳоятда кўп. Сизнингча, буларнинг асосий аҳамияти нимада?

— Тўғри, кўриклар сони кўпайиб кетди. Лекин уларнинг мазмуни ва шакли ҳам ранг-баранг-да. Шунинг учун ҳар бир кўрикнинг маданиятимиз тараққиётида ўз ўрни бор, деб ўйлайман. Масалан, катта ашула конкурси ўтказилгандан сўнг Абдуносир Абдуллаев раҳбарлигида катта ашула мактаби очилди. Биринчи аския конкурси 1966 йили ўтказилганди. Орада бир қанча муддат ўтказилмай қолиб кетди. Шунингдек, қизиқчилар ажралиб қолди. Мана шуни назарда тутиб, ҳар икки йилда бир марта аския ва қизиқчилар конкурсини ўтказишга қарор қилинди. Ҳозир Қўқонда Йўлдошхон Носиров бошчилигида Аския клуби фаолият кўрсатиб келяпти.

Муҳим ютуқларимиздан бири — деярли йўқ бўлиш арафасида турган лапар жанрининг тикланиши бўлди. Лапар ижрочилари конкурсида 20 га яқин лапарчини аниқладик. Уларнинг ҳаммасини жамлаб, Тошкентда сиртқи студия очмоқчимиз. Маҳом ижрочилари конкурсининг ҳар йили ўтказилиши ҳам миллий маданиятимиз дурдоналарининг авлодлар оша сақланиб қолишида, янги номларнинг кашф этилишида муҳим ўрин тутади. Хуллас, халқ ижоди бобидаги кўрикларимиз қанчалик кўп, мазмундор, ранг-баранг бўлса, ёшларимиз учун шунчалик жиддий сабоқлар бераверади.

Ўткир ака ҳақ гапни айтдилар. Чунки узоққа бормай, куни-кеча ўтказилган жумҳурият алла ижрочилари кўриги ҳам бу фикрнинг ҳақлигини исботлаб берди. Кўриздаги ўзига хос нафосат, самимиятни кўриб, ўзбек аёлининг бағри кенг, доно, меҳрибонлигини намойиш этган бу анжуман ташкилотчилари орасида ўзи ҳам борлигидан Ўткир аканинг боши осмонга етган бўлса ажаб эмас. Зеро, у бунга ҳақли. Ўткир Тоҳиров бутун фаолиятини меҳнаткаш, санъатсевар халқимиз истеъдодини рўёбга чиқаришга, миллий маданиятимиз дурдоналарининг авлоддан авлодга ўтишини таъминлашга ҳисса қўшиш ниятида заҳмат чекаётганларнинг биридир. Бугунги кунда 50 йиллик қутлуғ ёшини нишонлаётган бу самимий инсонга ўзи меҳр қўйган фаолиятида янги ривожлар тилаб қоламиз.

Гулчеҳра УМАРОВА

Кутлаймиз!

«УЛУШ»НИНГ ЖОНЛИ ТАСВИРЛАРИ

Республика телевидениеси кўрсатувлари орасида томошабинларга манзур бўладиган жонли чиқишлар бўлаётганлиги қувончлидир. Ана шундай кўрсатувлардан бири 22 июль куни намойиш этилган «Президент фармонлари амалда» рукни остида берилган «Улуш» видеофильми бўлди. Фильмда жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг сўнгги йилларда қабул қилган меҳнаткашларга томорқа, уй-жой ажратиш ҳақидаги фармонларининг бажарилиши қандай бораётганлиги таҳлил этилган. Унда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида фармонларнинг ижроси қандай натижалар бераётганлиги жонли мисоллар орқали кўрсатилган. Масалан, Бухоро вилоятининг Пешку, Шофиркон ва Свердлов районларида ташкил этилган фермер хўжаликларининг иши диққатга сазовордир. Қашқадарё вилояти Косон районидаги тасвирлар ҳам табиийлиги билан ажралиб туради. Бу ерда чўл бағрида фермер хўжаликларининг ташкил этилаётгани яхши. Бир сўз билан айтганда, кўрсатувда ўзбек деҳқонининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ва тажрибалари унинг тинимсиз меҳнати орқали тасвир этилган.

Мазкур кўрсатув муаллифи ва суҳбатдош таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст. Унинг кўрсатувни табиий ва жонли олиб борганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ахир, бизда ҳам ҳақиқий ўзбекча талаффуз билан жонли кўрсатувлар тайёрласа бўларкан-ку. Айни пайтда кўрсатув муаллифи томонидан Президент фармонларининг бажарилишида ўрта бўғин раҳбарларининг сусткашликка йўл қўяётганлиги жуда тўғри таъкидланди. Муаллиф айтганидек: «Улар гўё катталикдан тушиб қоладилар».

Ҳақиқатан ҳам деҳқонга фармонда кўрсатилган миқдорда ер берилса у ўзини ҳам, элни ҳам боқади. Фақат яхши фармонларга кенг йўл очиш керак. Яна бир тилак: телевидение томошабинга манзур бундай кўрсатувларни тез-тез намойиш этиб турса.

А. ОЧИЛОВ

ОЛТИН КАЛИТ

доишмий ҳамроҳ

«Темур тузуклари» бир маротаба ўқиб, сўнг ташлаб қўйиладиган кераксиз китоб эмас экан. У мамлакатларни тасарруф қилиш, урушлар олиб бориш ҳақида фақат подшоҳлар ва амирзодалар ўқийдиган китоб бўлмай халқнинг барча қатламлари ўқиса, бир наф кўрадиган, халқнинг ақлига ақл қўшадиган ҳаёт дарслиги ҳам экан.

Ҳеч нарсага қарамасдан мен бу китобни аввало инсон ҳақидаги китоб, инсон хусусидаги тузук дегим келади.

Бу китобнинг марказида бир улуғ инсон туради. У ўзининг барча инсонларга ва барча замонларга дахлдор ва нафдор тажрибаларидан ҳикоя қилади.

«Темур тузуклари» Шарқда бошқариш, яъни инсонлараро ва халқлараро муомала илми нақадар юксак даражада, буюк бир тажрибалар доирасида ишлаганидан дарак беради.

«Панчатантра ёки беш муқаддас китоб», «Арянкапарва ёки Ўрмонлар китоби», Конфуций ва Лао Цзи донишлари бошқариш ва инсонлараро муомала илмининг гавҳар тожлари ҳисобланади. Елкада икки хуржун олтин танга олиб юргандан кўра уларни ўқиган афзал. Булардан анча асрлар сўнг ислом дунёсида юзага келган «Сиёсатнома», «Қобуснома» сингари китоблар ҳам чакки эмас. Булар ҳам бошқариш илмининг қомуслари.

Амир Темурнинг тузуклари ҳам Шарқнинг ва умуман инсониятнинг шу буюк китоблари қаторида туради. Уларни тўлдиради. Улардан фарқланади.

Амир Темур тузуклари улардан ўта реализми билан ажралиб туради. Темур ўта реалист ҳукмдор бўлган. Унинг донишмандликлари бари тажрибаларда тўпилган, тажрибаларда синалган. Темур дунёнинг ўзигача бўлган ақл-дониш маҳсулларини ўз тажрибасида синаб кўрган. Минг йилларча шаклланган ҳикматларни ҳаётнинг синовидан ўтказган. Шу маънода уни дунё донишмандларининг энг иқтидорли шогирди деб аташ мумкин. Монтеннинг «Бадиалар»и, Карнегининг муомала санъати китобларини ўқиганмиз. Уларни «Темур тузуклари» билан солиштириб кўриш мумкин. У китоблар янглишмай яшашга ўргатади. Ҳаётга қуруқ қўл, бўш ақл билан эмас, тўлган, мағиздор ақл билан қуролланиб киришга даъват этади. «Темур тузуклари» ҳам ана шундай ақл билан қуроллантиради инсонни. Шунинг учун мен уни инсон ҳақидаги китоб дегим келади.

«Темур тузуклари»ни ўқигач, Амир Темурни ҳеч вақт идеаллаштириб бўлмаслигини англадим. Шундай, Темурни идеаллаштириб бўлмайди. Лекин шу билан бирга ундан ҳеч қачон юз ўгириб ҳам бўлмайди. Темурдан юз ўгириш аввало тарихдан юз ўгириш бўларди. Темурдан юз ўгириш, иккинчидан, буюк инсон тажрибаларидан юз ўгириш билан баробар.

Амир Темур қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ўттизга яқин мамлакатларни ўз ҳукмига бўйсундирди. Уларнинг ҳаммасида ўз тузуклари билан иш юритди.

Ўз-ўзидан равшанки, Темурнинг кўп ақидаларига ишониш ёки ишонмаслик, қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин. Ҳар бир улуғ ҳукмдор ўз забткорлик сиёсатини нима биландир оқлашга зўр берган. Петр Биринчи дengизларга чиқишим керак, деган ақида билан ўзидан кучсиз барча халқларнинг ерларини ўзлаштириш сиёсатини тутган. Амир Темур эса «дину шариатни янгилаш ва унга ривож бериш» шиори билан бошқа мамлакатлар устига юрган. Шу эътиқод бошқа мамлакатларни забт этиш учун етарлича асос бўла оладими, биз ҳозир бунга шубҳа билан қараймиз. Лекин Темурнинг ўзи бунга теран ишонганмикан? Подшоҳ бўлгач, у ўзга мамлакатларни забт этиши керак, деган жуда эски ақида ундан кўра кучлироқ бўлмаганмикан? Лекин ҳар қалай мамлакатларни эгаллашда ва уларни бошқаришда «шариатни янгилаш ва унга ривож бериш» шиори унга жуда катта қулайлик ва енгиллик берганлиги тайин. Бу шиор унинг виждонини турли инсоний қийноқлардан қутқарган. Темурнинг эътиқодини биз бугун шубҳа остига олишга ҳақимиз йўқ. Эҳтимол, Темур бу шиорсиз ҳам ўз жанговар юришларида зафарлар қозонаверган бўларди. Лекин унда унинг оддий босқинчидан фарқи қолмасди.

Юқорида биз тажриба ҳақида андак тўхталдик. Амир Темур том маънодаги тажриба кишиси эди. У ўз тажрибасидан ўтказган ва донишмандлар айтиб ўтган гапларгагина ишонарди. Дин ва шариатга ривож бериш фикри ҳам унга тажриба орқали етиб келди. Бу ҳақда унинг ўзи ажойиб гуноҳлик беради: «Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги — тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим».

Бундан кўринадики, шариатга қувват бериш ва уни янгилаш Темур учун баҳонагина эмасди. У динни давлатнинг асоси деб ишонади. Буни тажрибасидан ўтказган. Салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиб-интизомини у билан чамбарчас боғлайди.

Темур шариатга, ислом аҳкомларига ва ўзи инсоний тажрибалари асосида тузган тўра-тузукка жуда қаттиқ амал қилган шахс. Мен «Темур тузуклари»ни ўқиб шундай хулосага келдимки, Темур бобомиз аслан олганда нодир ақл қудратига эга геометрга ўхшар эканлар. У зот салтанатлар ҳаракатланадиган излар ва йўлларни миридан-сиригача ишлаб чиққанлар. Ўз салтанатида яшовчи кишиларнинг ҳуқуқлари системасини яратганлар. Жамиятни осмондаги буржлар каби ўн икки тоифага тақсимлаганлар ва шу ўн икки тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, бурчларини мукаммал чизиб чиққанлар.

Амир Темур ҳуқуқ яратувчи ва ҳуқуқларга ўзи қаттиқ риоя қилувчи нодир зот.

Биз ҳуқуқсизлик фожиаларини бошимиздан кечирдик. Ҳуқуқларга риоя қилмаслик фожиаларини ҳамон бошимиздан кечириб турибмиз. Ҳуқуқий давлат ва жамият тузишга бел боғладик.

Темур эса ҳуқуқсиз одам яланғоч бўлиб қолишини, ҳуқуқсиз давлат эса томсиз уйга ўхшашини ўша даврдаёқ теран англаб етган эди.

У ўз ҳукмронлигининг ҳар бир дақиқасида ўзи яратган ҳақ-ҳуқуқлар доирасига қатъий амал қилди. Мамлакатлар ва уларнинг раиятларидан ҳам шуни талаб қилди.

Тарихда инсон ҳақ-ҳуқуқларига бунчалар кескин ва оғишмай амал қилган ва уларни амалга оширган бундай подшоҳлар ғоят саноқлидир.

Темур тўра ва тузукларининг асосида адолат ётади. Улар моҳият эътибори билан зулмга ва золимликка қарши тузилган тузукларидир. Темур тузуклари ва тўралари оддий инсонни зулм, зулмкорликнинг барча турларидан ҳимоя ва муҳофаза қилади. Темур ўз давлатини одамни ҳимоя ва муҳофаза этадиган давлатга айлантирди. У ўз тузукларининг қудрати ва ҳаётийлигини кўп халқлар, мамлакатлар тақдирида синаб кўрди. Темур тузуклари инсонни турли ноҳақликлардан иҳоталай олган қодир тузуклар эди. У ҳар бир одамнинг қадр-қимматини назарда тутади ва эътиборга олади. Бу тузукларга кўра ҳеч ким жамиятда ўзини хўрланган ва ҳақоратланган деб сезмайди. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини риоя қилиш юзасидан ўз даври учун ғоятда илғор бўлган бу тўра ва тузуклар нечукдир кейинги замонларда жаҳолатли қирғинларда қонга ботди. Халқлар ва мамлакатларни бирлаштирган бу тузукларга ўша халқлар ҳам, мамлакатлар ҳам муносиб бўлолмадилар. Баҳший хоҳишлар маъруф тузуклар устидан ғолиб чиқди. Бу Темур тузукларининг фожиаси эди.

Дунёда яхши амаллар қилиб яшаш учун ҳикматли сўзлар, адолатли тузуклар етарли. Лекин инсоният фожиали тарзда ўша сўзларга ва тузукларга амал қилмай боради. Манфаатлар хурушга ва хуружга кирганда, тузуклар унутилади ва бир чеккага улоқтириб ташланади. Фикр илғор. Одамзод ожиз...

Ҳар қалай фикрларнинг фожиали тарихларини ўрганиш ва сабоқ олиш нақадар мароқли.

Биз ҳозирги замон ўқувчилари ўзбек тилида «Темур тузуклари» билан бизни ошно қилган марҳум устод Алихон Соғунийдан, унинг илк таржимасига ислоҳлар киритиб, зўр меҳнат қилган ёш тадқиқотчи Ҳабибулло Кароматовдан, шу муҳташам китобда зарур маслаҳатлари ва теран илмий сўзи билан иштирок этган йирик аллома Бўривой Аҳмедовдан, «Шарқ юлдузи» журнали ва Ғафур Ғулом номидаги матбаа бирлашмасидан беҳад миннатдормиз.

Темур тузукларининг мазмуни ва моҳияти Темур тарихига доир бошқа жуда кўплаб қимматли асарларнинг бирин-сирин нашр қилиниши заминида янада кенгроқ очилади.

Бу тузуклар Темур яратган улуғвор тарих саҳифалари учун олтин калит. Бу калит қайси эшиклар ва дарвозаларга тушади — келажак кўрсатади.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай бажарилмоқда?

КЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳар қандай адолатсизликни кўрмаганга олиш мумкин, лекин ундан кўз юмиб бўлмайди. Файласуфлар фикрича, адолат барча тушунчалар каби нисбийдир. Шундай экан, ким учундир адолатли кўринган иш, бошқа бировга адолатсиз бўлиб туюлиши мумкин. Адолат ва адолатсизликни фарқловчи маҳактош эса ҳақиқатдир. Яъни, адолат ҳақиқатнинг амалга ошишидир.

Давлат тили тўғрисидаги Қонун жумҳуриятимиз миқёсида чинакам воқеа бўлган эди. Лекин бизни орадан, мана, икки йил ўтиб ҳамон бир савол безовта қилади: адолат қарор топяптими, ҳақиқат юзага чиқяптими? Ҳа, лекин кўп ҳолларда гап-сўздан четроқда туриш учун. Ҳолбуки, тил — миллий бойлик, тил қаддини ростлаш, забун этилган миллийликни ҳам оёққа турғазишдир.

Лавҳалардаги номларга эътибор беринг. Булар Тошкент шаҳри — жумҳурият пойтахтининг маркази Инқилоб хиёбонидан таралган ҳамда унга ёндош кўчаларнинг номлари. Аммо ҳали ҳаммаси эмас. Инсоф билан айтганда, улар орасида сиз ҳар ҳолда Тошкентда юрганингизни эслатувчи учта кўча ҳам бор: Ҳамза, Ҳадича Сулаймонова, Хоразм кўчалари. Бўлмаса, туйқусдан шаҳар марказига келиб қолган, дейлик, хорижий меҳмон Россиянинг бирон шаҳрида юрган бўлсам керак деб ўйлаши ҳеч гап эмас.

Ҳа, ҳар қандай адолатсизликни кўрмаганга олиш мумкин, лекин ундан кўз юмиб бўлмайди. Ушбу танқидий лавҳамиздан мақсадимиз ҳам шаҳримиз мутасаддиларига мазкур ҳақиқатни яна бир бор эслатиб қўйишдир.

С. ҲАКИМ

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ЭЪТИБОРГА МОЛИК ТАДҚИҚОТ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ эл назарига тушган намуналари учун таъсис этилган Абдулла Авлоний номидаги мукофотга номзодлар орасида муаллифлар гуруҳи яратган «Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён» («Фан» нашриёти, 1989) китоби ҳам бор.

Китоб аввал нашр этилган «Ўзбек болалар адабиёти тарихи очерки» (1978), «Болалар адабиёти ва замонавийлик» (1981) монографияларининг мантиқий давоми. Бироқ у болалар адабиётининг айрим вакиллари ижодига бағишланган мақолалар мажмуасидан иборат эмас. Ёш авлод учун ёзишнинг заҳматини, бу адабиётнинг тараққиёт йўлларини, тажриба ва муваффақиятларини, ўринли ёки бесамар айтилган сўзини ўрганиш тўпламнинг асосий муддаоларидан бўлган.

Жаҳон адабиёти, қадимий маданиятли халқлар, жумладан, ўзбекларнинг болалар адабиёти тажрибалари шуни кўрсатадики, болалар адабиёти ҳам сўз санъати сифатида ҳаммабоп бўлмоғи лозим. Китобнинг барча бобларида ана шу нуқтаи назар ҳукмрон. «Ўзбек болалар адабиётининг специфик хусусиятлари» деб номланган илк боб болаликнинг «характер хусусиятларини, қизиқишларини, кишиларга, нарса ва ҳодисаларга муносабатларини синчковлик билан ўрганмоқ, ана шу жараённи болаларча ҳис этиш, идрок қилиш асосида улар манерасига мувофиқ бадиият синтезидан ўтказмоқ санъаткорлиги»ни тадқиқ этишга қаратилган.

Тадқиқотда муаллифлар ўзбек совет болалар адабиётининг тараққиёт йўлларини тўлалигича қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Шу боис унинг шаклланиш даври — 20-йиллардан ҳозирги кунгача бўлган натижаларини ўрганишга катта ўрин ажратилган. Ўзбек совет болалар адабиёти босиб ўтган йўл, катталар адабиёти ва адабиётшунослигининг анъанасига монанд, шартли равишда, даврлаштирилган. Барча даврлар кузатилар экан, аввало, болалар шеърияти, насри ва драматургияси ўрганилади. Ўрни-ўрни билан таржимачилик, кинодраматургия, болалар фольклорини йиғиш, адабий алоқа ва адабий таъсирнинг болалар адабиёти ривожидаги аҳамияти ҳам таъкидланади.

Ўзбек болалар адабиётининг 70 йиллик манзарасини намоён қилиш учун муаллифлар мақбул ифода тарзини топадилар. Халқимизга маълум-машҳур адиблар асарларининг фазилатлари ва улардаги тенденцияларни умумлаштириб хулосалашга интиладилар. Ҳамза, Элбек, Шокир Сулаймон, Султон Жўра, Зафар Диёр, Илёс Муслим, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулфия, Қуддус Муҳаммадий ва бошқалар ижодини ёритишда бу усулнинг яхши самара берганлигини сезиш қийин эмас. Болалар адабиётининг нисбатан кейинги даврларга мансуб ва ҳали ижоди қўлланмаларда деярли ёритилмаган вакилларининг ўзига хос овозларини эса чуқурроқ таърифлашга мойиллик аён бўлади. Чунончи, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Эргаш Раимов, Тоҳир Малик, Латиф Маҳмудов каби адибларнинг муайян асарларидаги ютуқ ва камчиликлар, услубий ўзига хосликлар шу тарзда ифодаланадики, бу ҳолни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Шоир ва ёзувчиларнинг ижодий йўсинларидаги ўзига хосликни холисона баҳолаш китобнинг муҳим фазилатларидандир. Бир-икки шеъри таҳлил этилган шоир Анвар Обиджон тўғрисидаги фикрни келтирамиз: «Шеърларини ўқиган шеърхон чумчуқнинг чақ-чақлаши, сигирнинг мў-мўлашида ҳам ёки гармоннинг ғитта-ғиттаси, элакнинг таппа-тупида ҳам маъно борлигини билади, шу тариқа, болани фикрлашга, табиат оламидаги овозлар, товушлар жозибасини ҳис қилишга ва уларга яширинган сеҳрли мусиқани туйишга ўргатади».

Маълумки, ўзбек болалар адабиёти танқидчилигининг ўз тарихи, долзарб масалалари, талай муаммолари бор. Ҳозирги илм толиблари айниқса инқилобдан кейинги бир неча ўн йилликларнинг бу соҳадаги ишлари бўйича муфассал маълумот ва яхши тасаввурга эга эмаслар. «Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён» китобининг сўнгги боби шу ҳақдадир. Унда 30-йиллардан 70-йилларгача бўлган даврдаги ўзбек болалар адабиёти танқидчилигига назар ташланади. Бобда мазкур давр бир неча босқичларга бўлиб ўрганилади. Турли йилларда болалар адабиёти соҳасида эришилган ютуқлар ва камчиликларга, уларга нисбатан танқидчиликнинг муносабатига баҳо берилади. Ўзбек болалар адабиётининг миллий адабий тажриба ва анъаналаридан, жаҳон ҳамда қардош халқлар адабиёти муваффақиятларидан озиқланиб келаётган, йиллар мобайнида жанрлари, мавзулари кўлами кенгайгани тўғри эътироф этилади. Айни чоғда, саёз, ғоявий-бадиий жиҳатдан сўз санъати талабларига жавоб бера олмайдиган асарлар яратилгани, гоҳида бундай асарларнинг ортиқча мақтовларга сазовор бўлгани ҳам таъкидланади. Зеро, тарихга айланган адабий саҳифалар ҳақида бугунги кундан туриб хулосалар чиқаришга интилиш баҳоларнинг холис, аниқ бўлишига, маънавиятимизни бойитишга ёрдам беради. «Даврнинг муҳим масалаларини илғай олмаслик, конфликтни тўғри топа билмаслик, — деб ёзилади бу қисмда, — бадиий асарнинг ҳаққонийлигига ҳам путур етказади. Ҳаққонийлик фақат даврнинг муҳим масалаларини акс эттиришдангина иборат эмас. Ҳаққонийликнинг бағри кенг. У мана шу муҳим масалаларни бадиий инкишоф қилишда ижодкор нуқтаи назари, воқеликка актив муносабатини ҳам тақозо қилади».

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА сўз санъатининг, адабиёт назариясининг айрим-айрим соҳаларига бағишланган дарслик, қўлланма ва дастурларни янгилашга бўлган эҳтиёжнинг кучли экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозиргача муайян соҳа тарихини, чунончи, болалар адабиётимиз тараққиёт йўлини қамраб олиб, бу хусусда яхши тасаввур берадиган қўлланмаларсиз иш кўришга ҳам тўғри келди. Ҳолбуки, тегишли қўлланмаларсиз етук мутахассислар етиштириб бўлмайди.

«Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён» китоби камчиликлардан холи эмас. Масалан, инқилобдан олдин бу соҳада мавжуд бўлган ютуқларимиз, афзалликларимизнинг бевосита ёки бавосита талқинига эҳтиёж сезилади. Ҳозирги нуқтаи назаримизга номуносиб мулоҳазалар ҳам учрайди. Аммо у ўзбек болалар адабиёти тарихини илмий-педагогик жиҳатдан кенг тадқиқ этишга қаратилган илк монография-қўлланмалардан бири сифатида эътиборга лойиқ. Китобнинг Абдулла Авлоний номидаги мукофотга тавсия этилиши ўринлидир.

Н. МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор,

Т. ШЕРМУРОДОВ,
филология фанлари номзоди

ЯНГИ НАШРЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ»

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимизнинг экологик фожиалар юз бермаётган бирор вилояти ёки тумани, шаҳар ёки қишлоғи йўқ, десак янглишмаймиз. Жумҳурият Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг жумҳурият кенгаши эса бор эди. Бироқ бу ташкилотларнинг қандай ишларни рўёбга чиқараётганини билмасдик. Энди бундай имконият пайдо бўлмоқда. Мазкур икки ташкилот муассис бўлиб Ўзбекистонда янги нашр — «Ўзбекистон табиати» ҳафталиги таъсис этилди. Яқинда, шу йилнинг 15 июлида ЎзССР давлат матбуот комитети «Ўзбекистон табиати» газетасини 000087-рақами билан рўйхатга олди.

Ҳафталикнинг нишона сонини шу йилнинг август ойида нашр этиш режалаштирилган. 1-сон 20 минг нусхада босилади. Кейин йил охиригача яна 4 сон (ҳар ойда бир марта) чиқариш мўлжалланмоқда. «Ўзбекистон табиати» ҳафталигига серғайрат, навқирон адибларимиздан, ҳамкасбимиз Ражаббой Ота Турк бош муҳаррир қилиб тайинланган. У илгари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Саодат» журналида адабий ходим, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаган, дадил публицистик мақолалари, ҳикоя ва қиссалари ўқувчиларга яхши таниш.

1992 йил учун обуна баҳоси — 10 сўм 56 тийин, индекси 64598.

Ҳафталикнинг мавзулари чекланмаган. Биринчи навбатда, ёш авлоднинг табиатга тўғри муносабатини шакллантириш, умуман халқдаги табиатга бўлган ҳозирги нотўғри муносабатни ўзгартириш «Ўзбекистон табиати»нинг асосий вазифасидир.

Янги ҳафталик жамоасига эзгу ишларида муваффақиятлар ва омад тилаймиз.

ЎзАС МАХБОРОТИ

МЕҲНАТИ ЁЗИЛИБ ТУГАНМАС ШОИР

Ҳазрат Навоий ғазалларидан бирида:

Номау қосид била топмас Навоий дарди шарҳ,
Чун туганмас меҳнати не ёзилиб, не айтилиб, —

деб ёзади. Ҳақиқатан, улуғ шоир асарларида қалбидаги дардларини шарҳлаб битказа олмагани каби, унинг авлодларга қолдирган мавжуд меросининг ўзини ҳам тўла англаб етмоқ, меҳнатини ҳам ёзиб, ҳам айтиб халққа етказмоқ осон эмас.

Яқинда Хоразм воҳасининг Гурлан тумани марказидаги М. Горький номидаги Адабиёт боғида, «Коммунизм» жамоа хўжалигида, Янгиариқ туманидаги «Аваз Ўтар», Хонқа туманидаги «Хоразм» жамоа хўжаликларида ўтказилган анжуманларда «Навоий ва Хоразм адабий муҳити» мавзуида сўз борди. Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилоят бўлими, «Китобхон» жамияти, Маданият фондининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган бу навоийхонликларда педагогика олий билимгоҳининг кафедра мудири, филология фанлари доктори Ҳамдам Абдуллаев, шоир Эркин Мадраҳимов, Маданият фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Комил Нуржонов бу мавзуда доклад қилдилар. Мушоирада Қ. Матризаев, Б. Отаева, Я. Худойберганов, О. Пўлатов, Ж. Юсупов ўз шеърлари ва шоир ғазалларига бағишлаган мухаммасларидан ўқидилар.

Янгиариқ ва Хонқа туманларида ўтган анжуманларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжоновнинг Навоийнинг ўлмас мероси ва унинг тадқиқига бағишланган маърузалари йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

Вилоятдаги навоийхонлик анжумани Огаҳий номидаги театрда давом этди. Ўзбекистонда шоир тўйини ўтказиш комиссиясининг аъзоси, жумҳурият радиоэшиттириш ва телевидение давлат қўмитасининг раиси Г. Ёқубов ҳамда Ҳ. Абдуллаев маърузалари Навоий меросини янгича талқин қилиш, ўрганиш муаммоларига бағишланди. Навоийхонлик оқшомида театр жамоаси томонидан саҳналаштирилган «Лайли ва Мажнун» спектаклидан парча намойиш қилинди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова ва Раҳматжон Қурбонов бошчилигидаги «Лазги» ансамбли санъаткорлари шоир ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этдилар.

СУРХОНДАГИ УЧРАШУВЛАР

Сурхондарё вилоят маданият жамғармаси базасида Ўзбекистон Маданият жамғармасининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. «Маданият жамғармаси вилоят бўлимлари фаолиятида янги йўналишлар» мавзуида ташкил этилган кенгаш ишида жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидан келган маданият ходимлари иштирок этдилар. Термиз шаҳрида бошланган мазкур кенгашни Ўзбекистон Маданият жамғармаси бошқарувининг раиси М. Маҳмудов кириш нутқи билан очди. Сурхондарё вилоят маданият жамғармаси бошлиғи Т. Иброҳим Қўзиев меҳмонларни жамғармаининг вилоят бўлими амалга ошираётган ишлар билан таништирди.

Семинар қизғин ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Термиз шаҳрида жойлашган СССРдаги ягона ваколатхонаси бошлиғи жаноб Паоло Лембо кенгаш қатнашчиларини ўз ваколатхонасига таклиф қилди ва у ерда қизиқарли учрашув бўлди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари вилоят маданият жамғармаси фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида унинг ишлаб чиқариш корхона ва муассасаларига ташриф буюрдилар, меҳнат аҳли билан учрашдилар.

Маданий, меъморлик ва археологик ёдгорликларга бой Сурхон воҳаси бўйлаб ўтказилган саёҳат, учрашувлар ва маданий дастур қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Ғулом КАРИМ

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон билим жамияти, Абдулла Қодирий вақфи, Ўзбекистон рассомлари уюшмаси сизларни мусаввир Алишер Мирзаевнинг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган расмлар кўргазмасига таклиф этади.

Кўргазма шу йил 1 август соат 18.00 да очилади.

Кўргазма 1 августдан 5 сентябрга қадар соат 10.00 дан 18.00 гача Билимлар уйи, Абдулла Қодирий кўчаси, 13 уйда намойиш этилади.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛИМ ЖАМИЯТИ, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВАҚФИ, ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ УЮШМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви ҳайъати, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги жамоаси ва жумҳурият Адабиёт жамғармаси СССР Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, ҳафталик катта мухбири Аҳмад Отабоевга онаси

Бегимой ҚОРАЧАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси ижодий жамоаси Туркиядаги ватандошимиз, ҳафталигимизнинг жонкуяр тарғиботчиси, шоир ва таржимон Собир Сайҳонга акаси

Муҳаммадхон ХОЛМУҲАММАДХЎЖА ўғли

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЧОРА

Режиссёр ёрдамчиси хонага кириб келганда калта бўйли, доимо сочини орқага силлиқ қилиб тараб юрадиган, ингичка овозли театр директори Шоқосим Одилович бағрини столга тираб ўтирарди.

— Келинг, қадрдон.

Шоқосим Одиловичнинг одати шунақа, етти ёшдан етмиш ёшгача «қадрдон» деб мурожаат қилади.

— Яна Холбой Абдиқўзиев масаласида келдим. Бу инсон Холбой эмас, Доғбой, жамоамиз шаънига тушган доғ экан...

— Тағин нима бўлди, қадрдон? Янги йил арафасида кайфиятингиз ёмон?..

— Бугун ҳам ишга чиқмади. Хоҳласа келади, хоҳламаса йўқ.

Директор пешонасидан тушиб турган бир тутам сочини эҳтиёткорлик билан авайлаб, жойига силлиқлади.

— Жуда қизиқ-ку, қадрдон. Яна ишга келмадими-а? Оббо. Бунақада қачон коммунизм қурамиз?

— Мана устидан «Рапорт» ёзиб келдим. Жонга тегди шу одам. Кечаги «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклида Тоҳирни дарёга оқизамиз, деб сандиқни очсак, ичида пишиллаб ухлаб ётибди. Кечаси отардан кеч қайтиб, уйқуга тўймаган эмиш. Уни чиқариб ташлаб, Тоҳирни сандиққа тиқ-қунча она сутимиз оғзимизга келди.

— Тоҳирнинг ўрнига ўшани дарёга оқизиб юборавермабсизлар-да, қадрдон. Биратўла қутилардик, — деди директор кулгисини яширолмай.

— Ўзи ойда-йилда концерт бўлса, икки-учта ашула айтади, холос, — давом этди режиссёр ёрдамчиси. — Бўш юрмасин деб эпизодик рол беришган эди. Анови спектаклда... тахтга ўтирган хон олдига кириб, «Элчилар келди», дейдиган бор-йўғи икки оғиз сўзи бор. Шуни эсидан чиқариб, довдираб хон ва аъёнларига қараб «Ўртоқлар, мен нима дейишим керак эди?» деб ўтирибди. «Нега сўзингизни билмайсиз?» десам, «Рол ёзилган дафтарим уйда қолиб кетибди», дейди. Қачон қарасанг, соқоли икки энли бўлиб ўсиб юради. «Соқолингиз ўсибди, олсангиз бўлмайдими?» десам, «Ўсибдими? Эрталаб ойнага қарамабман-да», дейди. Ҳайдаб юбориб қутилиш керак.

— Тўғри, қадрдон. Лекин унга ҳам қийин. Одамгарчилик юзасидан, отарга борсин, деб шароит яратиб берганмизки, олдинги икки хотинига алимент тўлайди. Қийналиб қолмасин, дейміз, боёқиш. Бошим қотди, қадрдон. Нима қилсак экан-а?

— Думини тугиш керак, вассалом.

— Қизишманг, қадрдон. Думини тугиш осон. Аммо бу ёқда Каттанинг янги йил кутишлари турибди. Хафа қилсак, аразлаб Каттанинг уйларига бормаслиги мумкин. Унда нима бўлади, қадрдон? Холбой бормаса, базм унчалик қизимайди. Қурғур Холбой унинг яхши ҳадисини олган-да. Тушмагурнинг овози хириллаган бўлса ҳам, яллани эшиб қўяди-да. Айниқса, анови ўзи шеър ёзиб қуй басталаган «Ларзонгул» ялласини олинг. Даврада ўйнамаган одам қолмайди. Бунинг устига, олдинда амакимизнинг ноччамизнинг тўйлари турибди. Холбойни ишдан бўшатсак, қандоқ бўларкин, қадрдон?

— Бўлмаса нима қил, дейсиз? Тўйлар ўтсин деб неча йилдан буён индамай келяпмиз. Бундан кейин ҳам тўйларимиз кўп. Шундай чидаб юраверамизми? Бирор чора кўришимиз керак-ку.

— Бўпти, бўпти, қадрдон. Қаттиқ чора кўраман. Топиб менинг олдимга юборинг. Шундай боплайки, кўзи мошдек очилсин.

Режиссёр ёрдамчиси тушга яқин Холбойни топиб, директор олдига юборди. Бир оздан сўнг директор Холбойга боплаб «чора» кўраётганини эшитиб қолди.

— Энди бундай эмас-да, қадрдон. Озгина бўлса-да ўйлаш керак. Овоз нозик нарса. Дуч келган зах сандиққа кириб ётаверсанг, ёмон таъсир қилади. Иккинчи марта бу ноўмақулчиликни қилма. Қаттиқ таъзирингни бераман. Қоровул чолга тайинлаб қўяман. Бундан сўнг, ётгинг келса, унинг каравотида бемалол дам олаверасан. Тушундингми?... Ҳа, Янги йил кечаси ухлаб қолма, фақат. Каттанинг уйларида базм бўлади-я!

Марат ШАРИПОВ

ҚАЙСИ ТИЛДА СУҲБАТЛАШАЯПМИЗ?

МУХБИР: — Корхонангизда тил Қонуни қандай амалга ошириляпти?

БОШЛИҚ: — Энди брат, отлично десам мақтаниш бўлади-ю, но яхши боряпти, дейишим мумкин. Ўша тил тўғрисидаги Закун чиққан куннинг эртасигаёқ неочередной собрание ўтказдик, ҳамма закуннинг қабул қилинишига «за» бўлди...

МУХБИР: — Масалан, кўргазмали тарғибот бўйича қандай ишлар қилинаяпти?

БОШЛИҚ: — Вивискаларни ўз тилимизда приписат қилдик. Стенгазеталарни ҳам давлат тили бўйича ёздик. «Доска почёт»даги надписларни фамилиясидан тортиб, пропессиясигача давлат тилида ёзиб қўйдик.

МУХБИР: — Иш юритиш ва бошқа корхоналар билан бўлган алоқа қайси тилда бўляпти?

БОШЛИҚ: — Канешна, давлат тилида. Между прочим, баъзида қийналиб ҳам қоляпмиз. Давлат тилидаги отношиниелар... (телефон жиринглайди). Бир минут. Алло, да, да. Яхши. Да, отлично... Ҳа, корреспондент келган... Ўша... язиковой закун тўғрисида... Но, бизда яхши. Қатор мероприятилар қабул қилганмиз. Зўр, Хўп, пака (телефонни қўяди)... Тил тўғрисидаги комиссиядан сўраяпти. Ҳа, нима тўғрисида гаплашаётган эдик?

МУХБИР: — Ишларингизда камчиликлар ҳам борми?

БОШЛИҚ: — Ҳа, камчиликлар уйма. Масалан, Зайцева деган делопроизводителимиз бор. Яқинда чақириб, шундай-шундай, тил тўғрисидаги закун ҳаммага баравар, илтимос, фамилиянгни давлат тилига мослаштир, дедим-у балога қолдим. Мен қип-қизил дурак эмишман. Дурак эмас, аҳмоқ, десам, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

МУХБИР: — Кечирасиз, ҳозирги суҳбатимиз қайси тилда бўляпти?

БОШЛИҚ: — Нима сиз мени испитат қиляпсизми? Неужели давлат тилини билмайман. Ахир бу родной тилим-ку...

ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙМИЗ!

Нурафшон район ғишт заводи коллективи аҳолини лой билан таъминлашга киришди. Бу иш ғишт ололмай сарсон бўлиб юрганлар учун катта қулайлик туғдирди. Чунки улар тайёр лойни пишиқ ғишт нархида сотиб олиб, ўзлари ғишт қуйиб олишлари мумкин.

ОБОДОНЧИЛИК

Чўлқувар районида ободончиликка катта эътибор берилмоқда. Яқинда ароқ магазинига олиб борадиган икки километрлик йўл асфальтланди, сим ёғочларга лампочка ўрнатилди. Шунингдек, ароққа навбатда турганлар зерикмаслиги учун бу ерда музқаймоқ сотиш ҳам йўлга қўйилди.

ЭНГ СЎНГГИ ҲАБАР

Гултепа қишлоғидаги аралаш моллар магазини сотувчиси мана иккинчи ҳафтадирки магазинни қулфламай кетмоқда. Магазинда қўлга илинадиган нарса йўқлиги сотувчининг шундай йўл тутишига сабаб бўлди.

Этамназар СОҲИБНАЗАРОВ

ДЕНГИЗ СОҲИЛИ ЭРТАКЛАРИ

Итальян эртакларини ўқир экансиз, уларда тасвирланган воқеаларни кўриб ўз ҳаётимизда учраб турадиган ҳодисалар кўз олдингизга келади, улардаги қаҳрамонлар билан танишиб ўзимизнинг Насриддин Афанди, Алдар кўса, Ўмирбек лаққи, подшо, дев, пари, тадбиркор деҳқонларни эслайсиз. Ораларини бир неча минглаб чақирим масофа айириб турадиган бу икки халқ эртаклари ўртасидаги ўзаро ўхшашликлар улар турмуш тарзларининг яқинликларидан, орзу-интилишларидан, маданиятларининг юксакликларидан, қолаверса бу халқларнинг кулгуга, ҳазил-мутойибага ўчликларидан бўлса ажаб эмас.

ҚИРОЛНИНГ МАҲБУСЛАРИ

Қадим ўтган замонларда Италияда кўплаб шаҳарлар, шаҳарларда эса қиролликлар, қиролликларда эса қироллар бўлган экан. Ана шундай шаҳарлардан биридаги қиролликда кекса қирол вафот этибди, унинг ўрнини ўғли эгаллаб, тожини кийибди. Ёш қирол ишни ўз мулкини кўришдан бошлашга аҳд қилибди.

Биринчи вазир ва бош маслаҳатчи ҳамкорлигида у оқ отда ўз давлатини айланибди. Қироллик катта бўлмагани сабабли кун ботмасданоқ бор мулкини айланиб чиқиб, уйига келибди.

Ёш қирол тахтга чиқиб ўтирибди ва сўрабди:

— Биз ҳамма жойни кўрдикми?

— Йўқ, ҳамма жойни кўрганимиз йўқ, — деб жавоб беришибди биринчи вазир ва бош маслаҳатчи. — Сиз жаноби олийларининг қироллик мулкингизда яна бир жой — қироллик зиндони ва унда эса қирол маҳбуслари бор.

— Мен ўша жойни ҳозироқ кўришим керак! — дея қирол тахтдан ирғиб турар экан буйруқ берибди.

— Лекин ташқари аллақачон қоп-қоронғу бўлиб қолдику, — эътироз билдирибди биринчи вазир.

— Бемаънилик, — ғазабга минибди қирол. — Агар у ер ҳақиқий зиндон бўладиган бўлса, кундуз куни ҳам қоронғу бўлиши керак. Хизматкорларга буюринглар машъала ёқсинлар ва мени ўша ерга олиб боринглар.

Занжирбанд қилинган, кийим-бошлари йиртилган, қийноқлардан азоб неккан маҳбуслар қирол олдида қатор бўлиб тизилибди.

— Сен нима учун қамалгансан? — биринчи маҳбусдан сўрабди қирол.

— Оҳ, қирол жаноби олийлари, менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Мени кўчада тутиб олишди ва зиндонга ташлашди.

— Сен қандай жиноят қилгансан? — иккинчи маҳбусдан сўрабди қирол.

— Ҳеч қандай, — жавоб берибди маҳбус йиғлаган куйи. — Мени оилам билан тинчгина овқатланиб ўтирганимда олиб келиб зиндонбанд қилишди.

— Сен-чи? — сўрабди қирол учинчи маҳбусдан.

— Осмон гувоҳ, бегуноҳ қамалганман. Мени ярим кечаси тўшак устидан олиб келиб бу ерга ташлашди.

Қирол шу тариқа тўртинчи, бешинчи, олтинчи... ўнинчи ва бошқа маҳбуслардан ҳам қандай қамалганини сўраб чиқибди, улар ўзларининг бегуноҳ зиндонбанд бўлганларини айтиб қасам ичибдилар.

Ниҳоят, қирол шундай савол билан охирги маҳбусга мурожаат қилибди.

— Қирол жаноби олийлари, — дебди у, — мен кўп жиноятлар қилганман. Ўғирлик қилганман, одамларни талаганман, ўлдирганман...

— Эй, ярамас! — жаҳл билан бақирибди қирол. — Сен қандай қилиб бу ерга, яхши, инсофли одамлар орасига келиб қолдинг. Бунга қандай журъат этдинг? Мен сенинг қирол маҳбусларини йўлдан уришингга йўл қўймайман. Зиндондан тезда йўқол!

Шундай қилиб қирол уни занжирдан бўшатиб, бу ердан қувиб юборишга буйруқ берибди.

ЭЙ, ОТНИ ОЛИБ ЧИҚ!

Аравакаш Петруччо уйланди. Тўйдан кейин навниҳол келинни уйга олиб кирди ва унга сўз қотди:

— Энди, Розина, биз яхши яшаймиз! Мен ишлайман, сен оилага қарайсан. Мен ҳеч ишдан қочмайман. Агарчи менга эрта тонгдан қора кечгача отдан тушмагин деб буйруқ бергин — ҳеч тушмайман, ишни қойил қиламан. Унда уйга чарчаб келасан, дейсанми, ҳечам чарчамайман. Мана кўрасан! Бошқа қолган ҳамма ишлар эса сенинг гарданингда. Фақат бир одатим бор, дарвоза олдига келганда «Эй, отни олиб чиқ!», деб қичқираман. Шунда сен тез бориб отни етаклаб чиқасан.

— Бу яна нимаси? — деди Розина. — Бир камим от етаклаб юришим қолувди?

— Нимага етакламас экансан, ахир уни ташқарига олиб чиқиб уёқ буёғини тозалашимиз, ювиб-тараб, овқатлантиришимиз керак! Шунинг учун мен сенга «Эй, отни олиб чиқ», деб қичқираманда...

— Мен эса сенга отнинг яқинига ҳам йўламайман деяпман, — эрининг сўзини бўлди Розина. — Уйда менга ота-онам от етаклашни ўргатгани йўқ.

— Жаҳлинг чиқмасин, хотиржам бўл, — деди Петруччо, — мен сенга ҳамма нарсани ўргатаман. Отни ҳовлига олиб чиқасан...

— Олиб чиқмайман!

— Хўш, мен «Олиб чиқ!..» деб қичқирсам, нега олиб чиқмас экансан?

— Сен қичқираверишинг мумкин, мен эса жойимдан ҳам қўзғолмайман.

— Эҳ, Розина, — деди Петруччо, — менинг жаҳлимни чиқарма, яхшиси отни олиб чиқ!

— Олиб чиқмайман! — бақирди Розина.

Шунда Петруччо ҳам ўзини тутолмай бақириб юборди.

— Ҳозироқ олиб чиқ!

— Олиб чиқмайман!

— Олиб чиқ!!

— Олиб чиқмайман!!

Уларнинг шовқин-суронини эшитиб қўшнилар югуриб келишди ва ёш келинкуёвлардан жанжалнинг сабабини сўрадилар.

— Дарров нимани бўлиша олмай қолдинглар, нима жанжал?

Петруччо қўшниларга тушунтира бошлади:

— Мана, хотинимни кўрмайсизларми, менга ёрдам беришни истамаётибди. Мен унга «Отни олиб чиқ!» деяпман, у эса «Олиб чиқмаман!» дейди.

— Бор-йўқ гап шуми, шу учун жанжаллашгани уялмайсизларми, — деди кекса Жузеппе.

— Келинглар, сизлар қийналсаларингиз отингизни мен олиб чиқа қолай. Хўш, у қаерда боғлоқлик?

— Шу, кечирасиз, биласизми? — чайналди Петруччо. — Ҳозирча бизларнинг отимиз йўқ. Уни энди сотиб олмоқчиман.

РОҲИБ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚУЛОҚЛАРИНИ АСРАБ ҚОЛДИ?

Бир эр-хотин, аҳил-иноқ, яшарканлару... лекин эрининг бир одати бор экан. Яъни, хотини овқат қила бошлаши билан эри кўчага чиқиб, биринчи дуч келган одамни уйга олиб кириб, овқат ейишга таклиф қиларкан. Унинг томоғидан ҳазил-ҳузулсиз, бирор суҳбатдошсиз овқат ўтмас экан.

Хотини-чи, ўзига аталган овқатни биров еб кетиши қайси хотинга ёқибди дейсиз? Қолаверса, қорин тўймай қолганда кўнгилга суҳбат, ҳазил-ҳузул сиғармиди? У эрига овқат пишганда кўчадан одам олиб келмаслик хусусида қанча ёлворди, жаҳл қилиб кўрди, дўқ урди, барибир бўлмади. Шундай пайтда эри мулойимлик билан дерди:

— Азиз хотинжон, сен оилапарвар, қўли гул, ажойиб пазанда аёл бўлсанг, мен айбдорманми? Ахир мен сенинг пазандалигингни бутун олам билсин дейманда, шунинг учун ҳар гал овқат пишганда бирор одамни бошлаб келаман!

Бундай мақтов олдида қандай хотин мойдай эримайди дейсиз? Эрининг ушбу гапларини эшитиб ўша хотин ҳам жаҳлдан тушарди.

Кунлардан бир кун хотин бозордан иккита семиз тустовуқ олиб келди. Уйга кириб эрига деди:

— Илтимос, бугун ҳеч кимни чақирма. Тустовуқ бор-йўғи иккита, насиб қилса иккимизга етади. Ҳозир, мен унинг патини юламан, сен пичоқни ўткирлаб бергин.

— Хўп, хотинжон, сен айтгандай бўла қолсин, ҳеч кимни чақирмайман, — жавоб берди эри ва пичоқни эшик олдидаги қайроқтошда ўткирлаш учун ташқарига йўл олди.

Шу пайт аксига олгандек, эшик олдидан семиз роҳиб ўтиб борар эди. Эр ўзини тутиб туролмади ва уни тушликка таклиф қилди. Роҳибни уйга олиб кириб хотинига деди:

— Мана, хотинжон, меҳмонни қабул қил, мен пичоқни ўткирлаганимча сен авлиё ота билан суҳбатлашиб тургин.

Бу гапдан кейин хотининнинг сабр-тоқати чидамади, эрига кўрсатиб қўймоқчи, ундан ўч олмоқчи бўлди.

— Оҳ, авлиё ота, — деди у роҳибнинг қулоғига шивирлаб, — эслашнинг ўзи нақадар даҳшат, ҳозир сиз табаррук аъзоларингиздан ажралишингизни биласизми? Бу ёвуз пичоқни нега чархлаётганини англадингизми? У бегуноҳ одамларни уйга олиб келиб, қулоқларини кесиб қовуриб ейди...

Бундай даҳшатни эшитган семиз роҳиб худди оҳу сингари сакраб ўрнидан турди, кўчага чиқиб қочиб қолди.

— Ҳа, унга нима бўлди? — ҳайрон бўлиб сўради эр.

— Унинг ўзига-ку ҳеч нарса бўлгани йўқ, лекин биз тустовуқларимиздан ажралдик. Уларни роҳиб олиб қочиб кетди, ҳатто раҳмат ҳам демади, — жавоб берди хотини.

Шунда эр роҳибни қува бошлади.

— Ҳой, авлиё ота, — орқасидан қувар экан қичқирди у. — Ахир шу ҳам инсофданми? Сенга иккитаси нимага керак? Жуда бўлмаса биттасини ташлаб кет!

Лекин роҳиб битта қулоғидан ҳам ажралишни истамасди. Шу сабабли тезроқ чопа бошлади.

— Майли, авлиё ота, менга биттасининг ярмини бersанг ҳам розиман, — қичқирди у.

Бу қичқириқлар бекорга кетди. Роҳиб қулоғининг ярмидан ҳам ажралишни истамасди. Шу сабабли у тез чопиб кўздан ғойиб бўлди.

Эр ниҳоятда ранжиди, йўл устидаги тошга ўтириб кечгача роҳибнинг қайтишини кутди. Хотини эса бу пайтда тустовуқларни пишириб, паққос туширди.

Шундан бери эр уйига яқин дўстларини, уларни ҳам фақат байрам кунларида таклиф қиладиган бўлди.

К. МАТЕҚУБОВ таржимаси

Ғаббас ҚАБИШЕВ

ҲАЗИЛ ТАГИ ҲАҚИҚАТ

— Бир нимага ҳеч тушунолмайман. Шу вақтгача ўн учта қисса, тўққизта роман ёздим. Лекин танқидчилар ғинг дейишмайди: на мақташади, на танқид қилишади.

— Ёзувчим-эй, ўзингга фойдаси бор, бошқага зиёни йўқ экан, жимгина ёзавермайсанми!

●

— Аҳволингиз оғир, зудлик билан операция қилмоқ зарур.

— Йўқ-йўқ. Операция қилдиргунча ўлганим яхши.

— Вой, нега додлайсиз? Операция қилсак ҳам, қилмасак ҳам барибир ўласиз.

●

— Эрим шундоқ кашандаки, тамаки тутунидан сочим оқарадиганга ўхшайди. Нима қилсам экан?

— Менинг усулумни қўлла.

— Сиз нима қилгансиз?

— Эримга: «ё мени денг, ё тамакини», дедим.

— Кейин-чи?!

— Шундан бери қорасини кўрганим йўқ.

●

— Сиз эрингиз билан ажрашмоқчи эмишсиз, шу ростми?

— Рост.

— Унда сизга яхши бир адвокат топиб берайми?

— Раҳмат. Мен яхшигина прокурор топиб олганман.

●

— Уйга бевақт қайтган куним хотиним эшикни очаётиб соатга қарайди.

— Менинг хотиним эса девордаги календарга қарайди.

●

— Дўконни ўмармасдан аввал хотинингизни, болаларингизни ўйламадингизми?

— Ўйлашга-ку ўйладим. Лекин дўконда уларга лойиқ кийимлар йўқ экан-да.

●

— Дўстим, соғ-омонмисан? Анчадан буён кўринмайсан?

— Мемуар ёзаяпман.

— Жуда яхши. Айт-чи, мендан эллик сўм қарз олган йилни ҳам ёздингми?

●

— Муҳаббатдан қиммат ҳеч нима йўқ, дегани рост экан, — дебди оппоқ соқолли, бир бебахт сўнгги тангаларини алиментга тўлаётиб.

Қозоқчадан Долимжон САИФУЛЛАЕВ таржимаси



Рассом Р. АҲМЕДОВ



Рассом С. ҲАМРОЕВ

Саодатбахш, олижаноб ҳис-туйғулар инсонга ёшлик чоғларидан бошлаб ҳамроҳ ва ҳамқадамдир. Шу боисдан ҳам бу туйғуларнинг вақти-соати келиб укаларимиз, сингилларимиз қалбларида инқилоб ясаши табиий.

Ўқувчилик пайтларимда ўзбек болалар шоирларининг муҳаббат мавзуидаги шеърларини ўқиган эмасман. Ўша пайтларда бундай шеърлар йўқ, эди десам хато бўлар. Аммо мен тенгиларнинг аксарияти болалик чоғларида шундай асарларни мутолаа қилмаганликлари ҳам ҳақиқатдир.

Афсуски, бундай асарлар ҳозирги кунда ҳам жуда оз.

Шуни назарда тутган ҳолда, қардош болалар шоирларининг муҳаббат мавзуидаги шеърларини ўзбекчалаштириб, ёш муштарийлар ҳукмига ҳавола этишга жазм этдим.

МУТАРЖИМ

Константин ЗАБОРОВ-СЕДОЙ

МУҲАББАТ ҲАҚИДА

— Мени яхши кўрасанми? —
Толя сўрар Олядан.
Уйга толар Смирнова
Гапира олмай бирдан.
— Ойимларни севаман! — дер
Сўнгра бир оз шошилиб.
— Дадам, укам, акамни ҳам! —
Дер яна майин кулиб.
Толя ранжир: — Мени эмас,
Севсанг ойинг, акангни,
Айтиб қўяй, кўтармайман
Бундан буён папкангни!

Николай ЛАММ

ДИЛ ИЗҲОРИ

Қуёнойнинг қўлларидан
Ушлаб оҳиста, майин.
Ўрмонда сайр этар Қуён
Кўнгли ўсиб тоғдайин.

Қийналарди шўрлик ошиқ
Дил ёзолмай ёрига.
Ёри қулоқ тутармикан
Бугун унинг зорига?
Сукут сақлаш оғир эди.
Меҳр балқиб кўзида,
Қуёнойга Қуён деди:
Қудрат топиб ўзида:
— Таърифингга тилим лолдир,
Ўзингсан борим, шоним,
Сенчи худди...
Сенчи худди...
Худди сабзисан, жоним.

Олег БУНДУР

ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

Энди Света билан
Бўлмайман ўртоқ.
Бир қарасам йиғлайди
Бир боқсам — қувноқ.
— Яхши эмас бу ишинг, —
Койирлар ойим.
— Қизлар билан иноқ бўл,
Бўлгин мулойим.
Ўзлари ҳам дўстлашиб
Болалигида,
Ҳурмат қилган эканлар
Дадамни жуда.
Ўхшасайди ойимга
Эҳ, бирорта қиз,
Ўртоқ бўлиб олардим
Мен ҳам шубҳасиз!

Абдураҳмон АКБАР таржималари

БАХТ КЕТИДАН ҚУВМАГАН...

Қамчисидан қон томган золимнинг тилидан бол ҳам томади...

●

Илмни мансаб ва мавқе воситаси билган сохта олим ҳокимиятнинг ҳам безабон қули, ҳам забонли қўғирчоғидир.

●

Қўрқувдан дили «гипсланган» ижодкор бир қарасанг, муғомбир, бир қарасанг, хиёнатчи, алал-оқибатда эса сотқин бўлур.

●

Қайта-қайта чайналаверадиган гаплар ҳақиқат деб қабул қилинади. Бу — кўникма. Лекин ҳақиқат кўпинча гапирилмаслиги, абгори чиқиб кетган тушунча ва ақидаларнинг ҳақиқатга алоқаси йўқлигини оломон ўйлаб ҳам ўтирмайди. Бу — фикрсизлик кўникмаси.

●

Ёлғизликда ақл хотиржам ишлайди. Ёлғизликда юрак шаффофлашади. Руҳ куч йиғади ёлғизликда. Ёлғизлик гоҳо «жаннат»дур, «дўзах»дан қутқаради. Ёлғизлик илоҳий эрк — қулликдан халос айлайди. Лекин инсон ҳеч пайт ёлғизлик қаърига шўнғиб кета олмайди. Мутлақ танҳолик — очлик эзлон қилишдай бир гап.

●

Мени таҳқирланган Моҳият азоблайди.

●

Оқил демиш: «Душмандан қўрқмаса бўлади... Дўстдан асра, ё парвардигор».

●

Замонавий деб «тамға» босилган куй-қўшиқларнинг аксарияти маънавий қашшоқлик оҳангларидир.

●

Бахт кетидан қувмаган бахтсизликдан қочмайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

●

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЕҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинградкўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Муталлиб СОДИҚОВ

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 19.20

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64592 Буюртма 5709 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12